

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМОНКУЛОВА НИЛУФАР ХОДЖИ-АКБАРОВНА

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ
МУАММОЛАРИ**

**(5A240111 – Халқаро бизнес ҳуқуқи йўналиши
магистр талабалари учун ўқув қўлланма)**

Тошкент – 2020

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ўқув-
услубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилган
(2019 йил 2 декабрь 7-сонли баённома)

УДК: 341.9.018 (575.1)

Рахмонкулова Нилуфар Ходжи-
Акбаровна. **Халқаро хусусий ҳуқуқ
муаммолари.** – Тошкент.: ЖИДУ, 2020.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судьялар
кенгаши ҳузурида Олий судьялар
мактаби кафедра мудирини, ю.ф.д., проф.
Самарходжаев Б.Б.

ЖИДУ “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва
фуқаролик-ҳуқуқий фанлари” кафедраси
мудирини, ю.ф.н., доц. **Масадиков Ш.М.**

Мазкур ўқув кўлланма халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва унинг кодификацияси билан боғлиқ муаммоларга бағишланган. Ўқув кўлланмада халқаро хусусий ҳуқуқ предметини ташкил қилувчи муносабатлар доираси кенг таҳлил қилинган ҳолда унинг миллий ҳуқуқ тизимида тутган ўрни белгиланган ва унинг кодификацияси билан боғлиқ муаммолар, хорижий мамлакатларда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси ва унификацияси жараёнлари кўрсатилган.

Ўқув кўлланма магистрларга халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни борасидаги тасавурларини чуқурлаштиришга, муаммоларни аниқлашга ҳамда бакалавриатурада олинган билимларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ушбу кўлланмадан нафақат талаба-магистрлар, илмий ва педагог ходимлар, балки докторлик диссертациялари устида ишлаётган тадқиқотчи олимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

© Н.Х.-А.Рахмонкулова, 2020

МУНДАРИЖА

I БОБ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚНИНГ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МОҲИЯТИ.....4-58

1.1. Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш методлари.....4-30

1.2. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати ва ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.....30-49

1.3. Ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг моҳияти.....49-58

II БОБ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА КОДИФИКАЦИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.....59-97

2.1 Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси тушунчаси ва моҳияти.....59-72

2.2 Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациялари классификацияси.....72-87

2.3 Ҳуқуқ доктринасида халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси муаммоси.....87-97

III БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ КОДИФИКАЦИЯСИ ВА УНИФИКАЦИЯСИ ЖАРАЁН- ЛАРИ.....98-141

3.1.Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси ва унификацияси жараёнларининг ўзаро алоқаси.....98-104

3.2.МДҲ мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси ва кодификацияси жараёни.....104-124

3.3.Европа Иттифоқи давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси ва кодификацияси жараёни.....125-141

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....142-166

СОДЕРЖАНИЕ

I ГЛАВА. МЕСТО МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА В СИСТЕМЕ ПРАВА И ЕГО СУЩНОСТЬ.....	4-58
1.1. Характер отношений и методы правового регулирования международного частного права.....	4-30
1.2. Правовая природа и место в системе права международного частного права.....	30-49
1.3. Сущность источников международного частного права нынешнего времени.....	49-58
II ГЛАВА. КОДИФИКАЦИЯ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ И ЕГО ВИДЫ.....	59-97
2.1. Понятие и сущность кодификации международного частного права....	59-72
2.2. Классификация кодификаций международного частного права.....	72-87
2.3. Проблемы кодификации международного частного права в правовой доктрине.....	87-97
III ГЛАВА. ПРОЦЕССЫ КОДИФИКАЦИИ И УНИФИКАЦИИ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ.....	98-141
3.1. Соотношение процессов унификации и кодификации международного частного права.....	98-104
3.2. Процесс унификации и кодификации международного частного права в странах СНГ.....	104-124
3.3. Процесс унификации и кодификации международного частного права в странах Европейского Союза.....	125-141
СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	142-166

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚНИНГ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МОҲИЯТИ

1.1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш методлари

Ҳозирги халқаро савдо-иқтисодий, оила-никоҳ, мерос, меҳнат, илмий ва бошқа барча муносабатлар турфа хил ва кенг камровли бўлиб, мазкур муносабатлар шубҳасиз, келажакда ривожланиш тенденциясига эгадир. Бу ҳолат давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда яқинлашишига олиб келади. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги турли муносабатларнинг муваффақиятли ривожини ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши даражасига боғлиқдир. Юқори даражада ҳуқуқий тартибга солинганлик мазкур муносабатларнинг келажакда ривожланишига замин яратади, акси эса уларнинг тараққиётига тўсқинлик қилади ёки секинлаштиради. Ушбу масалада халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни бекиёсдир. Айнан унинг нормалари халқаро алоқалар иштирокчилари учун қай даражада қулай ҳуқуқий режим тақдим этилишини белгилаб беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг юқори даражада тартибга солинганлиги ушбу нормаларнинг тизимлаштирилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, турли ривожланган давлатлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг автоном кодификацияси йўлидан бораётганлиги бунинг тасдиғидир. Аммо халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси муаммосини келтириб чиқарувчи ҳолатлардан бири халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва ҳуқуқий табиати борасида яқдил фикрнинг мавжуд эмаслиғидир, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг ҳуқуқий табиати ва ўрнини аниқ белгиламай туриб, уни кодификациялаштириш масаласини ҳал этиш мураккабдир.

Мамлакатимиз юриспруденциясида ҳуқуқ тизими ва унинг ички элементлари масалаларини таҳлил қилиш жараёнида, одатда, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи сингари мезонлар қўлланилади¹. Ушбу мезонларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида тадқиқотчилар томонидан турлича фикрлар билдирилади. Айрим тадқиқотчилар ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқуқ тизимини яратиш ва дифференциация қилишнинг бирдан-бир мезонидир, деб ҳисоблашса, баъзи муаллифлар, аксинча, бундай мезон сифатида фақат тартибга солиш методи амал қилиши мумкин, деган фикрни илгари сурадилар². Иккала мезон ҳам бирга қўлланилиши лозим, деган нуқтаи назар илмий адабиётларда айниқса кенг тарқалган³. Фикримизча, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи ўзининг тизим яратувчи аҳамиятини йўқотмаган ҳамда ҳуқуқ тизимида таркибий тузилмаларнинг ягоналиги ва уларни дифференциация қилиш функциясини бажаришда давом этмоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилашда, аввало, унинг предмети ташкил қилувчи муносабатларни таҳлил қилар эканми, шуни таъкидлаш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ предмети ташкил қилувчи муносабатларнинг хусусияти биринчи галда ушбу муносабатларнинг чет эл элементи билан мураккаблашганлиги билан белгиланади. Айнан шу белги халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажратиб туради. Фанга “чет эл элементи” атамаси М.И.Брун томонидан киритилган бўлиб, мазкур атама халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади.

Чет эл элементи ва унинг халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни ҳақида Г.К.Матвеев шундай дейди: “Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқ – хусусияти чет эл элементи билан “мураккаблашишдан” иборат бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси /Масъул муҳаррирлар: проф. Х. Б. Бобоев ва проф. Х. Т. Одилқориев. – Т., 2000. –Б.312.

² Морозова Л.А. Основы государства и права. – М., 2004. –Б.97.

³ Тархов В.А. Понятие гражданского права. – Саратов, 1987. Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование общественных отношений: единство и дифференциация. – Л., 1988. Степанов П.В. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: Автореф. дисс. ... к.ю.н. – М., 1999.

махсус гуруҳи билан бевосита туташувчи алоҳида соҳадир”⁴. Г.Ю.Федосеева эса, “чет эл элементи хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишини халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига тобе қилади” таъкидлайди⁵.

Инглиз олимларидан П. Чешир ва П. Нортларнинг ёзишича, “инглиз ҳуқуқининг халқаро хусусий ҳуқуқ деб номланувчи қисми суд ҳар гал чет эл элементи мавжуд бўлган ишни кўриб чиқаётганида қўлланилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ фақатгина ушбу элементнинг мавжудлигида ҳаракатга келади”⁶. “Чет эл элементи” ибораси Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Венгрия, Вьетнам, Польша, Руминия, Чехия каби давлатлар қонунчилигида ишлатилади.

М.И.Брун таъкидлаганидек, “ўзининг барча элементлари билан бир ҳуқуқ-тартибот ҳудудига боғланган ҳуқуқий муносабатлар билан бир қаторда, ўзининг алоҳида элементлари билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳудудлар ҳуқуқ-тартиботи билан туташадиган, бир қатор бошқа муносабатлар ҳам мавжуд: ҳуқуқ субъекти чет эл фуқароси бўлиши мумкин, ҳуқуқ объекти бошқа мамлакатда жойлашган бўлиши мумкин, субъектив ҳуқуқ бир мамлакатда вужудга келиб, унинг бошқасида амалга оширилиши талаб қилиниши мумкин”⁷.

Доктрина ҳам, амалиёт ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг чет эл элементи билан мураккаблашувининг уч гуруҳини кўрсатади. М.М.Богуславский ҳам ушбу уч гуруҳ муносабатларни кўрсатиб ўтган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) субъекти хорижий хусусиятга эга бўлган тараф иштирок этаётган муносабатлар;

2) чет эл элементи ҳуқуқий муносабат объектларига тегишлилиги билан тавсифланади: муносабат иштирокчилари бир давлат фуқароси бўлса-да,

⁴ Матвеев Г.К. Международное частное право. – Киев, 1985. –Б.6.

⁵ Федосеева Г.Ю. Брачно-семейные отношения как объект международного частного права: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М., 2007. –Б.25.

⁶ Чешир П., Норт Д. Международное частное право /Перев. с англ. к.ю.н С.Н.Андреанова. – М.: Прогресс, 1982. –Б.129.

⁷ Брун М.И. Введение в международное частное право. – Пг., 1915. –Б.7.

бирок мулкий муносабатларни вужудга келтираётган объект чет элда жойлашган;

3) вужудга келиши, ўзгариши, тугатилиши чет элда юз берган юридик факт билан боғлиқ муносабатлар⁸.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига катта ҳисса қўшган россиялик ҳуқуқшунос олимлардан И.С.Перетерский, С.Б.Крылов, А.Б.Левитин, Л.А.Лунц; хорижий ҳуқуқшунослардан М.Вольф, Л.Раапе, Д.Норт, П.Чеширлар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланган асарларида юқорида келтирилган уч гуруҳ муносабатларда чет эл элементи билан мураккаблашишни таъкидлаганлар.

Аммо А.А.Рубанов чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар белгиларининг юқоридагича таърифланишига қарши фикр билдираркан, қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

а) чет эл фуқаролигининг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар тизимига киришининг назарий жиҳатдан хатолиги;

б) баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, объект ҳуқуқий муносабат элементи бўла олмаслиги;

в) юридик фактлар ҳуқуқий муносабат тизимига умуман кирмаслиги ва унинг элементлари сифатида қаралмаслиги⁹.

Бирок у чет эл элементи қатнашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг умумэтироф этилган белгиларини танқид қила туриб, бу тушунчага нисбатан ўз нуқтаи назарини келтирмаган.

Л.П.Ануфриева А.А.Рубановнинг “чет эл элементи” иборасига нисбатан қарашларини қўллаб-қувватлаб, қуйидагича фикр билдирган: “Юридик адабиётларда ушбу ибора асосли танқидга учраган, яъни унинг маъноси шуни ташкил этадики, ҳуқуқий муносабат элементи шахснинг

⁸ Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.18.

⁹ Рубанов А.А. Вопросы теории правоотношения в международном частном праве //Проблемы гражданского и трудового процесса. – М., 1982. –Б.89.

фуқаролиги эмас, балки иштирокчининг (субъектнинг) ўзи ҳисобланади; ҳуқуқий муносабатнинг объекти нарса (буюм) жойлашган жой эмас, балки унинг ўзи ҳисобланади ва охир-оқибат чет мамлакат ёки шу мамлакатнинг ўзида содир бўлган юридик фактга ҳуқуқий муносабат тизимида умуман ўрин йўқ”¹⁰.

Ушбу фикрларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, тўғри, чет давлат фуқаролиги халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида юзага келувчи муносабатлар тизимига кирмайди, лекин чет давлат фуқароси бўлиш ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи субъект сифатида муносабатнинг хорижий хусусиятга эга эканлигини белгилайди ҳамда ушбу муносабатнинг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киришига сабаб бўлади. Демак, ҳуқуқий муносабат элементи субъектнинг, яъни шахснинг ўзи, аммо ушбу шахснинг чет давлат фуқаролигига эга бўлиши, мазкур ҳуқуқий муносабатнинг чет эл элементи билан мураккаблашувини билдиради.

Объектнинг ҳуқуқий муносабат элементи бўла олмаслиги тўғрисидаги фикрга ҳам қўшилиш қийин. Юридик адабиётларда ушбу масала юзасидан объектнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат элементи ҳисобланиши хусусидаги қатъий ёндашув шаклланган ва ҳар томонлама асослантирилган¹¹. Жумладан, С.С.Алексеевнинг фикрича, “объект юридик шакл ва моддий таркибнинг уйғунлиги сифатида кенг талқин этилганда, ҳуқуқий муносабат элементи бўла олади”¹².

А.А.Рубановнинг юридик фактга нисбатан билдирган фикрини таҳлил қиладиган бўлсак, у назарий жиҳатдан хатодир, чунки юридик факт ҳуқуқий муносабатнинг келиб чиқиши, ўзгариши ва бекор бўлишига қаратилган ҳолатдир. Т.Н.Радько таъкидлаганидек, юридик фактлар ҳар доим ҳуқуқий

¹⁰ Ануфриева Л. П. Некоторые проблемы нового российского регулирования по международному частному праву // Журнал российского права. – Москва, 2003. – № 6. – Б.16.

¹¹ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. –Т.: Адолат, 1996. –Б.81. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. –Б.626. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б.221. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 1999. –Б.85.

¹² Алексеев С. С. Общая теория права. Т.2. – М.: Юрид. лит., 1982. –Б. 156.

муносабатларни келтириб чиқарувчи асос сифатида катнашади, уларсиз ҳуқуқий муносабат содир бўлмайди¹³.

Демак, халқаро хусусий ҳуқуқ предметини “чет эл элементи билан мураккаблашган” хусусий ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ предметини ташкил қилувчи муносабатларнинг хусусияти чет эл элементи билан мураккаблашишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, халқаро хусусий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солиш предмети тўғрисидаги масала энг музокарали масалалардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини белгилаш – халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий хусусиятларини аниқлашда биринчи даражали аҳамият касб этади. Айни пайтда халқаро хусусий ҳуқуқ предмети тўғрисидаги масаланинг тўғри ва асослантирилган ечими унинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимидаги ўрнини аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

С.С.Хамраевнинг фикрига кўра, “халқаро хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган муносабатлар хусусияти тўғрисидаги масала хусусида оқил ечимга келиш, ўз навбатида, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнини тўғри аниқлашга ёрдам беради”¹⁴.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг мақоми билан боғлиқ умумназарий масалалар, бошқа ҳуқуқ соҳаларида бўлгани каби, ҳуқуқ назарияси доирасида эмас, балки айнан шу фан доирасида кўпроқ ўрганилган. Ҳуқуқ назариясида халқаро хусусий ҳуқуқ камдан-кам ҳолларда миллий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида кўрилган. Шу туфайли ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш жараёни фақат халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида содир бўлган. Тўғри, ҳозирги босқичда унинг ривожланиши билан вазият сезиларли

¹³ Радько Т.Н. Основные функции социалистического права. – Волгоград: 1970. –Б.97.

¹⁴ Хамраев С.С. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрни //Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент, 2010. –Б.33.

даражада ўзгарди, унинг предмети ва ҳуқуқ тизимидаги ўрни хусусида турли нуқтаи назарлар билдирилмоқда.

Баъзи ҳуқуқшуносларнинг нуқтаи назарига кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ предмети ташкил қилувчи муносабатлар халқаро доирадаги муносабатлар сирасига¹⁵, бошқаларининг фикрича, халқаро ҳаёт шароитида юзага келувчи хусусий ҳуқуқий (кенг маънодаги фуқаролик-ҳуқуқий)¹⁶, учинчиларининг назарида эса фақатгина “фуқаролик-ҳуқуқий табиатга эга бўлган, чет эл элементи билан мураккаблашган” муносабатлар¹⁷ сирасига киради.

Халқаро хусусий ҳуқуқшунос олимлардан И.С.Перетерский халқаро хусусий ҳуқуқ предмети таркибига “халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар”¹⁸ киришини таъкидлайди. Л.А.Лунц ҳам шу фикрни ёқлаган ҳолда, “халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳаёт шароитида вужудга келувчи, кенг маънодаги фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган муносабатлар доирасидир”, дея фикр билдиради, аммо қарашлари давомида бу халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг фақатгина бир қисми эканлигини англамаслигини, балки халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос фарқи халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг хорижий хусусиятга эга бўлган махсус гуруҳини ўрганишида эканлигини айтади¹⁹.

М.К.Сулейменов ҳам шунга ўхшаш хулосага келган. Унинг фикрича, “халқаро хусусий ҳуқуқ цивилистик типдаги давлат ички ҳуқуқининг мустақил соҳаси сифатида қаралиши лозим. У кенг маънодаги фуқаролик ҳуқуқи (фуқаролик ҳуқуқининг ўзи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, халқаро фуқаролик процесси, халқаро тижорат арбитражи)нинг халқаро элемент

¹⁵ Международное частное право: Учебник /Отв. ред. Г. К. Дмитриева. 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2012. – Б.7.

¹⁶ Международное частное право: Учебник /Под ред. Н. И. Марышевой. – М.: Юрайт, 2012. –Б.10.

¹⁷ Федосеева Г.Ю. Международное частное право: Учебник. – М.: Профобразование, 2000. –Б.24.

¹⁸ Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право: Учебник для юрид. ин-тов и фак., изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Госюриздат, 1959. –Б.6-8.

¹⁹ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. –Б.12.

билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи нормаларини ўз ичига олади”²⁰.

Аммо юқоридаги фикрлардан халқаро хусусий ҳуқуқ предмети сифатида кўрилиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳажмини аниқлаш қийин. Яъни, “кенг маънодаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар” деганда, унга айнан қайси ҳуқуқий муносабатлар киришини аниқ белгилаб бўлмайди ва масала мавҳумлигича қолади.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға тор нуқтаи назардан ёндашадилар. Масалан, В.Г.Храбсковнинг фикриға кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға оилавий ва меҳнат муносабатларини киритиш мақсадға мувофиқ эмас, чунки оила ва меҳнат ҳуқуқида хусусий ҳуқуқий категориялардан фойдаланиш ўз-ўзича халқаро хусусий ҳуқуқ предмети доирасида тегишли муносабатлар гуруҳларини алоҳида ажратиш учун етарли эмас²¹.

Тартибға солиш предметиға ўхшаш категориялардан фойдаланиш белгисидан келиб чиқиб шакллантириш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам муайян асосға эға. Аммо халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға оилавий ва меҳнат муносабатлари воситасида шакллантириш ушбу норматив тузилмалардан фуқаролик-ҳуқуқий категориялар билан ўхшаш категориялардан фойдаланилиш белгисиға кўра амалға оширилмайди. Мазкур муносабатларнинг ушбу уч гуруҳини бирлаштириш уларнинг ички бирлиги ва “ташқи” бирлиги белгисиға кўра амалға оширилади. Бу ерда уларни ҳуқуқий тартибға солишнинг ўхшашлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

В.Ф.Попондопуло ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға тор нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, “халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг чет элликлар иштирокидаги мулкый ва улар билан боғлиқ шахсий номулкый муносабатларни тартибға соладиган, томонлар тенглиги, иштирокчиларнинг

²⁰ Сулейменов М. К. Право внешнеэкономической деятельности в системе права //Цивилистические записки: Межвуз. сборник научных трудов. – Москва, 2001. –Б.117.

²¹ Храбсков В.Г. О концепции «гражданско-правового характера отношений» в международном частном праве и некоторых дискуссионных вопросах хозяйственного права //Государство и право. – Москва, 1997. – № 12. –Б.89.

хошиш-ирода эркинлиги ва мулкый мустақиллигига асосланган умумий ва махсус нормалари йиғиндисидир. Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг Фуқаролик кодекси махсус бўлими сифатида расмийлаштирилган кичик соҳаси ҳисобланади”²², деган хулосага келади.

М.М.Богуславский халқаро хусусий ҳуқуқ предметини ташкил қилувчи муносабатларнинг кенг доирасини белгилайди. У халқаро хусусий ҳуқуқ воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг икки гуруҳини фарқлайди. Биринчи гуруҳ – иқтисодий, хўжалик, илмий-техникавий ва маданий муносабатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқнинг амал қилиш доирасига кирувчи қисми (айни ҳолда, унинг вазифаси – турли давлатлар ташкилотлари ва фирмаларининг амалий алоқаларини тартибга солиш). Иккинчи гуруҳ – чет элликлар иштирокидаги уларнинг мулкый, шахсий номулкий, оилавий, меҳнат ва хусусий ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳуқуқларига доир муносабатлар²³. К.А.Беқяшев ва А.Г.Ходаковлар эса, ушбу ҳажмни янада кенгайтирган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига чет эл элементи иштирок этган фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат, тадбиркорлик, оила, транспорт ва бошқа ҳуқуқий муносабатларни белгиловчи нормалар билан бирга, валюта, молия, солиқ ва божхона доирасидаги муносабатларни ҳам киритадилар ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ёки чет эл элементи иштирок этувчи, жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатлар ўртасидаги хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар мажмуи сифатида таърифлашади. Уларнинг фикрича, ўзининг мазмуни ва юридик моҳиятига кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ томонидан ҳал қилинадиган масалалар шундай хусусиятга эгаки, уларнинг тартибга солиниши бир давлат ваколати доирасидан четга чиқади²⁴.

О.Н.Садиков К.А.Беқяшев ва А.Г.Ходаковларнинг фикрига қарши чиқиб, валюта, молия, солиқ ва божхона масалаларининг халқаро хусусий

²² Международное частное право: Учеб. пособие /Под общ. ред. В. Ф. Попондопуло. – М., 2004. –Б.11.

²³ Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.27.

²⁴ Международное частное право: Сборник документов / Сост. и авт. вступ. статьи Беқяшев К.А., Ходаков А.Г. – М.: БЕК, 1997. –Б.9.

хуқуқ таркибига киритилиши муаллифларнинг ўзи томонидан билдирилган биринчи тезисга мос келмайди, чунки солиқ ва божхона масалалари, шу билан бирга, валюта билан боғлиқ бошқа муносабатлар хусусий эмас, балки оммавий хуқуқ таркибига киради. Солиқ, божхона ва валюта хуқуқи институтлари халқаро хусусий хуқуқ нормаларининг амалий қўлланилишига таъсир қилиши мумкин, аммо бошқа оммавий хуқуқий асосларга таянади, хусусан, чет эл хуқуқига нисбатан коллизия боғловчиларни қўлламайди, дея таъкидлайди²⁵.

Л.Н.Галенская ҳам халқаро хусусий хуқуқ предметини белгилашда, анча кенг ёндашувни таклиф этган ҳолда, халқаро хусусий хуқуқ таркибига фуқаролик-хуқуқий (мулк хуқуқи, мажбурият хуқуқи, муаллифлик хуқуқи, ворислик хуқуқи), оила-никоҳ (турли давлатлар фуқароси бўлган шахслар ўртасида никоҳ тузилиши натижасида юзага келувчи барча масалалар), меҳнат (тегишли давлат ёки халқаро ташкилотда чет эл фуқаролари меҳнатини тартибга солиш) хуқуқий муносабатларни ва шу билан бирга, халқаро хусусий хуқуқ учун “анъанавий” бўлган мазкур муносабатлар гуруҳи билан бир қаторда, молиявий (икки томонлама солиқ солиш масалаларини тартибга солиш), давлат-хуқуқий (бирон-бир мамлакат фуқаролари ва чет элликлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болаларнинг фуқаролиги масалаларини тартибга солиш), маъмурий-хуқуқий (давлат ҳудудига кириш қоидалари) муносабатларни ҳам киритишни таклиф этади²⁶.

Фикримизча, Л.Н.Галенская таклиф қилган иккинчи гуруҳдаги муносабатларнинг барчасини ҳам халқаро хусусий хуқуқ предметига киритиш ўринли эмас. Масалан, фуқаролик ва шахснинг хуқуқ лаёқати масаласига келсак, бу, фикримизча, “соҳалар чегарасидаги” масалалар ҳисобланади ва шу боис улар қайси соҳага мансублигини аниқ айтиш қийин.

²⁵ Садиков О.Н. Достоинства и недочеты нужной книги //Журнал российского права. – Москва, 1998. – № 4/5. –Б.294-295.

²⁶ Галенская Л.Н. Международное частное право. – Л., 1983. –Б.7.

Худди шундай вазиятга фуқаролик ҳуқуқида юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш институтида дуч келиш мумкин.

Солиқ солиш масалаларига келсак, ушбу муносабатлар гуруҳи унда “хорижий элемент” мавжуд бўлиши мумкинлигига қарамай, халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидан ташқарига чиқади. Гап шундаки, у ёки бу муносабатларни халқаро хусусий ҳуқуқ предметига киритиш учун “чет эл элементи” мавжудлигининг ўзи кифоя қилмайди. Муайян фаолият турига солиқ солишга доир муносабат шахснинг давлат (давлатлар) олдидаги мажбуриятини ўзида ифодалайди, бунда ушбу мажбурият юзага келиши учун хусусий тусдаги муносабат асос бўлгани аҳамиятга эга эмас.

Худди шундай хулосани Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда юзага келувчи муносабат тўғрисидаги масала бўйича ҳам таърифлаш мумкин: чегарадан ўтишга рухсатномалар бериш тартиби кўпроқ оммавий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Табиийки, халқаро хусусий ҳуқуқ предметига кирувчи муносабатларга оммавий норматив тузилмалар маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, шу билан бирга, муносабатлар ўз-ўзидан солиқ ҳуқуқининг тартибга солиш предмети ҳисобланмайди, деб айтиш ўринли бўлади (масалан, ташқи иқтисодий битимдан келиб чиқадиган муносабатлар). Солиқ ҳуқуқининг тартибга солиш предмети сифатида эса, мажбурий тўловларни тўлашга доир бошқарув муносабатлари амал қилади. Шу сабабли кўриб чиқиладиган ҳолатда “таъсир кўрсатиш” ва “тартибга солиш” масалаларини фарқлаш зарур²⁷: муносабатга ҳуқуқнинг таъсири бевосита (ва айтиш ҳолда, биз тартибга солиш тўғрисида сўз юритамиз) ёки билвосита (айни ҳолда, оммавий ҳуқуқ нормаларининг хусусий муносабатларга таъсири тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади) бўлиши мумкин.

Н.Ю.Ерпылева ҳам “Оммавий хусусиятга эга бўлмаган барча ҳуқуқ соҳаларини, халқаро хусусий ҳуқуқ предметига фақатгина уларга нисбатан “хусусий” термини қўлланганлиги сабабли бирлаштиришнинг зарурати

²⁷ Зыкин И.С. Договор во внешнеэкономической деятельности. – М., 1990. –Б.27.

бўлмаса керак. Бундай ҳолатда халқаро хусусий ҳуқуқ предметининг аниқ чегаралари ювилиб кетади, бу эса унинг мавжудлиги мустақиллигини шубҳа остига олади. Солиқ, валюта, ва ҳатто божхона муносабатларини улар фуқаролик-ҳуқуқий категориялардан фойдаланганлиги сабаблигина халқаро хусусий ҳуқуқ предметига киритиш “мутлақо асоссиздир”²⁸, дея таъкидлайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган уч хил муносабат (фуқаролик, меҳнат, оила) моҳиятига келсак, уларнинг “яқинлиги”, бизнингча, ҳеч кимда ортиқча шубҳа уйғотмайди. Ҳуқуқ тизимини ўрганишга нисбатан дуалистик ёндашув (яъни, уни хусусий ва оммавийга ажратиш)дан келиб чиқиб, муносабатларнинг учала гуруҳини (меҳнат, фуқаролик ва оилавий муносабатлар гуруҳларини) ва уларни тартибга солувчи нормаларни “хусусий” ҳодисалар сифатида тавсифлаш ўринли бўлади. Бунда шуни айтиб ўтиш лозимки, фуқаролик, меҳнат ва оилавий муносабатлар ҳақида гапирганда, кўрсатилган ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинадиган анъанавий муносабатларни назарда тутамиз. Умуман олганда, ушбу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи учун мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни; оила ҳуқуқи учун – эр-хотин, ота-она ва фарзандлар (уларга фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар ҳам тенглаштирилади) ўртасидаги шахсий номулкӣ ва мулкӣ муносабатларни, оила қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса – бошқа қариндош-уруғлар ва ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкӣ ва мулкӣ муносабатларни²⁹; меҳнат ҳуқуқи учун – фуқароларнинг ва иш берувчиларнинг меҳнат бозорида қатнашишлари орқали ёлланиш – ишга ёллашга асосланган, меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни³⁰ ўзида ифодалайди.

Бугунги кунда фуқаролик ва оилавий муносабатларнинг хусусий тусга эгаллиги исбот талаб этмайди. Аммо меҳнат муносабатларининг бундай

²⁸ Ерпылева Н.Ю. Понятие, предмет, система и источники международного права //Международное публичное и частное право. – Москва, 2002. – №1. –Б.20-21.

²⁹ Отахўжаев Ф.М., Юлдашева Ш.Р. Оила ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2007. –Б.16-17.

³⁰ Турсунов Й., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи. – Т., 2006. –Б.7.

хусусияти шубҳа остига олиниши мумкин. Мавжуд шароитларда “оммавий” – “хусусий” дихотомияси доирасида меҳнат ҳуқуқининг алоҳида мақомга эгаллиги хусусида далилларни топиш мумкин. Гарчи бу масала ушбу тадқиқот мавзуси доирасига кирмаса-да, бу ерда М.И.Брагинский илгари сурган нуқтаи назарга таяниш, бизнингча, ўринли бўлади. У меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари моделларининг нисбатини таҳлил қилар экан, уларнинг ўртасида катта фарқ мавжуд эмаслигини ва меҳнат шартномаси мустақиллигининг одатдаги икки белгиси (ходим меҳнат режимига бўйсунуши ва иш натижаси учун ходимнинг жавобгарлиги йўқлиги) унинг фуқаролик шартномаси билан яқинлашувига тўсқинлик қилмаслигини қайд этади³¹. Ушбу жараённинг истиқболини тавсифлар экан, муаллиф шундай деб ёзади: “Назаримизда, келажакда меҳнат шартномасини фуқаролик шартномаси билан бирлаштириш, умуман олганда эса, меҳнат ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқи билан бирлаштириш том маънодаги хусусий ҳуқуқни шакллантириш йўлида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлиши мумкин”³².

Халқаро хусусий ҳуқуқ предмети ташкил қилувчи муносабатлар доирасига халқаро фуқаролик процессини киритиш ҳам баҳсли масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро хусусий ҳуқуққа оид адабиётларда икки қарама-қарши нуқтаи назар илгари сурилган: айрим муаллифлар гуруҳи ҳуқуқий тартибга солиш предмети процессуал муносабатларни ҳисобга олган ҳолда шакллантиришни таклиф қилади, бошқа муаллифлар гуруҳи эса, қарама-қарши нуқтаи назарни асослашга уринади. Халқаро фуқаролик процессини халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киритувчи олимлар И.С.Перетерский, Л.А.Лунц, Н.И.Маришева, М.Н.Кузнецов, М.К.Сулейменов ва бошқалар бўлиб, М.Н.Кузнецовнинг таъкидлашича, “халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро муомала шароитида вужудга келувчи фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги мулкӣ, шахсий номулкӣ, шу билан бирга, меҳнат, оила ва процессуал муносабатлар, шу билан бир қаторда, уларнинг давлат ва халқаро

³¹ Брагинский М.И. Договорное право: общие положения. – М., 2003. – Б.30-31.

³² Ўша жойда. –Б.32.

ташкilotлар билан кўрсатилган хусусиятга эга муносабатларини тартибга солувчи миллий ва халқаро нормалар мажмуидир”³³.

Академик Х.Раҳманкуловнинг таъкидлашича, “халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари, халқаро ҳужжатлар ва коллизия нормалар билан тартибга солинадиган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар ва давлатлар иштирокидаги чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ, шахсий номулкӣ, оилавий, меҳнат муносабатларидан ва процессуал ҳаракатлардан иборат”³⁴.

Л.А.Лунц классик қарашни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур масалага муносабатлар нуқтаи назаридан эмас, балки нормалар нуқтаи назаридан ёндашади ва “халқаро фуқаролик процесси” нормаларини фуқаролик процесси таркибига киритади. Муаммонинг илмӣ жиҳатига келсак, муаллиф уларни халқаро хусусий ҳуқуқ фанига халқаро фуқаролик процесси доирасида юзага келувчи муаммоларнинг ҳар бири қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги масала билан узвий боғлиқ, деган нуқтаи назарга таянган ҳолда киритишни асослаган³⁵.

Давлатнинг халқаро фуқаролик жараёнини тартибга солувчи ички меъёрлари процессуал ҳуқуқ – фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи жабҳаларига мансубдир. Халқаро хусусий ҳуқуқ фани шу меъёрларнинг қўлланиши масалаларини ўрганади. Халқаро фуқаролик жараёни муаммоларининг халқаро хусусий ҳуқуқ фани ўрганадиган муаммолар қаторига киритилишига сабаб – бу муаммолар келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро ўхшаш ва моддий ҳуқуқий ва процессуал институтлар жиҳатидан ўзаро боғлиқдир³⁶.

³³ Кузнецов М.Н. Некоторые особенности развития международного частного права //Советский журнал международного частного права. – Москва, 1991. – № 1. –Б.27.

³⁴ Раҳмонкулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими: Ўқув қўлланма. – Т., 2005. –Б.56.

³⁵ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. –Б.37.

³⁶ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик //Х. Р. Раҳмонкулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.369.

Бундай ёндашув халқаро хусусий ҳуқуқнинг назарий муаммолари билан шуғулланган бошқа тадқиқотчиларда ҳам кузатилади. Масалан, В.П.Звеков кўриб чиқиладиган масалани таҳлил қилар экан, халқаро фуқаролик процесси масалаларини тартибга солувчи нормалар процессуал ҳуқуққа тегишли эканлигини, бироқ улар халқаро хусусий ҳуқуқ билан яқин алоқада бўлгани туфайли, халқаро хусусий ҳуқуқ фани доирасида ўрганилишини қайд этади³⁷. Шунга ўхшаш фикрни Н.И.Маришева ҳам илгари суради. Унинг фикрича, “халқаро фуқаролик процесси муаммоларини ҳуқуқ соҳаси сифатидаги фуқаролик процессуал ҳуқуқига ва ҳуқуқшунослик соҳаси сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуққа киритиш ўринли бўлади”³⁸.

Н.Г.Елисеев чет мамлакатларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқига бағишланган дарслигида куйидагиларни қайд этади: “... хорижий элемент иштирокидаги процессуал ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш хусусиятлари миллий фуқаролик процессуал ҳуқуқи бўйича умумий ишлар доирасида тадқиқ этилади. Ушбу муаммоларнинг янада муфассал таҳлилинини ҳуқуқшуносликнинг алоҳида соҳаси – халқаро хусусий ҳуқуқ таклиф қилади. Хорижий элемент иштирокидаги ишларни кўриб чиқиш хусусиятларини тартибга солувчи нормалар йиғиндиси мазкур соҳанинг алоҳида бўлими сифатида ажратилади ва баъзан халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи деб аталади”³⁹.

Таҳлил қилинаётган муаммо кўп жиҳатдан баҳсли ва мураккабдир. И.В.Дробязкинанинг фикрига кўра, халқаро фуқаролик процесси – фуқаролик процессуал ҳуқуқининг таркибий қисмидир. Ўз нуқтаи назарини асослаш учун муаллиф бир қатор далилларни келтиради ва халқаро хусусий ҳуқуқ билан халқаро фуқаролик процесси ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра фарқ қилишини, шу билан бир вақтда, халқаро фуқаролик процесси ва миллий

³⁷ Звеков В.П. Международное частное право: Учебник. – М., 2004. –Б.58.

³⁸ Международное частное право: Учебник /Под ред. Н. И. Марышевой. – М.: Юрайт, 2012. –Б.513.

³⁹ Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: Учебник. – М., 2004. –Б.10.

фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ҳуқуқий тартибга солиш предметига ўхшашлик кузатилишини қайд этади⁴⁰.

Е.А.Осавелюк процессуал муносабатларни халқаро хусусий ҳуқуқ предметига киритиш муаммосини таҳлил қилар экан, унинг предметини кенг маънодаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этишини, халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи предметини шакллантириш имконини берадиган муносабатлар эса, ўз моҳиятига кўра, процессуал хусусият касб этишини таъкидлайди⁴¹. Халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқининг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни хусусида фикр юритар экан, муаллиф халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига хизмат кўрсатувчи мустақил процессуал соҳа ўрнини эгаллашини қайд этади⁴².

Бир қарашда халқаро хусусий ҳуқуқнинг мавжудлик моҳияти ва унинг номи таркибида бирон-бир оммавий-ҳуқуқий элементлар мавжудлигини назарда тутмайдигандек бўлиб туюлиши мумкин. Илмий адабиётларда кенг эътироф этилган “халқаро хусусий ҳуқуқ” атамаси ўзи ифодаладиган тушунчанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмаслиги кўп бора таъкидланган. Шу маънода, бундай вазият таҳлил қилинаётган ҳодисанинг моҳиятига ўзгача нуқтаи назар билан қарашга монелик қилувчи омил бўлмаслиги керак. Процессуал хусусиятга эга муносабатлар иштирокидаги предметни шакллантириш учун зарур бўлган муносабатлар бирлиги ва уларни тартибга солиш методининг мавжудлигини қайд этиш имконини берадиган омилларни аниқлаш жуда муҳимдир.

Муаммога нисбатан атрофлича ёндашилганда, қуйидаги айрим масалаларга аниқлик киритиш талаб этилади. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предметига оммавий муносабатларнинг муайян гуруҳини (хусусан, процессуал муносабатларни) киритиш имконияти мавжуд бўла туриб, нима учун унга бошқа турдаги оммавий муносабатлар (масалан,

⁴⁰ Дробязкина И.В. Международный гражданский процесс: проблемы и перспективы. – СПб., 2005. –Б.10-19.

⁴¹ Осавелюк Е.А. Понятие и предмет международного гражданского процессуального права //Международное публичное и частное право. – Москва, 2004. – № 6. –Б.21.

⁴² Осавелюк Е.А. Определение места международного гражданского процесса в системе российского права: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. –Б.10.

валютага доир муносабатлар, божхона муносабатлари ва ҳ.к.)ни киритиш мумкин эмас. Масаланинг моҳияти шундаки, халқаро фуқаролик процессида юзага келувчи муносабатларда ва юқорида айтиб ўтилган муносабатлар гуруҳида “базавий” хусусиятларнинг турли хиллиги кузатилади. Божхона муносабатлари ёки валютага доир муносабатлар давлат олдида мажбурият мавжудлиги туфайли юзага келади. Улар хусусий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хоҳиш-иродасидан қатъи назар юзага келади. Процессуал муносабатлар моҳияти эса, давлат олдида муайян объектив мажбурият мавжудлиги билан эмас, балки хусусий ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига субъектив жиҳатдан боғлиқ бўлган юрисдикцион ҳимоя чораларини амалга ошириш зарурлиги билан белгиланади.

Халқаро фуқаролик процессуал муносабатлар фақат субъектлардан бирининг хоҳиш-иродасига кўра юзага келади ва бунда уларнинг алоҳида табиати – оммавий ва хусусий асослар бирлиги намоён бўлади. Оммавий ҳуқуқий жиҳатга келсак, халқаро фуқаролик процесси доирасида томонлар бир-бири билан ўзаро муносабатларга киришмайди – уларнинг ўзаро ҳуқуқий алоқаси суд томонидан белгиланади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ҳуқуқий тартибга солиш предметини шакллантиришда ижтимоий муносабатларнинг ягоналиги билан бир қаторда, уларни тартибга солиш методини ҳам назарда тутиш лозим. Айни вақтда ушбу белги бўйича ҳам муайян ўхшашликни аниқлаш мумкин.

Гап шундаки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида халқаро хусусий ҳуқуқнинг процессуал ва нопроцессуал муносабатларини тартибга солиш усуллари яқинлаштириш жараёнлари кузатилади. Бу, хусусан, шунда ифодаланадики, ҳозирги замон фуқаролик-процессуал қонунчилиги ҳам тартибга солиш коллизия усулларида фойдаланади. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 386-моддасига кўра, шахснинг процессуал ҳуқуқ лаёқати унинг шахсий қонуни билан белгиланади ва бу классик коллизия норма ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган валютага доир, божхона муносабатларига, шунингдек “байналмилаллаштирувчи” асос

иштирокидаги молиявий ва солиқ муносабатларига келсак, улар ҳам кўрсатилган сабабларга кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киритилиши мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, улар хусусий муносабатлар билан алоқаларга амалда эга ва шу сабабли уларни тегишли ўқув фанлари тизимига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Т.Н.Нешатаеванинг қайд этишича, “халқаро фуқаролик процесси фақат бир давлатнинг процессуал шакллари билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Бир давлат суди томонидан миллий ҳуқуқ асосида қабул қилинган фуқаролик ҳуқуқларини белгилашга доир қарор бошқа юрисдикцияни амалга ошираётган чет давлат суди томонидан эътироф этилади; халқаро суд томонидан халқаро ҳуқуқий нормалар асосида чиқарилган қарор миллий суд қарорининг қабул қилиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига сабаб бўлади”⁴³.

Бизнингча, ушбу ҳолат (халқаро фуқаролик процессини фақат бир давлатнинг процессуал шакллари билан боғлаш мумкин эмаслиги) халқаро фуқаролик процесси халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Яъни, халқаро фуқаролик процесси соф ички муносабатларга таъсир кўрсатувчи ҳодиса сифатида қаралиши мумкин эмаслиги уни соф “ички” муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив бирликлар қаторига киритиш мумкин эмаслигининг “мезони” ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанида ҳуқуқий тартибга солиш предметига халқаро тижорат арбитражи фаолияти муносабати билан юзага келувчи муносабатларни киритиш тўғрисидаги масала баҳслидир. Бизнингча, муносабатларнинг ушбу гуруҳи халқаро хусусий ҳуқуқ тартибга солиш предметининг бир қисми ҳисобланади. Айни вақтда, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу қисм анча мураккаб хусусиятлар билан тавсифланади. Авваламбор, ушбу муносабатлар гуруҳининг халқаро фуқаролик процесси

⁴³ Нешатаева Т.Н. Международный гражданский процесс: Учебное пособие. – М., 2001. –Б.13.

доирасида юзага келувчи муносабатлар билан нисбати хусусидаги масала юзага келади. Фикримизча, сўз юритилган муносабатлар гуруҳлари халқаро хусусий ҳуқуқ тартибга солиш предметининг турли таркибий элементлари ҳисобланади. Халқаро тижорат арбитражининг ҳуқуқий табиати тўғрисидаги масалада икки карама-қарши назария – процессуал ва шартномавий назариялар фарқланади. Халқаро тижорат арбитражининг моҳияти хусусидаги қайси назарияга амал қилинишидан қатъи назар, қуйидаги фарқли жиҳатларини белгилаш мумкин.

Биринчидан, халқаро тижорат арбитражида ишни кўриб чиқиш фақат иккала томоннинг хоҳиш-иродасига кўра бошланиши мумкин. Бу қоида шундан далолат берадики, халқаро тижорат арбитражи ва “трансчегаравий низо”ни кўриб чиқаётган давлат суд муассасаси бутунлай турли хусусиятлар билан тавсифланади. Ўз моҳиятига кўра, халқаро тижорат арбитражи давлат томонидан эмас, балки бизнес ҳамжамияти томонидан бевосита шакллантирилади, давлат суд муассасаси эса, давлат органи ҳисобланади. Бунда давлат суд муассасалари (масалан, арбитраж судлари) ҳокимият субъектлари сифатида амал қилади, шу сабабли суд ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиши ва ҳатто иккала томоннинг келишилган хоҳиш-иродаси мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам, қабул қилиши лозим, чунки унга алоҳида функция – одил судловни амалга ошириш мажбурияти юкланади.

Иккинчидан, давлат судлари ва халқаро тижорат арбитражларининг моҳиятидаги муайян фарқларни давлатларнинг ушбу органлар қарорларини тан олиш ва ижро этишга оид сиёсатида ҳам кузатиш мумкин. Агар бу масалага халқаро шартномалар нуқтаи назаридан ёндашилса, шуни қайд этиш мумкинки, чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этишни назарда тутадиган халқаро шартномаларда иштирок этувчи аъзо давлатлар сони давлат судлари қарорларини тан олиш ва ижро этишни назарда тутадиган халқаро шартномаларда иштирок этувчи аъзо давлатлар сонидан кўпроқ. Ўз-ўзидан равшанки, халқаро шартноманинг мажбурийлигига розилик

билдиришда давлатлар ушбу икки институт ўртасидаги фарқларни эътиборга олади.

Учинчидан, халқаро тижорат арбитражида ишни кўриб чиқиш жараёнида юзага келувчи муносабатлар алоҳида “халқаролик” хусусиятига эга бўлади ва айни шу хусусият уларни халқаро хусусий ҳуқуқ предметига киритиш имконини беради. Халқаро тижорат арбитражининг моҳияти ва номи унда алоҳида “хорижий омил” мавжуд бўлиши шарт эканлигини кўрсатади. Шу нарса диққатга сазоворки, кўриб чиқиладиган муносабатлар хусусий тусдаги муносабатлардан келиб чиқади.

Фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети муносабатларнинг икки гуруҳидан иборат: хусусий тусдаги (одатда, “фуқаролик, меҳнат, оила” категорияларини қўллаш йўли билан очиб бериладиган) муносабатлар; юрисдикцион хусусиятга эга бўлган муносабатлар, яъни халқаро фуқаролик процесси ва иқтисодий процесс соҳасидаги муносабатлар.

Демак, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнини белгилашда асосий омил сифатида унинг предметини ташкил қилувчи муносабатларнинг мазмунини таҳлил қилган ҳолда, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажратиб турадиган ўзига хос предмет доирасига эга эканлигини белгилаб олдик ва кейинги қадам ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилашда муҳим омиллардан бири ҳисобланувчи ҳуқуқий тартибга солиш методини таҳлил қилишдан иборат.

Ҳуқуқшунослик илмида метод категорияси бир ҳуқуқ тармоғини иккинчисидан ажратишнинг зарурий ва муҳим мезони ҳисобланади. Ҳуқуқ тармоқларини бир-биридан фарқлашда ҳуқуқий тартибга солиш предметининг асосий мезон сифатидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, кўпчилик муаллифлар ҳуқуқий тартибга солиш методининг ҳам ушбу мақсаддаги муҳим аҳамиятини таъкидлашади. Айрим ҳолларда, ҳуқуқий тартибга солиш методи предметдан кейинги иккинчи мезон сифатида изоҳланса, бошқа ҳолларда эса, предмет билан бир қаторда, ҳуқуқ

тизимининг асосий мезони сифатида талқин қилинади. Масалан, А.И.Бобылев, “ҳар қайси ҳуқуқ тармоғи ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг ўзига хос методларига эга”⁴⁴, деган фикрни билдиради. В.К.Бабаев ва В.М.Барановлар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш методи ҳуқуқ нормаларини тармоқларга бўлувчи мезонлардан биридир, дея таъкидлашади⁴⁵. В.Ф.Яковлев назарида эса, “агар тадқиқотчи қандайдир нормалар гуруҳини мустақил деб ҳисобласа-да, уларнинг тартибга солинишининг ўзига хослигини кўрсатиб бера олмаса, бу тармоқ мавжуд бўлмаган жойда уни кўрмоқда”⁴⁶.

Аммо аксарият олимлар ҳуқуқий тартибга солиш методининг аҳамиятини тасдиқлаган ҳолда, ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг моҳияти учун предмет асосий аҳамиятга эгаллигини, бунинг сабаби унинг натижасида тегишли юридик нормаларни белгилашнинг эҳтиёжи вужудга келишини ва пировардида, давлат томонидан ишлаб чиқиладиган тартибга солиш методларининг мазмуни ҳам предметнинг хусусиятига боғлиқлигини таъкидлашади. Масалан, З.М.Исломовнинг фикрича, “ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, табиати, усул ва воситалари ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар хусусияти ва мазмунига боғлиқ”.

Аммо О.С.Иоффе, “биргина предметга кўра ҳуқуқ тармоғини белгилаб бўлмайди, чунки у ҳуқуқ нормаларидан ташқарида жойлашган бўлиб, тармоқларга эса, ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган ва тартибга солиш методида кўпроқ мужассам бўлган айнан юридик нормалар ажралади”⁴⁷, дея фикр билдиради.

Шу тариқа, ҳуқуқ тармоқлари фақатгина предметига кўра эмас, балки ҳуқуқий тартибга солиш методига кўра ҳам бир-биридан фарқланади. Демак,

⁴⁴ Бобылев А.И. Современное толкование системы права и системы законодательства //Государство и право. – Москва, 1998. – № 2. –Б.25.

⁴⁵ Бабаев В. К., Баранов В. М. Общая теория права: краткая энциклопедия. – Н. Новгород, 1997. –Б.99-100.

⁴⁶ Яковлев В.Ф. Объективное и субъективное в методе правового регулирования //Правоведение. – Санкт-Петербург, 1970. – № 6. –Б.58.

⁴⁷ Советское гражданское право: Учебник для юрид. ин-тов и фак. Т. 1. /Отв. ред. О. С. Иоффе, Ю. К. Толстой, Б. Б. Черепанин. – Л.: Ленингр. гос. ун-та им. А. А. Жданова, 1971. –Б.8.

хар қандай мустақил ҳуқуқ тармоғининг ўзига хос тартибга солиш методи бўлиши лозим. Метод – бу ҳуқуқ, улар воситасида ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасига, иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатувчи, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ўзаро боғланган усуллар, воситалар мажмуидир⁴⁸. З.М.Исломовнинг таърифига кўра, “ҳуқуқий тартибга солиш методи – ижтимоий муносабатларга уларнинг табиатига қараб ҳуқуқий таъсир ўтказиш”⁴⁹.

Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш методлари бўлиб, коллизия-ҳуқуқий, моддий ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий методлар ҳисобланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, коллизия норма чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий муносабатга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тизимини кўрсатувчи нормадир. Шу боис, коллизия норма ҳаволаки хусусиятга эга бўлган норма сифатида ҳам баҳоланади. Юридик адабиётларда коллизия норманинг юридик табиати ва аҳамиятига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. А.Рожественскийнинг фикрича, коллизия нормалар техник нормалардир, яъни муайян мақсадга эришиш учун маълум усулни белгилайдиган нормалар, айти ҳолатда: турли жойлар қонунлари коллизиясининг энг яхши ечимидир. “Коллизия нормалар қонунлар шаклига киради ва бу юристларни чалкаштиради!”⁵⁰.

Шу позицияни қўллаб-қувватловчи А.А.Тилленинг таъкидлашича, “ҳалқаро хусусий ҳуқуқий нормалар тўғридан-тўғри қўлланиши мумкин бўлган нормалар ҳисобланмайди, чунки улар бевосита ҳал қилмайдилар, шу туфайли, биз уларни боғловчи қоидалар, деймиз. Улар йўловчилар қаердан билет олишлари кераклиги ва поезд юрадиган платформа ҳақида маълумот берадиган катта вокзаллардаги маълумот бюроси ролини ўйнайдилар”⁵¹.

⁴⁸ Алексеев С. С. Общая теория права. Т.1. – М.: Юрид. лит., 1981. –Б.294-295.

⁴⁹ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. –Б.626.

⁵⁰ Тилле А.А. Время, пространство, закон. – М., 1965. –Б.159.

⁵¹ Ўша жойда. –Б.164.

М.М.Богуславский бу фикрга кескин қарши чиқиб, “коллизия норма қайси давлат қонунлари қўлланиши кераклигини кўрсатса ҳам, уни йўловчиларга қайси ойначадан билет олиш лозимлигини ва поезд қайси йўлакдан юришини кўрсатувчи вокзалдаги маълумот бюроси қаби қараш нотўғри. Ўзи ҳавола қилаётган моддий ҳуқуқий норма билан биргаликда, коллизия норма фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун муайян хатти-ҳаракат қоидаларини кўрсатади”⁵², деб ёзади.

Бу борада А.А.Тилле ҳам М.М.Богуславскийнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, коллизия нормага мазмунни у маълум ҳуқуқий муносабатни боғлаётган ҳуқуқий норма татбиқ этса-да, коллизия норма хатти-ҳаракат қоидаси, қонунни танлашда тартибга солувчи бўлиб ҳисобланади, деган фикрни билдиради⁵³.

Мазкур масала бўйича М.М.Богуславский ва А.А.Тиллеларнинг фикрига қўшилган ҳолда, шунини айтиш мумкинки, коллизия норма чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини ўзига хос равишда тартибга солидиган қоидалардан иборат. Масалан, турли фуқароликка эга бўлган шахслар ўртасидаги никоҳни қайд этишда ҳар бир фуқарога нисбатан ўзининг фуқаролиги мансуб бўлган давлат қонунчилиги қўлланадиган бўлса, никоҳ тузиш шартлари никоҳланувчиларнинг фуқаролиги мансуб бўлган давлат моддий қонунчилиги билан, никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар эса, асосан никоҳ тузиш жойи қонунчилиги моддий ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинади. Бу ҳолатда икки, ҳатто баъзи ҳолатларда учта давлат (никоҳланувчилар турли мамлакатлар фуқаролари, юридик факт эса учинчи давлатда содир бўлган ҳолатлар) моддий қонунчилигига мурожаат этилади. Бунда коллизия норма қонунларнинг қўлланилиш тартибини, иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатини, моддий ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиш чегарасини аниқ белгилаб беради.

⁵² Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.77.

⁵³ Тилле А.А. Время, пространство, закон. – М., 1965. –Б.157-165.

И.С.Перетерский ва С.Б.Крыловларнинг таъкидлашича, “... коллизия норма маълум бир масаланинг ечимини мустақил тарзда эмас, балки у ҳавола қилаётган ҳуқуқ манбаи билан биргаликда тартибга солади”⁵⁴. С.С.Алексеев коллизия нормаларни ихтисослашган нормалар сирасига киритади ва уларга “тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи кўрсатмаларга қўшилиб улар билан биргаликда ягона регуляторни вужудга келтиради”⁵⁵, дея таъриф беради.

М.М.Богуславский коллизия нормаларнинг замонавий халқаро хусусий ҳуқуқда тутган ўрни ҳақида тўхталиб, ушбу ҳуқуқ нормаси нафақат муайян бир ҳуқуқ тизимига ҳавола қилиши, шу билан бирга, кўрилатган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун энг қулай ҳуқуқни топишини таъкидлайди⁵⁶. Аммо бу фикрларга нисбатан қарама-қарши қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Г.К.Матвеевнинг назарида, “коллизия нормалар чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик муносабатларини тартибга солади деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг функцияси муайян ҳуқуқ тизимига ҳавола қилишдан иборат. Ушбу муносабатларнинг кейинги барча тартибга солиниши ушбу тизимнинг моддий нормалари қоидалари орқали вужудга келади”⁵⁷.

С.Перетерский ва С.Б.Крыловларнинг фикрига қўшилган ҳолда, айтиш мумкинки, коллизия норма ўзи ҳавола қилаётган моддий ҳуқуқий норма билан биргаликда коллизия муаммони ҳал қилади. Коллизия норма томонидан муносабатни у ёки бу ҳуқуқ тизимига ҳавола этилишининг ўзи ҳам муайян тартибга солиш амалга оширилганлигидан далолат беради. Коллизия нормалар орқали давлатлар ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келган ёки бекор бўлган ҳуқуқий муносабатларни иштирокчиларнинг ҳар бири мансуб бўлган мамлакатда ҳам, учинчи мамлакатда ҳам тан олиниши ва юридик кучга эга бўлишини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

⁵⁴ Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право: Учебник для юрид. ин-тов и фак., изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Госюриздат, 1959. –Б.11.

⁵⁵ Алексеев С. С. Общая теория права. Т.2. – М.: Юрид. лит., 1982. –Б. 71.

⁵⁶ Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.87.

⁵⁷ Матвеев Г.К. Международное частное право. – Киев, 1985. –Б.18.

Юридик техника нуқтаи назаридан коллизиян нормалар халқаро хусусий ҳуқуқда қўлланувчи мураккаб нормалар ҳисобланади. Коллизиян норманинг ўзига хос табиати унинг бошқа норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг тузилишидан фарқини белгилаб беради. Коллизиян норманинг тузилиши коллизиян норманинг функционал вазифаси билан боғлиқ бўлиб, у чет эл элементи билан мураккабланиган хусусий ҳуқуқий муносабатни тартибга солишга ваколатли бўлган ҳуқуқ танловини таъминлашга мўлжалланган. Шу сабабли, анъанавий халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, коллизиян норма икки қисмдан, яъни ҳажм ва боғловчидан иборат.

Бироқ бугунги кунда коллизиян нормада учта элемент, яъни гипотеза, диспозиция ва санкция мавжудлигини асословчи нуқтаи назарлар мавжуд. Гипотеза чет эл элементи мавжуд бўлган муносабатни кўрсатади, диспозицияда суд учун муайян мамлакат ҳуқуқини қўллаш тўғрисида кўрсатма мавжуд бўлади. Коллизиян норманинг санкцияси, унинг иштирокидаги ҳуқуқий муносабатни тартибга солиши лозим бўлган ҳуқуқ субъектининг нотўғри таърифлаши оқибатида намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, субъект фақатгина коллизиян норманинг хато қўлланиши моддий ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри қўлланишига олиб келган ва натижада муносабатнинг бошқа субъектининг ҳуқуқлари бузилган ҳолатда жавобгар бўлади. Бундай ҳолатда коллизиян норманинг санкцияси фуқаролик ҳуқуқининг умумий санкциялари билан мос келади (масалан, зарарни қоплаш, битимнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ва ҳ.к.).

Шу билан бир қаторда, коллизиян норманинг санкцияси коллизиян норманинг нотўғри қўлланишига асосланмаган процессуал ҳужжатнинг бекор бўлишида ифодаланувчи процессуал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Тегишинча, коллизиян нормаларнинг санкциялари тўғрисидаги масала коллизиян норма томонидан икки вазифанинг амалга оширилиши билан

боғлиқ: муносабат тарафларининг ваколатли ҳуқуқни танлашга йўналтирилиши ва ҳуқуқни қўлловчи органнинг зиммасига муайян ҳуқуқни қўллашни юклаш⁵⁸.

Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи методлардан бири моддий ҳуқуқий метод бўлиб, моддий ҳуқуқий нормалар ўз моҳияти жиҳатдан мазмуни бўйича бир хил қоидалардан ташкил топади ва халқаро хусусий муносабатларни тўғридан-тўғри, яъни ушбу муносабатларни бевосита, коллизия нормаларининг иштирокисиз тартибга солишни таъминлайди⁵⁹.

Халқаро хусусий ҳуқуқ методлари тўғрисидаги масала ҳозирги кунга қадар яқдил фикр мавжуд бўлмаган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Айрим муаллифлар тартибга солиш методлари таркибига коллизия ҳуқуқий методни, бошқалари – моддий ҳуқуқий методни киритсалар, учинчилари мазкур методларнинг иккисини ҳам киритишади.

Етук халқаро хусусий ҳуқуқшунос олимлардан бири бўлган Л.А.Лунц халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига коллизия ҳуқуқий ва моддий ҳуқуқий методларни, яъни “бир турдаги муносабатларни тартибга солишнинг икки юридик методини”⁶⁰ киритади. Ушбу методларнинг иккиси ҳам, тегишли муносабатга таъсир кўрсатиб, коллизия муаммони бартараф этиш йўли билан уни тартибга солади. Моддий ҳуқуқий методни қўллаш оқибатида коллизия муаммо муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита белгиловчи махсус, тўғридан-тўғри қоида ёрдамида ҳал бўлади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ предметини ташкил қилувчи муносабатларнинг мазмуни ва моҳияти ҳамда мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш методларининг таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро хусусий ҳуқуқ

⁵⁸ Толстых В.Л. Коллизияное регулирование в международном частном праве: проблемы толкования и применения раздела VII части третьей ГК РФ. – М.: Спарк, 2002. –Б.21.

⁵⁹ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик //Х. Р. Раҳмонкулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.25.

⁶⁰ Лунц Л.А. Развитие советской доктрины по международному частному праву //Советское государство и право. – Москва, 1977. – №12. –Б.54-55.

предметини ташкил қилувчи муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳаларининг предметини ташкил қилувчи, хусусан, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ҳамда фуқаролик процесси ва иқтисодий процесс соҳаларининг предметини ташкил қилувчи муносабатлардан фарқли равишда, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, мазкур муносабатларни тартибга солувчи методлар ҳам мазкур ҳуқуқ соҳаларидан уни ажратиб туради.

1.2-§. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати ва ҳуқуқ тизимида тутган ўрни

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати ва ҳуқуқ тизимида тутган ўрни масаласи ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам миллий ҳуқуқшунослик илмида катта қизиқиш уйғотган ҳамда турли баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби унинг миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос хусусиятга эгалигидир.

Ҳуқуқшунос олимлар халқаро хусусий ҳуқуқни гоҳ “юриспруденция гибриди”, гоҳ “юриспруденциянинг олий математикаси”, гоҳида эса америкалик мутахассис Д.Гудричнинг таърифи билан айтганда, “ушбу муаммо устида ишловчи профессорларнинг мантиқий машқи”⁶¹ деб аташади.

Миллий ҳуқуқшунослик илмида ҳам, жаҳон ҳуқуқшунослик илмида ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ асослари, табиати тушунчаси, умумий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ҳамда унинг нормалари таркиби масаласидаги баҳслар давом этмоқда. Жонли қилиб айтганда, “тошни кўтаришга қанча куч сарфланишига қарамай, охир-оқибат тадқиқотчилар тоғ этагида бўлиб қоладилар ва халқаро хусусий ҳуқуқ – миллий ҳуқуқнинг бир қисми ёки халқаро ҳуқуқнинг бир қисми, деган анъанавий саволни берган ҳолда, яна қайтадан бошлашга мажбур бўладилар”⁶².

⁶¹ Международное частное право: современные проблемы. – М.: ТЕИС, 1994. –Б.4.

⁶² Перетерский И.С. Исходные моменты международного частного права //Советское право. – Москва, 1924. – №3. –Б.87-105. Нешатаева Т.Н. К вопросу о правовых системах, регулирующих международные отношения //Российский ежегодник международного права. 1993–1994. – СПб.: Россия-Нева, 1995. –Б.52-53.

Ҳуқуқ назариясида бу борада учта асосий концепция мавжуд:

1) халқаро, яъни халқаро хусусий ҳуқуқни умумий халқаро ҳуқуқ таркибига киритиш;

2) миллий, яъни халқаро хусусий ҳуқуқни ҳар бир давлатнинг ички қонунчилигига киритиш. Ушбу концепцияга ёндашувчиларнинг айримлари халқаро хусусий ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқи таркибига киритишади, бошқалари – миллий ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида кўришади. Учинчилари эса, халқаро хусусий ҳуқуқни миллий қонунчилик тизимости сифатида баҳолашади;

3) халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқий ҳамда миллий ҳуқуқий нормалар мажмуаси сифатида кўриш.

Биринчи ёндашув асосчиси сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги илк россиялик олимларидан бўлган А.Н.Стояновни кўрсатиш мумкин. Муаллифнинг ёзишича, чет эл қонунлари ўртасида тўқнашув вужудга келган ҳолатлар “халқаро ҳуқуқ илмида бутун бир бўлимни”⁶³ ташкил қилади. Ушбу ёндашув тарафдорларидан бўлган С.Б.Криловнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро хусусиятида шубҳа бўлиши мумкин эмас. Халқаро шартнома ҳуқуқида халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий мазмуни кузатилиши лозим. Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ эмас, деб таъкидлаш, унда у ёки бу алоҳида қонунчиликдаги коллизия нормалардан бошқа ҳеч нарсани кўрмасликни англатади. Шу аснода, фақат халқаро шартномаларни ўрганишгина асл халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазмунини беради. Шу сабабли халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро табиатини таъкидловчи “байналмилалчилар” ҳамда уни инкор этувчи “миллатчилар” баҳсида байналмилалчилар тарафида туриш лозим⁶⁴.

Кўриниб турибдики, С.Б.Крилов халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқий табиатини ушбу ҳуқуқ соҳасининг манбаи сифатида халқаро

⁶³ Стоянов А.Н. Очерки истории и догматики международного права: Лекции, читанные в 1873/74 акад. году в Харьковском университете. – Харьков, 1875. –Б.374.

⁶⁴ Крылов С.Б. Международное частное право: Пособие к лекциям. – Л.: Прибой, 1930. –Б.20-21.

шартномага таянган ҳолда асослайди. Тўғри, манбаларнинг хусусиятига кўра, ҳуқуқ соҳасининг ҳуқуқий табиати тўғрисида фикр юритиш мумкин, аммо, фикримизча, ҳал қилувчи бўлиб ҳуқуқий тартибга солинаётган ижтимоий муносабатнинг хусусияти ва мазмуни ҳисобланади. Шу билан бирга, халқаро шартнома миллий қонунчиликка ратификация қилингандагина, яъни миллийлаштирилгандагина унинг нормалари қўлланилади.

А.М.Ладиженский хусусий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши амалга оширилувчи халқаро нормалар халқаро оммавий ҳуқуқий нормалардир, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, улар оммавий ҳуқуқий, чунки турли давлатларни уларни қўллашга ҳукмронлигини (оммавий ҳукмронлик) ўрнатадилар, яъни бир мамлакатнинг бошқасига нисбатан ушбу нормаларни қўллаш ҳуқуқи ва талаб қилиши борасида оммавий ҳуқуқларини яратадилар⁶⁵.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро табиати тарафдорлари ҳар қандай халқаро фуқаролик-ҳуқуқий мунозара давлатлараро баҳсга айланиши мумкинлигини ва тегишинча, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат халқаро ҳуқуқий муносабатга айланиши мумкинлигини таъкидлашади. Аммо Л.А.Лунц бу қарашга қарши фикр билдирган ҳолда, “...шунини таъкидлаш жоизки, турли мамлакатлар фуқаролари ва ташкилотлари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўйича суд (арбитраж) низоларининг мавжудлиги, мутлақо тегишли давлатлар ўртасидаги низони англамайди ҳамда бундай фуқаролик-ҳуқуқий низонинг ўз ташкилотлари ва фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатлар ўртасидаги низога “айланиши” инкор этилмайди, аммо шунини тан олиш лозимки, бу ҳолат сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан анормалдир”⁶⁶, деб таъкидлайди. Бу нуқтаи назарга қўшилган ҳолда, шунини эътироф этиш лозимки, фуқаролар ёки ташкилотлар ўртасидаги низога давлатлар аралашиб, ушбу низонинг давлатлар ўртасидаги

⁶⁵ Ладыженский А.М. К вопросу о юридической природе так называемого международного частного права //Вестник Московского Университета. – Москва, 1948. – №5. –Б.17.

⁶⁶ Лунц Л.А. Международное частное право. – М.: Юрид. лит., 1970. –Б.14.

низога айланиши нафақат анормал, балки учраши қийин бўлган фавқулодда ҳолатдир.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқий табиати ҳақида В.Э.Грабарь билдирган фикрга кўра, “халқаро фуқаролик ҳуқуқи (аксарият ҳолларда, халқаро хусусий ҳуқуқ деб номланувчи) – халқаро маъмурий ҳамда халқаро жиноят ҳуқуқи билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқнинг ажралиб чиққан махсус тармоғи ҳисобланади”⁶⁷.

С.А.Малинин халқаро ҳуқуқ тизимида (кенг маънода) иккита асосий мустақил ҳуқуқ тармоғини кўрсатади: 1) халқаро оммавий ҳуқуқ; 2) халқаро хусусий ҳуқуқ⁶⁸. Ҳуқуқ назарияси тўғрисидаги тадқиқотларда ҳам “халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинувчи халқаро оммавий ҳуқуқ ҳамда чет эл жисмоний шахслари ёки юридик шахслари иштирокидаги ёки чет давлатда жойлашган мулкка нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқдан иборат”⁶⁹, дейилган. В.С.Нерсисянц ҳам “халқаро ҳуқуққа, худди ички давлат ҳуқуқи каби, “оммавий” ва “хусусий”га бўлиниш хосдир, яъни халқаро ҳуқуқ халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқдан таркиб топган”, деган фикрни илгари суради⁷⁰.

Халқаро хусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқ таркибига киритувчи иккинчи ёндашув тарафдорларидан бўлган И.С.Перетерский халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуқ таркибига кирмаслигини исботлаган ҳолда, аксарият ҳолларда, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида давлатларнинг ички қонунлари билан белгиланишини, таъкидлайди. Унинг фикрича, умумий қоидага кўра, халқаро хусусий ҳуқуқнинг муайян масалалари икки давлат ўзаро алоқаларига дахл қилмайди⁷¹.

⁶⁷ Грабарь В.Э. Материалы к истории литературы международного права в России. (1647–1917). – М.: Изд-во Акад. наук. СССР, 1958. –Б.463.

⁶⁸ Малинин С.А. Мирное использование атомной энергии: Международно-правовые вопросы. – М.: Междунар. отношения, 1971. –Б.7.

⁶⁹ Общая теория права: Учебник для юридических вузов /Под. общ. ред. А. С. Пиголкина. 2-е изд. испр. и доп. – М.: Изд-во МГТУ им Н. Э. Баумана, 1996. –Б.192.

⁷⁰ Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право: Учебник. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2009. –Б.24.

⁷¹ Перетерский И.С. Очерки международного частного права РСФСР. – М.: Гос. изд., 1925. –Б.5-6.

М.И.Брун ҳам унинг фикрига қўшилган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқ эмас, дея таъкидлаган. “Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари бўлиб, бир-биридан мустақил халқаро ҳамжамият аъзолари сифатида фақатгина давлатлар ҳисобланади; халқаро ҳуқуқ давлатларни уларнинг давлатлараро муносабатларида боғлаб туради; у – четда ҳаракат қилаётган давлат учун объектив ҳуқуқдир. Ушбу ҳуқуқнинг нормалари мажбурийликдан холидир, чунки давлатлар устидан туриши мумкин бўлган олийроқ ҳокимият йўқдир. Келтирилган белгиларнинг ҳеч қайси бири халқаро хусусий ҳуқуққа тўғри келмайди”⁷².

И.С.Перетерский ўз доктринасини ҳимоя қилар экан, халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқдаги “халқаро” сўзи турлича маъно билдиришига урғу беради. Муаллифнинг таъкидлашича, халқаро оммавий ҳуқуқ – шу маънода халқаро ҳисобланадики, у давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади (*inter nations, inter gentes*), халқаро хусусий ҳуқуқ эса – турли давлатларга қарашли шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни, алоҳида ҳуқуқий тизим доирасидан четга чиқувчи ва уларга нисбатан қайси қонун қўлланиши лозимлигини аниқлашни талаб этувчи ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади⁷³.

А.Х.Саидовнинг таъкидлашича, “халқаро ҳуқуқ” Рим ҳуқуқида юзага келган “*ius gentium*” (“халқлар ҳуқуқи”) атамасининг намунаси ҳисобланади. Унинг *Ius gentium*нинг қоидалари тўплами сифатидаги дастлабки тушунчаси Рим давлати ҳудудидаги, миллати бўйича қандай қабилага тегишли бўлишидан қатъи назар, барча одамларга нисбатан қўлланилган, кейинроқ Римнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги умумий тан олинган меъёрлар комплекси сифатида кенгроқ маъно касб эта бошлаган (“Барча халқлар учун умумий ҳуқуқ”). Кейинчалик ушбу атама замонавийлаштирилган бўлиб, “*ius inter gentes*”, яъни “халқлар ўртасидаги

⁷² Брун М.И. Введение в международное частное право. – Пг., 1915. –Б.3-4.

⁷³ Перетерский И.С. Система международного частного права //Советское государство и право. – Москва, 1946. – № 8-9. –Б.12-30.

ҳуқуқ” ёки “ҳалқаро ҳуқуқ” деган ном олган. Аммо, унинг фикрича, “ҳалқаро ҳуқуқ” атамаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни фарқлаб олиш лозим ва шу сабабли, “ҳалқаро ҳуқуқ” атамаси маълум даражада шартли эканлигини таъкидлаш керак⁷⁴.

Фикримизча, алоҳида ҳуқуқий тизим сифатида қараладиган халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Шу маънода халқаро ҳуқуқ нормалари (кенг маънодаги) давлатлараро муносабатларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш мақсадини кўзлайди. Агар давлатлараро муносабатлар ва халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар бутунлай бошқача хусусиятларга эга эканлигини қайд этишимиз мумкин. Халқаро хусусий муносабатлар замирида муайян шахсларнинг хусусий мулкӣ ёки номулкӣ манфаати ётади. Халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар – бу давлатлараро муносабатлардир. Халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан бир ҳуқуқий тизим доирасида амал қилади. Давлатлараро муносабатлар эса халқаро хусусият касб этади. Ниҳоят, илмӣ адабиётларда таҳлил қилинаётган соҳаларнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида манбалар тўғрисидаги масала ҳам кўтарилади. Маълумки, халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида ички норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилиши мумкин. Ушбу мезон халқаро ҳуқуққа нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас, чунки унда давлатлар хоҳиш-иродасини мувофиқлаштириш методи норма яратиш методи ҳисобланади. Табиӣки, таҳлил қилинаётган соҳаларнинг “ўзаро туташ нуқталари” ҳам мавжуд. Шундай “туташ нуқта” сифатида иккаласи учун бирдек муҳим аҳамият касб этувчи тамойилларни келтириш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати борасида чуқурроқ изланиш олиб борган олимлардан бири бўлган Л.А.Лунц “ҳалқаро хусусий

⁷⁴ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 1999. –Б.96.

хуқуқ ҳуқуқ – ҳуқуқ тармоғи ва ҳуқуқшунослик тармоғи сифатида – халқаро ҳаётда вужудга келувчи, кенг маънода фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга муносабатлар доираси ҳисобланади”⁷⁵, дея таъкидлайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўрганишини таъкидласа-да, И.С.Перетерский, бу ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми эмаслигини, халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос фарқи халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг айнан “халқаро хусусиятга” эга бўлган махсус гуруҳинигина ўрганишидалигини ва “халқаро” атамаси бу ерда махсус, шартли маънода қўлланишини айтиб ўтади⁷⁶.

А.Л.Маковский, М.И.Брагинский ва О.Н.Садиковлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг мустақил хусусиятини рад этишади ва уни фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми деб ҳисоблашади. А.Л.Маковский бунга далил сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

– халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан бир хилдир;

– халқаро хусусий ҳуқуққа хос бўлган тартибга солишнинг махсус методларини (коллизия метод, эрк мухторияти ва бошқ.) чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ муносабатларни тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тарафлари тенглиги методи билан уйғунлаштириш лозим;

– чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ муносабатларнинг предмети ҳамда тартибга солиш методининг аҳамиятли умумийлигига, шусиз ҳам, уларни умумий фуқаролик ҳуқуқининг нормаларига бўйсундирувчи биринчиларнинг барча коллизия ҳуқуқий тартибга солиниши асосланган;

⁷⁵ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. –Б.12.

⁷⁶ Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право: Учебник для юрид. ин-тов и фак., изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Госюриздат, 1959. –Б.5.

– халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда умумий фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос “ўзаро алмашиниши”, улар ўртасида аниқ ажратувчи чизиқнинг йўқлиги билан асосланади. Ҳар қандай чет эл элементи ҳам коллизия муаммони кўйиш ёки бирхиллаштирилган нормаларни қўллашни тақозо қилмайди. Бошқа томондан бирхиллаштирилган нормалар чет эл элементи билан мураккаблашмаган муносабатларга нисбатан ҳам қўлланади;

– асосий коллизия нормалар, эрк мухторияти, оммавий тартиб тўғрисидаги қоидалар фуқаролик қонунчилигининг тармоқ ҳужжатларида ҳам мавжуд.

А.Л.Маковскийнинг фикрича, юқорида санаб ўтилганлар натижасида халқаро хусусий ҳуқуқ чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солиш учун махсус яратилган фуқаролик ҳуқуқининг бошқа нормаларининг устқурмаси, фуқаролик ҳуқуқининг деярли барча кичик соҳалари ва институтларини қамраб олувчи “парчаси”, “қатлами” дир, деган фикрга келиш мумкин⁷⁷.

Тўғри, халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи билан узвий боғланган, аммо тартибга солинаётган муносабатларнинг халқаро хусусияти уларни айнан бирдек кўриш назарий жиҳатдан ҳам хатолигини белгилайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ воситасида тартибга солинувчи ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам хусусий, ҳам халқаро хусусияти ҳамда тартибга солиш методларининг хусусиятлари унинг предмет жиҳатдан ўзига хослигидан далолат беради. Фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси сифатида қаралса, унинг анча муҳим жиҳатлари ва хусусиятлари йўқолади. Авваламбор бу, хусусий тусдаги муносабатлар уч базавий гуруҳининг бирлигидир. Бундан ташқари, муаммога бундай нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда, ҳуқуқий тартибга солишнинг турли таркибий элементлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳам йўқолади. Халқаро хусусий ҳуқуқни турли соҳалар ўртасида “тақсимланиши” замонавий ҳуқуқ

⁷⁷ Маковский А.Л. Проблема природы международного частного права в советской науке //Проблемы совершенствования советского законодательства: Труды ВНИИСЗ. – М., 1984. – Вып. 28. –Б.224.

тизимларида тегишли муносабатларни тартибга солишга нисбатан ягона ёндашувни қўллаш каби объектив жараённинг инкор этилишини англатади.

М.М.Богуславский, Л.А.Лунц, И.С.Перетерский, С.Н.Лебедев, Г.К.Дмитриевалар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида тан оладилар. Масалан, С.Н.Лебедевнинг фикрича, “Халқаро хусусий ҳуқуқни тартибга солувчи муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб ҳамда халқаро муомалада вужудга келувчи ушбу муносабатлар ва уларнинг тартибга солиниш хусусиятларини, хусусан, аҳамиятли миқдордаги манбаларнинг халқаро-шартномавий келиб чиқишини улардан келиб чиқадиган оқибатлар билан бир қаторда инобатга олган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқни ўз хусусиятига кўра цивилистик таркибнинг махсус соҳаси сифатида кўриш мумкин”⁷⁸.

Г.К.Дмитриева эса, “халқаро хусусий ҳуқуқ – миллий хусусий ҳуқуқ тизимида мустақил соҳадир. У давлатнинг ички (миллий) ҳуқуқи тизимига киради, аммо ушбу тизимда фуқаролик, оила, меҳнат ва хусусий ҳуқуқнинг бошқа маҳсулининг қисми ҳисобланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ ўзига хос предмети ва тартибга солиш методи билан мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқади”⁷⁹, дея таъкидлайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати ва ҳуқуқ тизимида тутган ўрни борасидаги учинчи ёндашув халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқий ҳамда миллий ҳуқуқий нормалар мажмуаси сифатида кўришдан иборат. Ушбу ёндашув тарафдорларидан Р.А.Мюллерсоннинг фикрича, “халқаро хусусий ҳуқуқ нисбатан мустақил блоклардан, нормалар мажмуидан иборат бўлган (чунончи: миллий ҳуқуқ ва халқаро шартномалар таркибида бўлган коллизия ва ҳаволаки; коллизия ёки ҳаволаки нормалардаги кўрсатмага кўра қўлланувчи, халқаро шартномалар каби давлатларнинг миллий ҳуқуқида ўз манбасига эга бўлган моддий ҳуқуқ нормалари), “яхлит тизимни ташкил

⁷⁸ Лебедев С.Н. О природе международного частного права //Советский ежегодник международного права. 1979. – М.: Наука, 1980. –Б.75.

⁷⁹ Международное частное право: Учебник /Отв. ред. Г. К. Дмитриева. 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2012. – Б.37-38.

қилмай, тегишли “асос” ҳуқуқ тизимларида (миллий ёки халқаро) ўз ўрнини сақлаган ҳолда, ноҳукумат хусусиятига эга халқаро муносабатларни тартибга солишда бир-бири билан муайян тарзда ўзаро ҳаракат қилувчи” объектив мавжуд бўлган полисистем комплексдир”⁸⁰. Р.А.Мюллерсон ўз нуқтаи назарига асос сифатида олимларнинг, биринчидан, моддий дунёнинг турфалиги, иккинчидан, бу турфалик, ҳеч бўлмаса, иккита объектив турга бўлиниши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларини олган: яхлит тизимлар ва тизимли комплекслар. Иккинчи ҳолатда тадқиқот предмети бўлиб, моддий тизимлар ва уларнинг объектив қонуниятларга асослангани эмас, балки зарурий тарзда боғланган турли сифатдаги объектлар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро ҳаракат тизимлари ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, учинчи ёндашувнинг асосчиси А.Н.Макаров ҳисобланади. Унинг фикрича, “байналмилалчилар”, яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқий табиати тарафдорлари ва ҳуқуқ-тартиботнинг ушбу соҳасини алоҳида давлатларнинг ички ҳуқуқи эканлигини тан олувчи “милатчилар” ўртасидаги барча келишмовчиликлар фақатгина шу сабабли асослики, сўз ижобий коллизион ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш ҳақида бормоқда. У, “Мен учун, хусусан, халқаро ҳуқуқнинг замонавий даражасига жавоб берувчи назария бўлиб, икки ҳуқуқ-тартиботнинг алоҳидалиги назарияси ҳисобланади – халқаро ва миллий. Ушбу асосий назарий нуқтаи назарнинг мантиқий муқаррар хулосаси бўлиб, коллизион халқаро ва давлат ҳуқуқининг алоҳидалигини тан олиш ҳисобланади. Шундай экан, унда ички давлат коллизион ҳуқуқидаги бўшлиқларни коллизион халқаро ҳуқуқий асослар билан ва тескариси: халқаро коллизион ҳуқуқ бўшлиқларини алоҳида миллий коллизион тизимларнинг ҳуқуқий асослари билан тўлдириш мумкин эмас”⁸¹, дея таъкидлайди.

⁸⁰ Мюллерсон Р.А. Международное публичное и международное частное право: соотношение и взаимодействие // Советский ежегодник международного права. 1985. – М.: Наука, 1986. – Б.82.

⁸¹ Макаров А.Н. Основные начала международного частного права. – М.: Юридическое изд-во Наркомюста РСФСР, 1924. – Б.25-26.

В.П.Кузьмин айнан яхлит тизимлар ва тизимли комплекслар ўртасидаги фарқларни ўрганувчи мутахассис бўлиб, унинг фикрича, “биринчи ҳолатда (яхлит тизим) ўрганиш предмети бўлиб, уларнинг тузилиши, қисмларни қандайдир тизимли ёки функционал бутунга бирлаштириш қонунлари, уларнинг ички механизмлари ва интеграл қонуниятларга асослангани ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда эса (полисистем комплексларга нисбатан), ўрганиш предмети бўлиб, тизимларнинг тизимли комплексни ҳосил қилувчи икки ёки бир неча объектларининг алоқаси, ўзаро таъсири ва муносабатлари ҳисобланади”⁸².

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг “полисистем комплекс” сифатидаги концепцияси Т.Н.Нешатаева томонидан ҳам қабул қилинган ва қўллаб-қувватланган бўлиб, унинг таъкидлашича, ҳуқуқий материя ҳуқуқий тизимларнинг икки турига, яъни миллий ва халқаро тизимларга бўлинганлигини таъкидлаш вақт синовларига дош бермайди. Замоनावий халқаро муносабатлар шу қадар мураккаб ва турфаки (уларга, хусусан, давлатлараро муносабатлар, халқаро ноҳуқумат муносабатлар тааллуқли), улар фақатгина халқаро оммавий ҳуқуққа тааллуқли нормалар билан тартибга солиниши мумкин эмас. Шу тариқа, халқаро ҳуқуқий материяни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келади. Бу эса, унда ҳуқуқий полисистемани – халқаро хусусий ҳуқуқни ажратиб кўрсатишга йўл қўяди⁸³.

Муаллифнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқнинг полисистемлиги тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг мураккаблиги билан белгиланади. Бу ўзига хос турдаги муносабатлардир. Биринчидан, ўз мазмунига кўра, улар миллий ҳуқуқ таъсири доирасига кирувчи, хусусий тусдаги фундаментал ижтимоий муносабатларга киради (цивилистик); иккинчидан, улар тартибга солишга ҳуқуқнинг чет эл ёки халқаро манбасини

⁸² Керимов Д.А. Философские основания политико-правовых исследований. – М.: Мысль, 1986. –Б.222.

⁸³ Нешатаева Т.Н. К вопросу о правовых системах, регулирующих международные отношения //Российский ежегодник международного права. 1993–1994. – СПб.: Россия-Нева, 1995. –Б.55.

киритишни талаб қилувчи, чет эл ёки халқаро элемент (объект, субъект, юридик факт) билан “оғирлаштирилган”. Ушбу манба миллий ҳуқуқ нормаси билан бир қаторда, халқаро келиб чиқишдаги нормада ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бунда ягона зарурий нормани излаш муаммоси вужудга келади. Излаш, изланаётган қонидани кўрсатувчи коллизия норма каби ҳуқуқий тартибга солувчи асосида амалга оширилиши мумкин. Натижада ҳуқуқий муносабат, биринчи галда, ижтимоий муносабатнинг ўзи билан бирга боғланган нормаларнинг мажмуи асосида юзага келиши мумкин. Ушбу комплексга коллизия норма ва моддий норма киради. Шу билан бирга, униси ҳам, бошқаси ҳам миллий ҳуқуқда ҳам, халқаро шартномада ҳам мавжуд бўлиши мумкин⁸⁴.

В.В.Гаврилов ҳам ушбу ёндашувни ёқлайди ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ ўзида ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлган полисистем комплексни акс эттиради, чунки “халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг қисми сифатида ҳам, ички давлат ҳуқуқининг қисми сифатида ҳам кўриб бўлмайдиган сунъий ҳосила бўлиб ҳисобланади. У ўзининг ҳуқуқ тизимини ҳам яратмайди, чунки ўзи ушбу ҳуқуқ тизимларининг нормаларидан иборат бўлади”⁸⁵, деган фикрни илгари суради. П.Н.Бирюков ҳам шу фикрни тасдиқлаган ҳолда, “халқаро хусусий ҳуқуқ ҳуқуқнинг мастақил соҳаси эмас, мустақил соҳаси бўла олмайди ҳам. Бу нормаларнинг икки ёки уч гуруҳини бирлаштирувчи сунъий маҳсулотдир”, дея таъкидлайди⁸⁶.

П.Каленскийнинг таъкидлашича, “халқаро хусусий ҳуқуқ ички давлат ҳуқуқининг ҳудудий моҳияти ва халқаро оммавий ҳуқуқнинг универсаллиги ўртасида иккиланади... . Бу халқаро хусусий ҳуқуққа гибрид хусусият бахш этади ва уни ҳуқуқнинг фавқулодда мураккабланиш соҳаси сифатида

⁸⁴ Нешатаева Т.Н. К вопросу о правовых системах, регулирующих международные отношения //Российский ежегодник международного права. 1993–1994. – СПб.: Россия-Нева, 1995. –Б.55.

⁸⁵ Гаврилов В.В. Международное частное право: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во Дальневосточного ун-та, 1997. –Б.13-14.

⁸⁶ Бирюков П.Н. Международное право. – М.: Юристъ, 1998. –Б.13.

ифодалайди”⁸⁷. Аммо бу ёндашувга қарши бўлган олимлардан Ю.К.Толстой, В.Ф.Попондопуло, Д.Ф.Нефедовлар комплекслилик элементи барча ҳуқуқ соҳаларига ҳослигини таъкидлашади.

Н.П.Асланяннинг фикрича, цивилистлар томонидан ҳусусий ҳуқуқ муаммосининг аҳамиятини тушунмаслик “оммавий асоснинг ҳусусий ҳуқуққа “интервенцияси” жараёнининг табиийлигини тан олишга, оммавий асосларнинг ҳусусий ҳуқуқий соҳага сингиб кетишини оқлашга ҳамда ҳуқуқдаги айрим аралаш ҳусусий-оммавий ҳосилаларнинг назарий асосланишига олиб келади”⁸⁸.

Назаримизда, халқаро ҳусусий ҳуқуқ миллий ҳуқуқнинг муайян таркибий элементи ҳисобланади. Ушбу хулоса эса, икки муҳим фарзга асосланади. Биринчидан, халқаро ҳусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар бошқа давлатлар ҳуқуқий тизими билан боғлиқ эканлигига қарамай, бир ҳуқуқий тизимнинг таъсири остида бўлади. Халқаро ҳусусий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг нормал кечиши шундай бир вариантни назарда тутадик, бунда муносабатни тартибга солиш асосан бир ҳуқуқий тизим нормалари билан амалга оширилади. Шу билан бирга, бошқа ҳуқуқий тизим ўзи билан боғлиқ бўлган ушбу муносабатга нисбатан мутлақо “бефарқ” бўлиб қолиши ҳам мумкин эмас. Масалан, бундай ҳуқуқий тизимда муносабатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида изоҳга йўл қўйиш орқали унинг чет эл ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш имконияти назарда тутилиши мумкин. Халқаро ҳусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқ тизимига мансублигини асословчи далил сифатида унинг асосий параметрлари ички ҳуқуқ нормалари билан белгиланишини кўрсатиш мумкин. Шу маънода халқаро ҳусусий ҳуқуқ ўз қоидаларини айнан миллий ҳуқуқдан олади.

Н.В.Ерпылеванинг таъкидлашича, халқаро ҳусусий ҳуқуқнинг табиати нуқтаи назаридан, унинг ривожланишининг замонавий босқичида унинг

⁸⁷ Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право: Учебник. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2009. –Б.24.

⁸⁸ Асланян Н. П. Основные начала российского частного права. – Иркутск: ИГЭА, 2001. –Б.182.

комплекс хусусияти ва халқаро хусусий ҳуқуқни ички давлат ҳуқуқи (миллий) доирасига ҳам, халқаро оммавий ҳуқуқ доирасига ҳам киритишнинг иложи йўқлиги мутлақо равшан бўлиб қолди. Халқаро хусусий ҳуқуқ – бошқа ҳуқуқ тизимларидан фарқли равишда (миллий ёки халқаро бўлишидан қатъи назар), ўзининг шахсий тартибга солиш предметига эга бўлган мутлақо мустақил ҳуқуқ тизимидир⁸⁹. Н.В.Ерпылева халқаро хусусий ҳуқуқнинг “комплекслигини” халқаро хусусий ҳуқуқ, унга яқин ва у билан қариндош ҳуқуқ тизимлари (халқаро оммавий ва ички давлат фуқаролик ҳуқуқи)дан ажратиб турадиган ўзига хос тартибга солиш предмети (объект)га, методлари ва манбаларига эга бўлган ҳуқуқнинг мустақил тизими сифатида намоён бўлиши билан боғлайди. Унинг фикрича, “халқаро хусусий ҳуқуқ – чет эл элементи билан “мураккаблашган” мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни коллизия-ҳуқуқӣ ва моддий ҳуқуқӣ методлар ёрдамида тартибга солувчи ички давлат қонунчилиги, халқаро шартномалар ва одат нормаларини бирлаштирувчи комплекс ҳуқуқ тизимидир”⁹⁰.

М.Сулейменов Н.Ю.Ерпылеванинг халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизими эканлиги борасидаги фикрига қарши чиқиб, ўз нуқтаи назарини қуйидагича асослайди: “менинг фикримча, комплекс соҳани ушбу йўсинда шакллантиришнинг зарурати йўқ, чунки халқаро оммавий ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқдан ташқари ҳуқуқӣ тизимлар мавжуд эмас. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларнинг икки хил хусусиятига эга бўлса-да, миллий ҳуқуқ ҳисобланади. Халқаро шартномалар миллий ҳуқуқ тизимига киради. Халқаро шартномалар халқаро оммавий ҳуқуқнинг манбаси бўлгани каби, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳам манбаси ҳисобланади. Аммо халқаро оммавий ҳуқуқ учун шартнома давлатнинг ички ҳуқуқига киритилган ёки киритилмаганлигининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ... Турли давлатлар хусусий шахслари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқ эса – бошқа гап. Халқаро

⁸⁹ Ерпылева Н.Ю. Понятие, предмет, система и источники международного права //Международное публичное и частное право. – Москва, 2002. – №1. –Б.21.

⁹⁰ Ерпылева Н.Ю. Международное частное право: Учебник. – М., 2011. –Б.7.

шартнома ушбу муносабатларни тартибга солиши учун, у албатта ушбу давлатларнинг ички ҳуқуқига киритилган бўлиши лозим”⁹¹.

Назаримизда, халқаро хусусий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизими билан параллел равишда мавжуд бўлган алоҳида ҳуқуқий тизим ҳисобланмайди. Алоҳида ҳуқуқий тизим сифатида эътироф этиш учун етарли асослар мавжуд эмас. Алоҳида ҳуқуқий тизим шаклланиши учун бир неча омиллар мавжуд бўлиши талаб этилади. Дастлаб, бундай ҳуқуқий тизимнинг мавжуд йирик норматив тузилмалар (тизимлар) доирасидаги ўрни тўғрисидаги масала юзага келади. Бугунги кунда дунёда миллий ҳуқуқий тизимлар ва алоҳида тизим – халқаро ҳуқуқ мавжуд. Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқни мустақил ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ўз-ўзидан унинг мавжуд тизимлар орасидаги ўрни тўғрисидаги масалани кун тартибига олиб чиқади. Маълумки, ҳар бир мамлакат халқаро хусусий ҳуқуқининг аксарият қисми миллий манбалар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, прецедентлар, ҳуқуқий одатлар) ҳисобидан шакллантирилади ва бу ҳолат, ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий тизимда умумий манбалар (демак, расмий бирлик) мавжудлигини инкор этади. Бизнингча, ҳуқуқий тизим нафақат ўз ҳуқуқ манбаларига, балки “махсус нормалар”га ҳам эга бўлиши лозим. Миллий ҳуқуқий тизимларда бундай вазифани, одатда, конституциявий нормалар бажаради. Халқаро ҳуқуқда кейинги нормаларнинг барчасини мазмун жиҳатидан бойитадиган императив нормалар – *jus cogens* мавжуд. Халқаро хусусий ҳуқуққа шу нуқтаи назардан қаралганда, барча давлатларнинг “умумий” халқаро хусусий ҳуқуқи учун бирлаштирувчи омилни қидириб топиш анча қийин кечади.

Шу тариқа, ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хослиги, ҳуқуқ манбаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи коллизия нормалар халқаро хусусий ҳуқуқни ички давлат қонунчилигининг мустақил соҳаси сифатида белгилаш учун зарурий ва етарли асос бўлиши мумкин. Фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқни

⁹¹ Сулейменов М. Право как система: Монография. – Алматы: Зангер, 2011. –Б.344.

хуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида тан олишга шубҳалар кўп ҳолларда кодификация жараёни оқибатида вужудга келган. Кўп давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари кодификацияси икки йўл билан амалга оширилган: халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги алоҳида нормаларнинг қабул қилиниши ёки коллизия нормаларни соҳаларга оид кодификацион ҳужжатлар таркибига киритиш. Ўзбекистон Республикаси коллизия нормаларни Фуқаролик, Фуқаролик процесси, Иқтисодий процесс, Оила кодекслари таркибига киритиш йўлидан борди. Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи муносабатлар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига ҳам киритилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодексига тўлиқ тартибга солинган бўлиб, кодекснинг VI бўлими “Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш” деб номланган иккита боб: “Умумий қоидалар” ва “Коллизия нормалар”дан иборат. Шунини таъкидлаш жоизки, “ҳужжатда умумий қисмнинг мавжудлиги юридик нормалар мазкур мажмуининг ҳуқуқ структурасида ажралишидан далолат беради, умумлашмалар даражаси эса, мазкур мажмуанинг юридик ўзига хослиги, унинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнининг кўрсаткичи ҳисобланади”⁹². Айнан умумий қисм соҳага оид тартибга солиш предметининг ўхшашлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрнини белгилаш халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги махсус қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати тўғрисидаги ҳулосага олиб келади. Бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тизимлироқ ва батафсилроқ тартибга солинишига эришиш ҳамда турли соҳага оид ҳужжатларда нормалар такрорийлигининг олдини олишга кўмак беради. А.Н.Жильцов ва А.И.Мурановлар фикрича, шакл борасидаги масала “умуман олганда, муҳим

⁹² Алексеев С. С. Общая теория права. Т.2. – М.: Юрид. лит., 1982. –Б.232-233.

хисобланмайди, чунки ҳақиқатда асосийси тартибга солинаётган ҳужжатларнинг шакли эмас, балки уларнинг мазмуни ва ўзаро мувофиқлигидир: ваҳоланки, тушунишнинг оддийлиги ва ҳаммабоплиги нуқтаи назаридан айнан комплекс ёндашув қўлланган қонун шаклини танлаш мақсадга мувофиқроқдир”⁹³, деган фикрни билдирадilar.

Замонавий босқичда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг Фуқаролик кодекси таркибига киритилиши ушбу ҳуқуқ соҳасининг фуқаролик ҳуқуқи тарикибига кириши ҳақидаги нотўғри фикрни уйғотиши мумкин. Ўз вақтида, Л.П.Ануфриева томонидан, мазкур қадам халқаро хусусий ҳуқуқнинг айрим муҳим масалалари борасидаги⁹⁴, шу билан бир каторда, унинг структуравий тегишлилиги, юридик тизимдаги мақоми ва ўрни тўғрисидаги мунозараларнинг янги халқасини келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланган. Россиялик олим Е.А.Суханов ворислик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида сўз юритганда, уларни “фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси” сифатида баҳолайди ва “фуқаролик ҳуқуқининг ушбу икки кичик соҳалари РФ Фуқаролик кодексида ўзининг мантиқий давомига эга бўлганлиги ва мустаҳкамланганлигини”⁹⁵ таъкидлайди. Бизнингча, Е.Ф.Сухановнинг қарашлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг асл табиати, унинг вазифалари, мақсади ва роли борасида хато фикр уйғотади ва бу ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиатини формал-цивилистик ёндашуви тарафдорлари орасида кўп учрайди.

Л.П.Ануфриева бу борада тўғри фикр билдирган ҳолда, шуни таъкидлайдики, “халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини Фуқаролик кодексининг миллий қонунчилик тизимида эгаллаган ўзига хос ўрни оқибатида РФ Фуқаролик кодексига киритиш тўғрисидаги далилларга келадиган бўлсак, бу ҳолатда ҳам шубҳалар мавжуд, чунки халқаро хусусий

⁹³ Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. –Б.36.

⁹⁴ Ануфриева Л. П. Международное частное право: В 3-х т. Т.1. Общая часть: Учебник. – М.: БЕК, 2000. – Б.137-141.

⁹⁵ Суханов Е.А. О третьей части Гражданского кодекса Российской Федерации //Вестник ВАС РФ. – Москва, 2002. – №3. –Б.71-82.

ҳуқуқ ва фуқаролик қонунчилиги ҳужжати – бир алоқа билан бошқариладиган ҳодисалар эмас. Муайян қоидаларни фуқаролик ҳуқуқи манбаи ёки айнан халқаро хусусий ҳуқуққа бағишланган махсус ҳужжат таркибига киритиш воситасида тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун мақсадга мувофиқ шаклларни танлашга алоқадор мулоҳазалар турли хил бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай хулоса мантиқий бўлиши лозим: агар фуқаролик қонунчилиги ҳужжати қоидаларининг мазмуни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг фақатгина бир қисми бўлса, тегишли бўлимнинг номланиши бунга мос равишда акс этиши лозим. Агар қонун чиқарувчи “халқаро хусусий ҳуқуқ” номланишини қўлламоқчи бўлса, бунинг учун керакли манбалар зарур ёки фуқаролик кодексининг бундай бўлими халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи барча нормаларни қамраб олиши лозим...”⁹⁶.

Шу тариқа, халқаро хусусий ҳуқуқ доктринал масалаларининг манбалари, табиати ва вазифасининг таҳлили шуни кўрсатдики, халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқдан иборат ягона тизимининг таркибий қисми сифатида белгилаш ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқнинг полисистемлиги доктринаси унинг цивилистик табиатига қараганда заифроқдир. Биринчи галда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг тизимли тегишлилиги масаласи назарий қизиқиш уйғотади. Ушбу нуқтаи назардан иккита асосий ёндашув тарафдорлари (полисистемликдан ташқари) халқаро хусусий ҳуқуқни ички давлат ҳуқуқи сифатида белгилаган ҳолда, битта фикрда бирлашадилар. Бу ҳолат шуни англатадики, миллий ҳуқуқий тизимларда халқаро хусусий муносабатлар воситасида ички давлат муносабатлари тизимининг ўзаро алоқасини ифодалайдиган ҳуқуқий структуралар мавжуд бўлиши мумкин ва ҳақиқатан ҳам мавжуд.

⁹⁶ Ануфриева Л. П. Некоторые проблемы нового российского регулирования по международному частному праву // Журнал российского права. – Москва, 2003. – № 6. – Б.38-39.

Халқаро хусусий ҳуқуқ цивилистик табиатининг яна бир исботи бўлиб, халқаро шартномалар унификациян нормаларининг ҳар қандай аҳамияти ва заруратига қарамай, унинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, бошқа алоҳида ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, халқаро хусусий ҳуқуққа полисистемлик нуқтаи назаридан эмас, балки миллий ҳуқуқ тизимининг фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи каби алоҳида ҳуқуқ соҳаларидан халқаро хусусий ҳуқуқ предмети доирасига кирувчи, яъни хорижий элементларнинг териб олингани билан комплекслилик хусусияти ҳам ҳосдир.

Х.А.Раҳмонқуловнинг фикрича, “комплекс ҳуқуқ соҳалари мазмуни жиҳатдан мустақил ҳуқуқ соҳаларининг нормалари йиғиндисидан ташкил топади: ҳуқуқ тизимида мустақил ҳуқуқ соҳалари билан бир қаторда, оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ нормалари элементлари йиғиндисидан ташкил топган ёрдамчи ёки иккиламчи ҳуқуқ соҳалар ҳам мавжуд... Комплекс ҳуқуқ соҳасида ўз аксини топган нормалар ягона метод билан боғлиқ бўлмасдан, комплекс ҳуқуқ соҳасининг предметини ташкил қилувчи муносабатлар мустақил ҳуқуқ соҳаларига (масалан, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи) мос методлар воситасида тартибга солинади. Бинобарин, комплекс ҳуқуқ соҳасининг деярли барча нормалари ўз хусусиятлари билан мустақил ҳуқуқ соҳаларига тааллуқлидир”⁹⁷. Аммо халқаро хусусий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ соҳаларига ҳос бўлмаган ўзининг алоҳида тартибга солиш методига эга. Шу сабабли, халқаро хусусий ҳуқуқни иккиламчи ҳуқуқ соҳаси сифатида кўриш ҳатодир. Демак, халқаро хусусий ҳуқуқ миллий қонунчиликнинг фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи нормаларининг чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларининг йиғиндисини ўзига ҳос

⁹⁷ Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими: Ўқув қўлланма. – Т., 2005. –Б.56.

метод воситасида тартибга солувчи комплекс хусусиятга эга бўлган алоҳида ҳуқуқ соҳасидир.

1.3-§. Ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг моҳияти

Ҳуқуқ назариясида у ёки бу ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий табиати ва моҳияти тўғрисидаги фикр кўпинча унинг манбалари хусусиятига кўра белгиланиши умумэътироф этилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари тўғрисидаги масала унинг предмети ва тартибга солиш методлари масалаларига қараганда у қадар баҳсли кўринмаса-да, ушбу масалани ўрганишда халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари “дуализми” муаммоси, халқаро шартномаларнинг манбалар тизимидаги ўрни, ички қонунчилик ва халқаро шартномаларнинг ўзаро муносабати каби “зиддиятлар” учраши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуққа миллий ҳуқуқнинг мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида таъриф берар эканмиз, ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи манбаларининг хусусиятлари унинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва моҳиятига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари бўлиб, аввало, умуман миллий ҳуқуққа хос хусусиятга эга бўлган юридик шакллар ҳисобланади, дея оламиз.

Х.Раҳманкуловнинг фикрича, “ҳуқуқнинг мазмуни муайян ҳуқуқ нормаларидан ташкил топади, унинг ташқи кўриниши эса, тегишли шакллардан иборат. Ушбу шакллар манба сифатида у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг таркибини, тузилишини белгилайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тузилиши жиҳатдан унинг таркибини белгиловчи манбалар билан белгиланади”⁹⁸. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг (баён этишнинг) асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

⁹⁸ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлири учун дарслик //Х. Р. Раҳмонкулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.22.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий туридир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларни чиқарадиган давлат органларининг маъқеи, ҳужжатларнинг юридик кучига кўра қуйидаги туркумларга бўлинади:

- қонунлар (Конституция ва жорий қонунлар);
- Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари;
- ҳуқумат қарор ва фармойишлари;
- давлат ва ҳўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари;
- маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари⁹⁹.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси тан олган халқаро одатлар, удумлар ва бошқа ҳужжатлардир.

Ижтимоий жамият ва давлат қурилиши асосий ғоялари ва тамойиллари ўз аксини топган конституциявий нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари каби халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва аҳамиятини белгилаб беради. Давлат ички қонун ҳужжатларида ва шу қаторда, халқаро келишувларда назарда тутилган қоидалар конституциявий тамойилларга зид бўлмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”, 16-моддасининг 2-қисмида “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”, деб белгиланган. Конституция асосида тузилган Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ҳам ўз таъсир кучига кўра, юқори юридик мақомли ҳужжат ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-моддасига мувофиқ, “агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларига

⁹⁹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик /Х.Т.Одилқориев, И. Т. Тултеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2009. –Б.568.

караганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади”.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг дуализми шу билан белгиланадики, бир тарафдан халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари бўлиб, халқаро шартномалар ва халқаро одатлар ҳисобланса, иккинчи тарафдан – миллий қонунчилик, яъни халқаро ҳуқуқий ва миллий ҳуқуқий манбалар ҳисобланади. Энг кўп баҳслар эса, халқаро шартномаларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўрни ҳақида боради. Гап шундаки, дарҳақиқат, халқаро шартномалар халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларини, хусусан, бирхиллаштирилган коллизия нормаларни ҳам, моддий ҳуқуқий нормаларни ҳам яратишда муҳим аҳамият касб этади, аммо, айрим муаллифларнинг фикрича, бу ҳолат “шартнома халқаро хусусий ҳуқуқ манбаси эканлигининг етарли исботи бўлиб хизмат қила олмайди”¹⁰⁰. И.А.Грингольцнинг таъкидлашича, халқаро шартномалар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ҳисобланмайди, бирхиллаштирилган нормалар бор жойда коллизия, яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида мавжуд бўлиши учун асос қолмайди¹⁰¹.

Бошқа муаллифлар эса, манбалар қаторида, халқаро шартномаларнинг ўрнини инкор этмаган ҳолда, “дуализм”ни қуйидаги йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилишади, яъни улар миллий давлат ҳудудида амалда бўлган халқаро шартномани миллий ҳуқуқ тизимининг қисми сифатида қарашади. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, халқаро шартноманинг ратификация қилиниши унинг миллийлаштирилишини англатади, бошқача қилиб айтганда, халқаро шартнома ратификация қилинганидан кейин, у миллий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида амал қилишни бошлайди.

¹⁰⁰ Международное частное право: Учебник /Отв. ред. Г. К. Дмитриева. 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2012. – Б.69.

¹⁰¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик //Х. Р. Раҳмонқулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.22.

Аммо С.Б.Крылов халқаро хусусий ҳуқуқ ҳуқуқий табиатининг халқаро ҳуқуқий концепциясини ёқлаган ҳолда, “халқаро шартнома ҳуқуқида халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий мазмуни кўзда тутилиши лозим”¹⁰², дея фикр билдиради. И. С. Перетерский эса, ушбу қарашнинг бутунлай аксини уқтириб, халқаро шартномалар “ўзаро муносабатларда иштирок этаётган давлатлар ўртасидагина қўлланади... улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча масалалари эмас, балки, одатда, алоҳида масалаларининг айримларигагина дахлдордир”¹⁰³, дея таъкидлайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари “дуализми” муаммоси олимларни икки гуруҳга ажратади: биринчи гуруҳга И.С.Перетерский, Л.А.Лунц, М.М.Богуславский ва Е.Т.Усенколар кириб, улар халқаро шартномаларнинг нормалари фақатгина ратификация қилингандан кейингина ички қонунчиликда қўлланиши тўғрисидаги фикрни илгари суришади. Масалан, Е.Т.Усенконинг таъкидлашича, “халқаро шартномада акс эттирилган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар, трансформация натижасида миллий ҳуқуқ нормаларига айлангандагина халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киради”. Унинг фикрича, шу туфайли, “халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча нормалари миллий ҳуқуқий ҳисобланади, бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тармоғи сифатидаги табиати ўзгармаслигини билдиради”¹⁰⁴.

С.Н.Лебедев халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича халқаро шартномаларга нисбатан ушбу қоидаларнинг, биринчидан, тегишли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, яъни юридик ва жисмоний шахслар муносабатлари учун, иккинчидан, ҳуқуқни қўлловчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) органлар, яъни давлат судлари ва бошқа адлия органлари билан бир қаторда, арбитраж ёки ҳакамлик судлари учун мажбурийлигини белгилаш зарурати мавжуд. Аммо кўрсатилган шахслар – халқаро эмас, балки ички ҳуқуқ субъектлари экан, бевосита давлатгагина

¹⁰² Крылов С.Б. Международное частное право: Пособие к лекциям. – Л.: Прибой, 1930. –Б.20.

¹⁰³ Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право: Учебник для юрид. ин-тов и фак., изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Госюриздат, 1959. –Б.28.

¹⁰⁴ Усенко Е.Т. Теоретические проблемы соотношения международного и внутригосударственного права //Советский ежегодник международного права. 1977. – М.: Наука, 1979. –Б.84-85.

мажбурият юклайдиган халқаро шартнома қоидалари ҳам, улар учун фақатгина давлат томонидан у ёки бу шаклда кўрсатма берилганидагина мажбурий бўлиши мумкин, деб ёзади. Ўз қарашларини У.Т.Усенконинг фикрига қўшилган ҳолда давом эттириб, “фуқаролик муносабатларнинг иштирокчиларигина субъект бўлиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив таркибини ҳисобга олган ҳолда, бундай кўрсатма, фикримизча, фақатгина шартномада назарда тутилган қоидаларнинг ички ҳуқуқ нормаларига айлантирилиши ёки трансформацияси йўли билан амалга оширилиши мумкин”¹⁰⁵, дея таъкидлайди.

И.П.Блищенко, С.Б.Крилов, А.И.Минаковлар эса, аксинча, давлат ички ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда халқаро ҳуқуқий нормаларни бевосита қўллаш имкониятини йўл қўйган ҳолда, халқаро шартномани халқаро хусусий ҳуқуқ манбаси сифатида мутлақлаштиришади. Масалан, И.П.Блищенконинг ёзишича, “қонуний кучга кирган халқаро шартноманинг давлат ҳудудида миллий қонун сифатидаги бевосита таъсири кўпроқ ва янада кўпроқ ўзига хос тенденцияга айланиб бормоқда... Анъанавий халқаро хусусий ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда миллий ҳуқуқ тобора ўзининг асосий ролини йўқотмоқда ва бу соҳага бажарилиши у ёки бу миллий нормаларнинг қабул қилинишини талаб қилиши мумкин бўлган, аммо шарт бўлмаган халқаро шартнома кирмоқда”¹⁰⁶. Демак, олимнинг фикрича, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланиши учун унинг қоидалари ратификация қилинган бўлиши шарт эмас. И. П. Блищенко ўз фикрини давом эттирган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия норма халқаро шартномалар ва келишувларда шакллантирилган, бирхиллаштирилган моддий нормаларга йўл беради, миллий нормаларнинг ўзи эса “мазкур масалалар доирасидаги халқаро шартномалар ва

¹⁰⁵ Лебедев С.Н. О природе международного частного права //Советский ежегодник международного права. 1979. – М.: Наука, 1980. –Б.69.

¹⁰⁶ Блищенко И.П. Международное публичное и международное частное право //Тезисы докладов советской ассоциации международного права. – Москва, 1979. –Б.41-43.

келишувларни ижро этиш учун қабул қилинган нормаларга айланади”¹⁰⁷, дея таъкидлайди.

Л.А.Лунц И.П.Блишенконинг мазкур фикрини тўғирлаб, халқаро шартномаларнинг нормалари уларнинг трансформациясидан кейин ҳам мазкур давлатларнинг ҳар бирининг ички ҳуқуқ тизимига нисбатан муайян маънода ўз автоном ҳолатини сақлаб қолади, чунки уларнинг таркибидаги нормалар ҳужжатлар қабул қилган давлатларнинг умумий иродасини акс эттиради, ва шунинг учун ҳам бир хилда изоҳланади, дейди. Аммо “у ёки бу давлат арбитраж судлари томонидан қўлланувчи бундай нормаларни изоҳлашда тафовутлар мавжуд бўлганда... уларнинг аҳамияти – бирхиллаштиришнинг самараси пасаяди”¹⁰⁸. Дарҳақиқат, халқаро шартнома нормаларининг давлатлар ваколатли органлари томонидан турлича талқин қилиниши бирхиллаштирилган нормаларнинг аҳамиятини пасайтиради.

Е.Т.Усенконинг таъкидлашича, трансформациянинг зарурати шу билан изоҳланадики, “халқаро ҳуқуқ, халқаро норма, халқаро шартнома давлат ҳудудида бевосита амалда бўлмайди ва бўла олмайди ҳам. Давлат суверенитети туфайли, унинг ҳудудида, ҳеч қандай бошқанинг эмас, шу қаторда, келишилган бўлса-да, фақатгина давлатнинг иродаси амалда бўлиши мумкин”¹⁰⁹.

Иккинчи ёндашув тарафдорларидан бўлган А.И.Минаков эса, суверенитет принципини мутлақлаштирмаслик лозимлигини таъкидлаб, келишилган ирода давлат ички муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлиши мумкин эмаслигини айтиб ўтади. Маълумки, ҳар қандай норма норма бўлиши учун давлат ҳокимияти хусусиятига эга бўлиши, яъни давлат ёки давлатлар томонидан чиқарилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, давлат ички нормалари каби, халқаро шартномаларнинг нормалари ҳам давлат иродасини акс эттиради: биринчи ҳолатда, бу бир давлат иродаси,

¹⁰⁷ Ўша жойда. –Б.46-47.

¹⁰⁸ Лунц Л.А. Развитие советской доктрины по международному частному праву //Советское государство и право. – Москва, 1977. – №12. –Б.54-55.

¹⁰⁹ Усенко Е.Т. Теоретические проблемы соотношения международного и внутригосударственного права //Советский ежегодник международного права. 1977. – М.: Наука, 1979. –Б.70.

иккинчи ҳолатда эса, икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг келишилган иродаси. “Халқаро шартноманинг нормаси ўз-ўзидан давлат ички ҳуқуқи нормаси ҳисобланмайди, аммо бу ҳолат, у давлатнинг ички муносабатларини тартибга солиши мумкин эмаслигини англатмайди”¹¹⁰.

Тўғри, халқаро шартнома давлатларнинг келишилган иродасини ифодалайди, аммо халқаро шартноманинг “ички муносабатларни тартибга солишда” қўлланиши ҳам мутлақлаштириш ҳисобланади. Бу ҳолат халқаро оммавий ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири – халқаро шартномалар фақатгина субъектлар, яъни давлатлар учун мажбурият туғдириши тамойилига зид келади.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, “бирхиллаштирилган нормалар ички давлат моддий ҳуқуқий нормаларидан фарқли ўлароқ, улар давлатлараро битимларнинг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан, бирхиллаштирилган нормалар ўзининг хусусияти билан миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади”¹¹¹. Демак, халқаро шартномалар ҳам миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади. Фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар давлатларнинг ички қонун нормалари асосида тартибга солинади, шу қаторда, айрим давлатлар билан халқаро хусусий ҳуқуқнинг баъзи масалалари юзасидан тузилган шартномалар ҳам миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари халқаро битимлар, шартномалар, конвенциялар ва бошқа умумэътироф этилган ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, давлат ички қонун ҳужжатларидан ҳам ташкил топади. Учинчи минг йиллик бошида дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан, Озарбайжон, Литва, Жанубий Корея, Мўғулистон, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Тунис, Туркия, Хитой, Польша ва Нидерландия каби давлатларда халқаро хусусий

¹¹⁰ Минаков А.И. Международный договор как источник международного частного права (Вопросы теории) //Советский ежегодник международного права. 1986. – М.: Наука, 1987. –Б.235-238.

¹¹¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик //Х. Р. Раҳмонқулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.25.

хуқуқнинг янги кодификацияси амалга оширилди. Шу билан бирга, ушбу кодификацияларнинг учтаси (Бельгия, Болгария, Туркия) кодекс деб номланган бўлса, олтитасида эса (Жанубий Корея, Болгария, Бельгия, Украина, Македония, Туркия) нафақат халқаро хусусий ҳуқуқ, балки халқаро фуқаролик процесси масалалари ҳам акс эттирилган. Соҳалараро кодификация Нидерландия (2002–2012), Литва (2001–2003), Мўғулистон (2002), Россия (1996–2003), Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон¹¹² ва Ўзбекистонда (1996–1998)¹¹³ амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасида чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари алоҳида кодексларнинг таркибига киритилган. Масалан, Фуқаролик кодексининг VI бўлимида умумий ва махсус масалалар бўйича, Оила кодексининг VIII бўлими, Фуқаролик процессуал кодексининг V бўлими, Иқтисодий процессуал кодексининг III бўлимида халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари жой олган. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган айрим қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, Ҳаво кодексига, “Нотариат тўғрисида”ги қонунда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистоннинг ички давлат қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг доираси кенг бўлиб, улар қуйидагилар: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва ҳ.к.

Муайян халқаро оммавий ёки хусусий муносабатларни тартибга солиш учун тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, уларга нисбатан одат бўлиб

¹¹² <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

¹¹³ www.lex.uz

колган қоидалар қўлланади. Бундай қўллаш умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ манбаларида назарда тутилган нормаларга, қоидаларга, халқаро шартномаларга зид бўлмаслиги талаб қилинади.

Халқаро хусусий муносабатларни тартибга солишда одатлардан фойдаланиш учун улар кундалик халқаро таркиб топган, кенг миқёсда азалдан ва доимо қўлланиб келинган, халқаро жамоатчилик томонидан тан олинган, лекин қонунда назарда тутилмаган бўлиши керак. Бундай одатлар назарий жиҳатдан, шунингдек амалиётда ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи сифатида халқаро миқёсда эътироф этилади¹¹⁴.

Халқаро одатнинг табиати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро Судининг Статуси, яъни мақомининг 38-моддасида¹¹⁵ ўз ифодасини топган. БМТ Уставининг ажралмас қисми бўлган ушбу ҳужжатда халқаро одат амалиётда синовдан ўтган ва ҳуқуқ нормаси сифатида умумэътироф этилган қоида сифатида тавсифланади. Савдо одатларини қўллаш масаласи чет эл савдо арбитражи тўғрисидаги 1961 йилдаги Европа конвенцияси, ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламенти, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси Арбитраж регламенти қоидаларида ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 6-моддаси “Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар” деб номланган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасига мос келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари ички давлат қонунчилик ҳужжатлари, давлатларнинг хоҳиш-иродаси оқибатида қабул қилинган халқаро шартномалар ва одатлар ҳисобланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ

¹¹⁴ Халқаро хусусий ҳуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик //Х. Р. Раҳмонкулов ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.46.

¹¹⁵ <http://www.un.org>.

манбаларининг бошқа ҳуқуқ манбаларидан фарқи шундаки, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, оила, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишнинг умумий қоидалари, ҳар бир муносабатни тартибга солишда қўлланувчи коллизион нормалар ва улар асосида белгиланган чет эл ёки миллий ҳуқуқ моддий ва процессуал нормаларни ўз ичига олади.

Саволлар:

1. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни борасида қандай доктриналар мавжуд? Ўзингининг фикрингизни изоҳланг.

2. Халқаро хусусий ҳуқуқ предметини қандай муносабатлар ташкил қилади?

3. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг комплекслилик характери нима билан изоҳланади?

4. Банк ва молия ҳуқуқи халқаро хусусий ҳуқуқ предметига кирадими? Жавобингизни асосланг.

II БОБ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА КОДИФИКАЦИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

2.1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси тушунчаси ва моҳияти

Мустақиллик йилларида чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида яратилган ҳуқуқий база мамлакатимизнинг чет давлатлар ҳамда турли халқаро ташкилотлар билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларининг кенг кўламда ривожланишига мустаҳкам замин яратди. Ушбу ҳуқуқий база ўз даврида республикамиз тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини, фуқароларимизнинг чет элликлар билан муносабатларини ҳуқуқий таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Албатта, XXI асрда давлатимиз иқтисодий имкониятларининг ўсиши, жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг чуқурлашуви, товарлар, хизмат ва ишлар бозорининг кенгайиши, мамлакатлар ўртасида аҳоли миграциясининг кучайиши каби объектив ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тегишли норматив-ҳуқуқий базани ҳам мос равишда такомиллаштириш лозимлигидан дарак беради. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги мазкур ўзгаришлар ҳар бир давлат ҳуқуқ тизимидаги мавжуд халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигининг таркибий тузилишига, мазмунига ўз таъсирини ўтказишини инобатга олиб, уни янги концептуал асосларда шакллантириш вазифасини қўймоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги қонунчиликни кодификациялаш жараёни кечаётганлиги ҳам шу фикрнинг тасдиғи ҳисобланади. Демак, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун нормалари кодификациясини амалга ошириш ўзига хос долзарблик касб этади.

Маълумки, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг тараққий этиб бориши ва мураккаблашуви баробарида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўлами ҳам жадал суръатларда кенгайиб боради. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга самарали татбиқ этиш учун уларни доимий равишда муайян тизимга солиб бориш зарурати юзага келади. Бундай масъулиятли вазифани давлат, мансабдор шахслар амалга оширади ҳамда ушбу фаолият тизимлаштириш деб номланади. Тизимлаштириш нафақат ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ҳамда ҳуқуқни шарҳлашда, балки шу билан бир каторда, ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик аҳамиятга эга бўлган натижаларига эришишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Эътироф этиш жоизки, қонунчиликни тизимлаштириш масаласи узок вақтлардан буён илмий адабиётларда¹¹⁶ кенг муҳокама қилиб келинган бўлиб, уларда қонунчиликни тизимлаштириш қонун ҳужжатларини уларнинг ўзаро алоқадорлиги, номувофиклиги, бир-бирини такрорлаши, бўшлиқлар мавжудлиги ва бошқа камчиликлар нуқтаи назаридан ҳар томонлама тўлиқ таҳлил қилиш орқали амалий аҳамиятга эга сифатларини аниқлашни кўзда тутиши таъкидланган. Бундай таҳлилнинг мантиқий натижаси ўрганилаётган ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишда намоён бўлади. Аини шу сабабли ҳам, тизимлаштириш қонунчиликни мунтазам ривожлантириш шакли сифатида баҳоланади¹¹⁷.

Ў.Х.Муҳамедовнинг таъкидлашича, “қонунчиликни тизимлаштириш янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалдагиларини ҳам ҳисобга олишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқ бўлишига эришиш, эскирган нормалар ва такрорлашларни бартараф қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг энг самарали

¹¹⁶ Муҳамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш: Монография. – Т.: Фан, 2009. Одилқориев Х.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. – Т.: ТДЮИ, 2008. Поленина С., Колдаева Н. Свод законов РФ как форма систематизации нормативных актов //Российская юстиция. – Москва, 1996. – №12. Колдаева Н.П. Конституционные основы систематизации законодательства Российской Федерации //Государство и право. – Москва, 2003. – №2.

¹¹⁷ Пиголкин А.С. Проблемы систематизации законодательства Российской Федерации //Закон: создание и толкование. – М., 1998. –Б.56.

воситаларини танлаб олишга имкон беради”¹¹⁸. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, қонунчиликни тизимлаштиришга “амалдаги ҳуқуқий тизимни ривожлантириш ва тартибга солиш шакли, ҳуқуқий нормалар мазмунини унификациялаш ва уларни ваколатли органлар томонидан қўллаш ҳамда фуқаролар томонидан фойдаланишни қулайлаштириш воситаси, ҳуқуқ субъектларини зарур норматив ахборот билан таъминлаш, жамият ҳуқуқий онгини шакллантириш усули, **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги такрорий, ўхшаш нормаларни бирлаштириш, эскирган нормаларни бартараф этиш воситаси ва ниҳоят, ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд қонунчилик ҳужжатларини йиғиб, бир тизимга келтириш фаолиятидир”¹¹⁹, деб таъриф беради.**

Демак, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш: қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллашуви; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри талқин қилиш ва қўллаш; ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш учун зарур.

Тизимлаштиришнинг инкорпорация, консолидация, кодификация ҳамда ҳисобга олиш усуллари мавжуд бўлиб, **инкорпорацияда (лот. “incorporatio” – “ўз таркибига киритиш”) – муайян ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўла ёки қисман бирлаштирилган ҳолда кенг доирада фойдаланиш учун тўплам ёки мажмуа шаклида нашр этилади. Ў.Х.Мухамедов таъкидлаганидек, “инкорпорация – қонунчиликни тизимлаштиришнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, у қонунчиликни тизимлаштиришнинг бошқа шаклларида фарқли равишда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини бир тизимга солиш учун амалга оширилади”¹²⁰.**

¹¹⁸ Мухамедов Ў.Х. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш тушунчаси ва моҳияти //Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – Тошкент, 2007. – 1-сон. –Б.19.

¹¹⁹ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш: Монография. – Т.: Фан, 2009. –Б.24.

¹²⁰ Мухамедов Ў.Х. Қонунчилик инкорпорацияси: айрим назарий ва амалий масалалар таҳлили //ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – 7-сон. –Б.7.

Инкорпорация, коида тариқасида, қонунчиликни ҳаракат (назорат)да сақлаб туриш¹²¹, ундан фойдалана олиш ва унинг очиклигини таъминлаш, кенг доирадаги субъектларга қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг амалдаги таҳрири тўғрисида ишончли ахборот етказиш мақсадида давлат ва бошқа органларнинг доимий равишда амалга оширадиган фаолиятини ифодалайди¹²².

Қонунчиликни тизимлаштиришнинг электрон қурилмалар орқали тизимлаштириш, электрон инкорпорация тури мавжуд бўлиб, у қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат турли мезонлар бўйича туркумланидиган махсус компьютер дастурларини яратишни назарда тутди (LexUz, NORMA).

Консолидация (лот. “consolido” – “мустаҳкамлайман”) бир ёки бир неча ўзаро алоқадор масалалар бўйича чиқарилган майда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхлитлаштирилган норматив-ҳужжатга бирлаштиришдир. Тизимлаштиришнинг ушбу шакли норматив материал ўз мазмунига кўра замонавий талабларга жавоб берадиган, аммо тарқоқлиги ва кўплиги билан фарқланган ҳолда амалга оширилади.

Консолидацияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликлар, зиддиятлар, шунингдек ўзини оқламаган, ортиқча нормалар бартараф этилади, эскирган атамалар янгиланади, ўзаро бир-бирига яқин нормалар бир модда (банд)га бирлаштирилади. Шу туфайли консолидация айрим муаллифлар¹²³ томонидан тизимлаштиришнинг ёрдамчи вазифасини бажарувчи, мустақил аҳамиятга эга бўлмаган шакли, яъни инкорпорациядан кодификацияга ўтиш босқичи сифатида баҳоланади.

¹²¹ Ўша жойда. –Б.7-8. Бабаев В. К., Баранов В. М., Толстик В. А. Теория права и государства в схемах и определениях: Учебное пособие. – М.: Юристъ, 2000. –Б.241.

¹²² Сафаров Д.И. Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари: Юр. фан. номз..... дисс. – Т., 2011. –Б.44.

¹²³ Керимов Д.А. Законодательная техника. – М.: Норма-Инфра, 1998. –Б.90. Мухаев Р.Т. Теория государства и права. – М.: ПРИОР, 2002. –Б.330.

Ҳисобга олиш тизимлаштиришнинг энг оддий шакли бўлиб, мавжуд маълумотларни тартиблаштириш ҳамда тизимлаштирилаётган материалларни махсус предметли блоklarга туркумлаш ҳисобланади (картотекалар, ҳисоб-китоб журналларини тўлдириш ва х.к). **Ў.Х.Мухамедовнинг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш қонунчилиқни тизимлаштиришнинг бошқа шакллари амалга ошириш ҳамда умумҳуқуқий классификаторлар ишини энгиллаштиришга хизмат қилади**¹²⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорига мувофиқ, 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби жорий этилган ҳамда бу вазифани бажариш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юкланган. **Хусусан, Адлия вазирлигининг** Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси айнан шу фаолият билан шуғулланади. Ушбу бошқармада амалдаги қонунчиликнинг нафақат электрон, балки журнал ҳисоби ҳам юритилади.

Қонун ҳужжатларини журналда ҳисобга олиш “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари”да тартибга солинган. Унга кўра, журналга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги 12 турдаги маълумотлар (тартиб рақами; норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Классификатор бўйича коди; рўйхатга олиш санаси; қабул қилган органнинг номи; тури; номи; қабул қилинган сана ва ҳужжат рақами; кучга кириш санаси; расмий нашрда чоп этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; амал қилиш муддати; ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги

¹²⁴ Мухамедов Ў.Х. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш тушунчаси ва моҳияти //Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – Тошкент, 2007. – 1-сон. –Б.19.

маълумотлар; ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар) киритилади (5-банд).

Кодификация – тизимлаштиришнинг энг мураккаб ва такомиллашган шакли бўлиб, у янги кодификацион ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш йўли билан амалдаги қонунчиликка ҳам ички, ҳам ташқи ишлов беришга йўналтирилган фаолиятни ўзида акс эттиради.

Кодификация инкорпорациядан қуйидагилар билан фарқланади:

1. Инкорпорация – амалдаги қонунчиликни тартибга солишда унинг мазмунини ўзгартирмайдиган доимий жараёндир. Кодификация эса, норматив материалнинг йиғилиб қолганлиги ва уни ҳар томонлама қайта ишлашнинг объектив заруратидан ҳамда тўлиқ ёки алоҳида соҳалар бўйича бирлаштириш заруратидан келиб чиқиб, вақти-вақти билан амалга оширилади.

2. Кодификацияда ҳуқуқий нормалар ва институтлар билан, инкорпорацияда эса – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни техник қайта ишлаш билан алоқа қиламиз. Шу тариқа унинг таъсир предмети турлича.

3. Инкорпорациянинг натижаси бўлиб, расмий манбанинг мазмунини аниқ такрорлайдиган, турли даврларда чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўплами ҳисобланади. Кодификация эса, ҳам шаклан, ҳам мазмунан янги ҳужжатни ишлаб чиқади. Унинг матни расмий ҳисобланади ва қўлловчи органлар унга ҳавола қилиши шарт.

Д.И.Сафаровнинг фикрича, “...тизимлаштиришнинг инкорпорация ва кодификация каби шакллари қўллаш истиқболли эканлигини инобатга олиш лозим... Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигининг бугунги ривожланиш босқичида тизимлаштиришнинг икки шаклидан узлуксиз фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Айни дамда фақатгина инкорпорация ёки айнан кодификацияга имтиёз бермаслик лозим. Тизимлаштиришнинг айнан бир шакли вақт ўтиши билан бошқасига ҳам айланиши мумкин; инкорпорация жараёнида

олинган хулосалар кодификация учун асос бўлиб хизмат қилади”¹²⁵. Унинг таъкидлашича, “инкорпорациянинг мантикий давоми сифатида консолидация ва кодификация қонунчиликнинг ривожини билан узвий боғлиқ. Ҳуқуқий тартибга солишнинг маълум соҳасига тааллуқли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир жойга тўплар экан, қонун чиқарувчи улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, бўшлиқларни аниқлаш ҳамда ҳуқуқий нормалар мазмунини такомиллаштириш борасида қулай имкониятларга эга бўлади. Бу, айниқса, кодификация жараёнида яққол акс этади”¹²⁶.

Аммо, фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни тизимлаштиришда аввал инкорпорация шаклидан фойдаланиб, яъни барча нормаларни бир бутун шаклга келтириб, сўнг унга ички ишловларни беришнинг зарурати йўқ. Бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликда мавжуд бўлган бўшлиқлар, такрорланишлар, замон талабига жавоб бермайдиган, “оқсоқ” муносабатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳудудий коллизия нормалар, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини қайта кўриб чиқиб, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирган, ҳуқуқий муносабатнинг унинг элементлари тегишли бўлган ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий аҳамият касб этишини, ҳуқуқий муносабат билан энг узвий алоқада бўлган қонунни белгилашни таъминловчи эгилувчан коллизия нормаларни шакллантиришни тақозо этади. Бизнингча, кодификациянинг ўзи тарқоқ қисмларни жамлаш ва мазмунан ишлов бериш жараёнини назарда тутаяди. Демак, халқаро хусусий ҳуқуқ масаласида инкорпорация йўли билан жамланган ҳужжатни қабул қилиб, сўнг уни қайта ишлашнинг зарурати йўқ.

¹²⁵ Сафаров Д.И. Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари: Юр. фан. номз..... дисс. – Т., 2011. –Б.43-44.

¹²⁶ Ўша жойда. –Б.45.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қайд этилишича, “кодификация (лот. “codex” – “қонунлар тўплами” ва “factio” – “қиламан”) – қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шакли бўлиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан янги, мажмуа шаклидаги, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратиш”¹²⁷ дир.

Француз олими Р.Кабрияк “кодекс” ва “кодификация” тушунчаларини ажратган ҳолда, кодификацияга “ҳуқуқий нормаларга яхлит бутунлик шаклини бериш бўйича фаолиятдир”, кодексга эса, “яхлит бутунга айлантирилган тарқоқ ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи”, дея таъриф беради¹²⁸.

Беларусь Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунида кодификация ва кодекс тушунчаларининг расмий таърифи баён этилган. Унга биноан, “кодекс (кодификациявий норматив-ҳуқуқий ҳужжат) – муайян соҳадаги ижтимоий муносабатларни тўлиқ ва тизимли тартибга солишни таъминловчи қонун” (2-м.), “кодекслар бошқа қонун ҳужжатларига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади” (10-м.)¹²⁹.

Янгизеландиялик олим Р.Д.Малхоллэнд “кодификацияни” ҳуқуқ нормаларини ўзаро узвий боғланган, кетма-кетликдаги, тизимлаштирилган ёзма шаклдаги баён қилиниши сифатида кўради¹³⁰.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, “кодификация” – муайян ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг ўзаро боғланган, кетма-кетликдаги, тизимлаштирилган, ёзма шаклда баён этиш билан боғлиқ, яхлит кодификацион ҳужжат (қонун, кодекс ва ҳ.к.) қабул қилиниши билан

¹²⁷ Ўзбекистон юридик энциклопедияси /Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. –Б.246.

¹²⁸ Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б.24.

¹²⁹ Каменков В.С. Нужен ли Хозяйственный кодекс Республики Беларусь? //Вестник Хозяйственного Суда. – Минск, 2009. – №20. –Б.13-14.

¹³⁰ Mulholland R.D. Introduction to New Zealand legal system. – Wellington, 1985. –Р.98.

аввалги тарқоқ, эски ҳужжатлар ўз таъсир кучини йўқотадиган иш жараёнидир.

А.М.Маковский кодификация тушунчасининг учта мазмунини кўрсатади:

- 1) ҳуқуқ кодификацияси бўйича иш жараёни;
- 2) ушбу ишлар натижаси, яъни “кодекс” сўзининг синоними;
- 3) кодекс яратиш билан тугатилган қонун лойиҳасини ишлаш аҳамиятли босқичининг умумий тавсифи¹³¹.

Кодификация қонунчиликдаги бўшлиқ, эскилик ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиб, нормани танлаш ва шакллантиришни ҳамда норматив ҳужжатлардан фойдаланишни осонлаштиради. Кодификация жараёнида амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар сифатли қайта ишланади, зарур ҳолларда эса, ҳуқуқнинг янги нормалари шакллантирилади. Кодификация натижаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, унга конституция, қонунчилик асослари, кодекслар, уставлар, йўриқномалар, қонунлар, ижтимоий муносабатларнинг бирор-бир соҳасини қатъий муайян тизим бўйича бирлаштирувчи ҳуқуқ нормалари киради. Унда маълум ҳуқуқ соҳасининг турли ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи турли ҳуқуқий нормалар ва институтлар мужассамлашган.

Кодификациянинг мақсади бир турдаги ижтимоий муносабатлар комплекс тарзда ҳуқуқий тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратишдир. Кодификацион ҳужжатлар нисбатан катта ҳажми, юқори юридик яхлитлиги ва ички уйғунлиги, барқарорлиги, турғунлиги, тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги ва лойиҳанинг пухта тайёрлангани билан тавсифланади.

Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, “кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил

¹³¹ Маковский А.Л. Кодификация гражданского права (1922–2006). – М., 2010. [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.consultant.ru> / свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади”¹³². Ш.Рўзиназаровнинг фикрича, “...қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда тизимлаштириш нуқтаи назаридан кодекслаштириш ёки ўхшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларни унификация қилиш асосий йўналиш бўлмоғи шарт”¹³³.

Ў.Х.Мухамедов эса, кодификацияга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бевосита мазмунига ишлов бериш, яъни эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилиниб, юридик нормалар қайта ишланиб, бир системага солинган ва бунинг натижасида тўпلام ҳолидаги юридик ва мантиқий яхлит ҳужжат нашр этилиши жараёнидир¹³⁴, деб таъриф берган.

Аммо кодификация тизимлаштиришнинг шакли эканлигига нисбатан қарши фикрлар мавжуд бўлиб, илмий мунозаранинг предмети тизимлаштириш ҳужжатининг умумэътироф этилган сифатларидан бири бўлмиш – асосий тизимлаштирилаётган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни билан зиддиятларнинг бўлмаслиги ҳисобланади¹³⁵.

Анъанавий нуқтаи назарга кўра, тизимлаштириш объектини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади. Уларга нисбатан тизимлаштириш ҳужжатлари фақатгина қонунчиликни тартиблаштириш, “тафтиш” қилишни таъминлаган ҳолда (инкорпорация, консолидация, ҳисобга олиш) иккинчи даражали хусусиятга эга. Кодификацияда эса, ўзга ҳолат кузатилади. Унинг якуний натижаси бўлиб, кодификация қилинаётган норматив материалга нисбатан ҳар доим новация элементига эга бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу аснода, бир қатор тадқиқотчилар кодификацияни ҳуқуқни тизимлаштириш эмас, балки ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг кўриниши деб ҳисоблайдилар (С.С.Алексеев, В.К.Бабаев, А.С.Пиголкин ва бошқ.).

¹³² Одиқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. –Б.268.

¹³³ Рўзиназаров Ш. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари. – Т., 2007. –Б.82.

¹³⁴ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш: Монография. – Т.: Фан, 2009. –Б.113.

¹³⁵ Кодан С.В. Акты систематизации законодательства: юридическая природа и место в системе источников российского права //Научный ежегодник Института философии и права Уральского отд-ния РАН. 2008. – Екатеринбург, 2008. – Вып. 8. –Б.338.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни тизимлаштириш амалиёти юридик амалиётнинг иккита алоҳида турлари сифатида кўрилади. Биринчи тур жамиятни жадал ривожлантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳисобланиб, “ҳуқуқ тизимига мамлакатларда рўй бераётган жараёнларга юридик таъсир кўрсатишнинг сифатли янги восита, шакл ва методларини киритишни” назарда тутди. Ушбу фаолият орқали амалдаги қонунчилик қайта кўриб чиқилади ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш механизми, ўзини ўзи тартибга солиш чегаралари, ҳаётнинг хусусий ва оммавий соҳасига ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари (йўл кўювчи, ман этувчи ва ҳ.к.) ўзгаради. Ҳуқуқий тизимлаштириш амалиёти эса, турли норматив ва норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатларни йиғиш, тартиблаштириш ва тизимга келтириш бўйича фаолиятни акс эттиради. Мазкур фаолият кўп жиҳатдан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг сифати ва самарадорлигини белгилаб беради.

С.С.Алексеевнинг фикрича, кодификация – инкорпорация билан бир қаторда фақатгина тизимлаштириш шакли эмас, балки ривожланган ҳуқуқ тизимлари учун мукамалроқ ва аслроқ ҳуқуқ ижодкорлиги шакли, “кодификацион ҳуқуқ ижодкорлигидир”¹³⁶. В.К.Бабаев кодификацияни тизимлаштириш чегараларига сиғмайдиган, қонунчиликни такомиллаштиришнинг мустақил ва асосий шакли сифатида белгилайди¹³⁷. А.С.Пиголкин эса, кодификацияни “ҳуқуқ ижодкорлиги шакли” дея номлайди¹³⁸.

Ў.Х.Мухамедовнинг таъкидлашича, “...кодекслаштириш расман, яъни ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва бу фаолият натижасида мутлақ янги қонун ҳужжати юзага келади. Шундан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни қайта ишланади, эскирган нормалар бекор қилиниб ўрнига турдош ижтимоий муносабатларни тартибга

¹³⁶ Алексеев С. С. Общая теория права. Т.1. – М.: Юрид. лит., 1981. –Б.319-320.

¹³⁷ Бабаев В. К. Кодификация и систематизация нормативных правовых актов //Общая теория права: Курс лекций. – Нижний Новгород, 1993. –Б.331-332.

¹³⁸ Пиголкин А.С. Понятие и формы систематизации законодательства //Систематизация законодательства в Российской Федерации. – СПб., 2003. –Б.384.

солувчи янгилари яратилади. Одатда баъзи тармоқлар ва ҳуқуқ институтларини сезиларли янгилашга эҳтиёж туғилганда кодекслаштириш амалга оширилади.

Кодекслаштиришни ҳуқуқ ижодкорлигининг алоҳида, ўзига хос шакли сифатида эътироф этилишига бу фаолият ёки унинг натижаси бўлган кодекс (ёки кодекслашган ҳужжат)нинг ўзига хос хусусиятлари сабаб бўлади”¹³⁹.

В.Н.Карташов ва С.А.Викторовалар кодификацияни расмий юридик тизимлаштириш ва ҳуқуқ ижодкорлигининг сифат кўрсаткичлари хос бўлган, юридик амалиётнинг аралаш шакли сифатида кўришни тавсия этадилар. Кодификациянинг “иккитарафлама табиати”ни ҳисобга олган ҳолда, улар кодификацияни “натижаси принципиал ва асосий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ягона, фундаментал, ички ва ташқи ўзаро мувофиқ, терма норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўлган норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларни чиқариш, мавжуд қонунчиликни тубдан қайта ишлаш ва тартибга солишга йўналтирилган юридик амалиётнинг бир кўриниши (ҳуқуқни тизимлаштирувчи ҳуқуқ ижодкорлиги)” сифатида белгилайдилар¹⁴⁰.

Бизнингча, В.Н.Карташов ва С.А.Виктороваларнинг фикрлари объективлиги билан ажралиб туради, чунки ушбу ёндашув кодификация жараёнининг асосий белгиларини акс эттиради. Демак, кодификация қонунчиликни тизимлаштиришнинг бошқа шаклларида фарқли равишда ҳам қонунчиликни тизимлаштириш бўйича фаолият, ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсулидир.

Россиялик тадқиқотчи М.Р.Кантакузен халқаро ҳуқуқнинг биринчи норасмий кодификацияларини таҳлил қилиш асосида ҳар қандай кодекс жавоб бериши лозим бўлган учта асосий шартни кўрсатган. Биринчи шарт сифатида, ҳуқуқнинг ягона манбаи бўлишга мўлжалланган ва вужудга

¹³⁹ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш: Монография. – Т.: Фан, 2009. –Б.113.

¹⁴⁰ Карташов В.Н., Викторова С.А. Кодификационные акты как внешняя форма и результат правотворческой и правосистематизирующей практики //Юридические записки Ярославского государственного университета им. П. Г. Демидова. – Ярославль, 2000. – Вып. 4. –Б.62, 69-70.

келиши мумкин бўлган барча ҳолатларни тартибга солиши лозим бўлган кодекснинг тўлиқлигини кўрсатган. Олимнинг фикрича, ушбу шартнинг амалга оширилиши илмий материалнинг камчилигига жиддий тўсқинлик қилади. Иккинчи шартга, у Савиньи ёзганидек, “юридик тушунча ва қоидаларнинг ички алоқаси ва яқинлигини англамоқ” маъносида, кодекснинг асосий тамойилларини тўғри белгилашни киритади. Учинчи шарт, маълум катъий белгиланган тизим, шакл, умумъэтироф этилган терминологияни белгилашга йўналтирилганлигидир¹⁴¹.

Р.Хақимовнинг фикрича, қонунчилик кодификацияси – аввалги ҳужжатларнинг ўзини оқлаган нормаларини ҳамда янги қоидаларни ўз ичига камраб олган янги ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишдир. Қонунчилик кодификацияси муайян муносабатлар доирасини тартибга солишда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзак қайта ишлаш шакли, қонунчиликни сифатли тартибга солиш, унинг мувофиқлаштирилганлиги ва ихчамлигини таъминлаш, шу билан бир қаторда, норматив массивни “тозалаш”, эскирган, ўзини оқламаган нормалардан холи бўлиш усулидир... Кодификация амалдаги нормаларни танқидий қайта англашга, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф қилиш, нормаларнинг такрорланишига, эскирган қоидаларга, бўшлиқларга барҳам беришга йўналтирилган. Кодификация ҳуқуқ ижодкорлиги шакли сифатида, амалдаги тартибга солишнинг умумлашмаси бўлган ҳолда, шу вақтнинг ўзида, ижтимоий амалиётнинг етилиб келган талабларини ўзида акс эттирадиган янги нормаларни белгилашга йўналтирилган¹⁴².

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, кодификация – ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули тариқасида рўй бераётган жараёнларга юридик таъсир кўрсатишнинг сифатли янги восита, шакл ва методларини киритар ва ҳуқуқий

¹⁴¹ Кантакузен М.Р. Вопрос о кодификации международного права: Проб. лекция. – Одесса, 1876. –Б.4-7.

¹⁴² Хақимов Р. Теоретические и практические вопросы систематизации законодательства Республики Узбекистан /Вопросы систематизации законодательства и ведения его систематизированного учета с применением электронных баз данных: Материалы семинара, 1–2 июня 2010 года /Министерство юстиции Республики Узбекистан, Германский Фонд международного правового сотрудничества (IRZ) /Под общ. редакцией Е.Каньязова: – Ташкент: Адолат, 2011. –Б.67-68.

тизимлаш амалиёти сифатида эса, тарқоқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни йиғиш, тартиблаш ва тизимга келтириш бўйича фаолиятни акс эттирар экан, ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини кодификациялаш масаласини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацион ҳужжатининг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий ва процессуал муносабатларнинг барчасини тўлиқ қамраб олиш (умумий тушунчалар, фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа масалаларни); 2) асосий тамойилларнинг умумийлиги; 3) шаклнинг яхлитлиги; 4) тушунчавий-категориал аппаратнинг умумийлиги. Фикримизча, ушбу белгилар ҳар қандай кодификациянинг асосий тамойилларини қамраб олади.

2.2-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациялари таснифи

Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясини турларга ажратишдан аввал кодификация жараёнини босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, халқаро хусусий ҳуқуқ миллий кодификациялари жараёни тарихида тўртта босқични ажратиш мумкин:

1. XIX асрнинг 90 – XX асрнинг 60-йиллари. Биринчи босқичда: халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги алоҳида қонунлар (Швейцария (1891), Япония (1898), Польша (1926)); фуқаролик кодекслари ёки фуқаролик ҳуқуқи кодификацион ҳужжатиға кириш қонунларига киритилган коллизиялар тартибга солиш тўғрисидаги махсус бўлимлар (Германия (1896), Италия (1942), Миср (1948)); турли махсус қонунларга киритилган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги тарқоқ нормалар (устун тенденциялардан бири) (Финляндия (1922)) қабул қилинди. АҚШдаги Америка ҳуқуқ институти томонидан биринчи “Қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар тўплами” (1934) шаклидаги суд прецедентларининг хусусий кодификацияси амалга

оширилди. 1928 йил Эронда ва 1942 йил Бразилияда биринчи марта кодификация жараёнида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси нормалари бирлаштирилди (1928–1936 йиллардаги Эрон ФКга Кириш қоидалари, 1942 йилги ФКга Кириш қонуни)¹⁴³.

2. 1960-йилнинг бошлари – 1978 йиллар. Иккинчи босқич Чехословакияда халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисидаги биринчи махсус комплекс қонуннинг (1963) қабул қилиниши ҳамда автоном (Польша (1965), ГДР (1975)) ва соҳалараро (Польша ФПКнинг (1964), Португалия (1966) ва Испания ФКнинг (1974) бўлимлари) кодификацияларнинг ривожланиши билан тавсифланади. Айрим давлатларда халқаро фуқаролик процессининг айрим жиҳатлари тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (Ливан (1967)). АҚШда Бирхиллаштирилган савдо кодекси (1962) ва иккинчи “Қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар тўплами” (1971) қабул қилинди¹⁴⁴. Кодификация жараёнига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги асослари (1961), ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик суд юритуви асослари (1961), ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилиги асосларига (1968) халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини киритган ҳолда СССР ҳам қўшилди¹⁴⁵. Иккинчи босқич энг узвий алоқа принципини халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий негизи сифатида мустақамлаган Австрия халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг (1978) қабул қилиниши билан яқунланади¹⁴⁶.

3. 1979–1998 йиллар. Учинчи босқичда қонун чиқарувчининг 8 та мамлакат (Венгрия (1979), Югославия (1982), Туркия (1982), Швейцария

¹⁴³ Лунц Л.А. Международное частное право. – М.: Юрид. лит., 1970. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. Макаров А.Н. Основные начала международного частного права. – М.: Юридическое изд-во Наркомюста РСФСР, 1924. Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000.

¹⁴⁴ Лунц Л.А. Международное частное право. – М.: Юрид. лит., 1970. Гл.-II, §3.

¹⁴⁵ Ўша жойда. Гл.-II, §2

¹⁴⁶ Лунц Л.А. Международное частное право. – М.: Юрид. лит., 1970. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000.

(1987), Руминия (1992), Италия (1995), Венесуэла (1998), Грузия (1998))да амалга оширилган комплекс автоном кодификацияга нисбатан қизиқиши ортди. Швейцариянинг 1987 йилги халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни шу кунга қадар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг батафсил кодификацион ҳужжати ҳисобланади (201 та модда). Бир қатор ислом давлатлари кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларини тартибга солувчи алоҳида бўлимлар қабул қилинди (БАА (1985), Буркина-Фасо (1989), Яман (1992)). 1986 йилда Германия Фуқаролик тузукларига Кириш қонунига аҳамиятли ўзгаришлар киритилди. 1992 йилда Австралияда халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларининг бутун мажмуасига бағишланган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кодификация жараёнида фуқаролик кодексларида тегишли бўлимларни қабул қилган ҳолда, Квебек ва Луизиана (1991) ҳамда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун (турли қоидалар)”ни қабул қилган ҳолда, Буюк Британия ҳам иштирок этди. 1970 йилнинг боши 1980 йилларда СССРда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги айрим ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги асосларига коллизия тартибга солиш тўғрисида бўлим киритилди (1991), Россия Федерациясида халқаро оилавий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги VII бўлимни ўз ичига олган Оила кодекси қабул қилинди (1995) [2.57; Гл.-II], Ўзбекистон Республикасининг тегишли бўлимлардан иборат Фуқаролик кодекси (1996), Оила кодекси (1998), Фуқаролик процессуал кодекси (1997) қабул қилинди¹⁴⁷.

4. 1998/1999 йиллар – ҳозирги давр. Тўртинчи босқич халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси миллий ҳужжатлари мақомининг ошиши билан тавсифланади. Бу ҳолат ушбу ҳужжатларни “кодекс” деб номлаш тенденциясида акс этади (Тунис (1998), Бельгия (2004), Туркия (2007)). Туниснинг 1998 йилда қабул қилинган ва 1999 йил кучга кирган Халқаро

¹⁴⁷ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000.

хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодекси Европа қонунларидан қолишмайдиган, мусулмон давлатларида амалга оширилган кодификация ҳужжатларининг энг мукамалларидан биридир. ХХІ аснинг бошларидан халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси жараёнига 15 та (айтиб ўтилганларидан ташқари) мамлакат тортилди: Озарбайжон, Литва, Эстония, Жанубий Корея, Россия, Мўғулистон, Украина, Япония, Македония, Хитой, Тайвань, Польша, Нидерландия, Чехия, Пуэрто-Рико. 15 та мамлакатдан 11 тасида қабул қилинган янги кодификацион ҳужжатлар ўзида халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном қонунларни акс эттиради (Озарбайжон, Жанубий Корея, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия, Хитой, Польша, Тайвань). Шу билан бирга, улардан 6 таси комплекс автоном кодификация натижасидир, яъни ўз ичига халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалаларини қамраб олади (Жанубий Корея, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия). Соҳалараро кодификацион ҳужжатлар Литва (2001–2003), Мўғулистон (2002), Россия (1999–2003) ва Нидерландияда (2002–2012) амалга оширилди¹⁴⁸.

Миллий халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий кодификацион жараёнининг жадаллиги тўртинчи босқичда юқорироқдир ҳамда ушбу босқичда қонун чиқарувчи соҳалараро кодификациядан воз кечди. Бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий тизим ва қонунчиликнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиққанини тасдиқлайди.

ХХІ аср халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси жараёнида кодификациянинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

- “қадам-бақадам” (step-by-step codification) кодификация – ягона ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида нормаларининг шаклланиши ва алоҳида институтларининг қисман кодификацияси тизимли тусдаги терма ҳужжатнинг қабул қилиниши билан яқунланишини кўзда

¹⁴⁸ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. Шу қаторда, мазкур кодификацион ҳужжатларнинг манбалари диссертация фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатининг I қисмида акс эттирилган.

тутувчи кодификация туридир. Тўлиқ даражада “қадам-бақадам” кодификация ҳозирча фақат голланд ҳуқуқ тизимида амалга оширилган (1981–2011 йилларда жисмоний шахсининг исми, никоҳ, мулк ҳуқуқи ва бошқаларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ, халқаро ҳужжатларнинг имплементацияси тўғрисида 20 дан ортиқ алоҳида қонунлар қабул қилинган ҳамда Фуқаролик кодексининг 10-китоби амалга киритилган)¹⁴⁹.

- жипслаштирувчи кодификация – халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ва масалаларига бағишланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни дастлабки ҳуқуқий материалга муайян янгиликни киритиш йўли билан ягона мувофиқлаштирилган ҳужжат шаклига келтиришни кўзда тутувчи кодификация туридир. Қоида тариқасида, “жипслаштирувчи” кодификация “қадам-бақадам” кодификациянинг иккинчи босқичида амалга оширилади. Масалан, Нидерландия Фуқаролик кодексининг 10-китоби 16 та қонуннинг ўрнини босди: 14 таси халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари тўғрисида ва 2 таси Европа директиваларининг имплементацияси тўғрисидаги қонунлар¹⁵⁰.

- бланкет кодификация – асосида унга тўғридан-тўғри ҳавола қилиш йўли билан муайян трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқаро бирхиллаштирилган ҳужжатнинг афзаллиги ётади. Бланкет кодификациянинг ўзига хос усули бўлиб, келажакдаги норма учун захирага олинган қонун моддасини (бўлимини) сақлаш ҳисобланади, ушбу норма муайян халқаро шартнома ратификация қилингандан сўнг мазкур шартномага ҳаволадан иборат бўлади (Нидерландия)¹⁵¹.

Миллий кодификацияларнинг тўртинчи босқичида, халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётининг аҳамиятли тажрибаси йиғилган ва бирхиллаштирилганлиги сабабли, энг самарали усул сифатида

¹⁴⁹ K.Boele-Woelki and D.van Iterson. The Dutch Private International Law Codification: Principles, Objectives and Opportunities. – Vol. 14.3. <http://www.ejcl.org>

¹⁵⁰ Ўша жойда.

¹⁵¹ Ўша жойда.

жипслаштирувчи ва бланкет кодификацияни тан олиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли сўнгги усул ҳозирги кунда кенг тус олмақда.

Халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий кодификацияларини турларга ажратишда қуйидаги мезонлар асос бўлади:

- а) натижасининг юридик кучи;
- б) кодификация ҳужжатининг субъектив таркиби ва қўлланиш доираси;
- в) қайта ўзгартириш элементи;
- г) нормаларни қайд қилиш шакли.

Ҳуқуқий ҳужжатнинг **юридик кучи нуктаи назаридан** кодификациялар расмий ва норасмий (хусусий) турларга бўлинади. Кодификацияларнинг асосий фарқли жиҳатлари С.В.Коданнинг ишида ёритилган¹⁵². Расмий кодификация деганда, шу мақсадда тузилган (ёки давлат номидан ваколатга эга бўлган) давлат органларининг (ташкilotларнинг) расмий хусусиятга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаларига тенглаштириладиган) ва юридик аҳамиятга (ҳуқуқни яратиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида унга ҳавола бўлиши лозим) эга бўлган кодификацион ҳужжатни қабул қилиш фаолияти натижасини тушуниш лозим.

Норасмий кодификация эса, шахсий ва корпоратив (идоравий) манфаатларни таъминловчи, норматив аҳамиятга эга бўлмаган, ҳуқуқни яратиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллашишига кўмак берувчи турли тартибга солинган қонунчилик тўпламларини тузишга йўналтирилган, бунга махсус ваколоти бўлмаган шахсларнинг (юристарнинг – олимлар ва амалиётчиларнинг, турли хил ташкilotларнинг – давлат, илмий тадқиқот, маориф, нашриёт, ахборот) фаолиятидир.

¹⁵² Кодан С.В. Акты систематизации законодательства: юридическая природа и место в системе источников российского права //Научный ежегодник Института философии и права Уральского отд-ния РАН. 2008. – Екатеринбург, 2008. – Вып. 8. –Б.387.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг расмий кодификацияси натижасида 2000 йилдан бошлаб ҳуқуқнинг континентал ва аралаш тизимига оид 15 дан ортиқ давлатда кодификацион ҳужжатлар қабул қилинди.

Норасмий кодификация, одатда, расмий кодификациядан олдин вужудга келади ҳамда унинг амалга оширилишига замин яратади. Норасмий кодификациянинг асосий кўриниши доктринал (илмий) кодификация бўлиб, у олимлар ва илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилади¹⁵³. Кейинги кўриниши чет мамлакатларда кенг тарқалган хусусий нашриётлар норасмий кодификациялари бўлиб, улар натижасида ҳуқуқнинг тегишли соҳасига оид халқаро, қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари, муҳим суд қарорлари ва доктринал ишларнинг кўчирмалари туркумланади¹⁵⁴.

Замонавий доктрина кодификация жараёнининг келажакдаги ривожини норасмий кодификациянинг янги кўриниши – киберкодификация (электрон кодификация), яъни “қонунчилик ҳужжатлари матнларининг долзарб таҳрирдаги электрон мажмуалари” билан боғлайди.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимига оид аксарият давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги расмий кодификацион ҳужжатлар мавжуд эмас, шу туфайли, чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабаларни тартибга солишда айнан хусусий кодификациялар муҳим ўрин эгаллайди. “Дайси ва Морриснинг коллизия ҳуқуқ тўғрисида”ги Буюк Британиянинг ҳуқуқ коллизиялари доирасидаги кодификацияланган прецедентлардан иборат иши шуҳрат қозонган¹⁵⁵. 1934 йилги Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунларнинг биринчи тўплами (*Restatement of the Law of Conflict of Laws*) ва 1971 йилги қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунларнинг иккинчи тўплами ҳам ҳаммага маълум¹⁵⁶. Иккинчи тўплам 30 та жилддан иборат бўлиб, унда

¹⁵³ Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник для студентов юридических факультетов и вузов. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2001. –Б.102.

¹⁵⁴ Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б.398.

¹⁵⁵ Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.67.

¹⁵⁶ Галенская Л.Н. Международное частное право. – Л., 1983. –Б.14. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. Т.1. – М., 2002. –Б.142. Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право: Учебник для юрид. ин-тов и фак., изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Госюриздат, 1959. –Б.25. Кох Х., Мангус У., Винклер фор

суд прецедентлари тизимлаштирилган ва қонунлар (параграфлар) шаклида ифодаланган.

Доктринада халқаро иш муомаласи одатларининг кодификацияси каби расмий кодификация тури ҳам мавжуд бўлиб, халқаро тижорат муомаласини тартибга солишга нисбатан қўлланувчи халқаро кодификацион ҳужжатлар халқаро савдо (ёки бошқа соҳага оид) ассоциациялари томонидан бирон-бир муайян миллий қонунчилик чегараларидан ташқарида тайёрланган унификациялаштирилган нормалар тўпламларини ўзида акс эттиради. Уларга “номиллий” хусусият хосдир. Доктринада улар трансмиллий кодификациялар номини олган¹⁵⁷.

Одатлардан ташқари, юқорида кўрсатилган тўпламлар халқаро конвенциялар, миллий қонунчилик, суд ва арбитражлар амалиётининг энг муваффақиятли қоидаларини ўз ичига олади. Норасмий кодификация йўли билан тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар (“халқаро муносабатларнинг янги ҳуқуқий субстанцияси” мақомига эга бўлган) ҳуқуқнинг мустақил манбаи бўлмайди. Аммо уларда белгиланган қоидалар (халқаро иш муомаласи одатлари) халқаро шартнома тарафларининг хоҳиш-иродаси бўлган ёки улар давлатнинг ўзи томонидан тан олинган тақдирда, мажбурий юридик кучга эга бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон босқичида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги кодификация жараёнининг ривожланиши халқаро хусусий ҳуқуқнинг хусусий кодификацияларига дахл қилмаслиги мумкин эмас эди. 2004 йилги Йорк-Антверпеннинг умумий авария тўғрисидаги қоидаларининг янги таҳрири, ИНКОТЕРМС 2010, 2010 йилда Хусусий ҳуқуқнинг унификацияси халқаро институти томонидан қабул қилинган УНИДРУА принципларининг учинчи таҳрири трансмиллий хусусий ҳуқуқий муносабатлар тартибга

Моренфельс. Международное частное право и сравнительное правоведение /Пер. с нем. Ю. М. Юмашева. – М., 2001. –Б.361.

¹⁵⁷ Мосс Д.К. Автономия воли в практике международного коммерческого арбитража /Под ред. А. А. Рубанова. – М.,1996. –Б.47.

солинишининг нодавлат доирасининг ислоҳ қилиниши тўғрисида далолат беради.

Кодификацияни амалга оширишда **субъектив таркиб ҳамда жамланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилишининг территориал доирасига кўра**, кодификациялар – бир неча ҳуқуқ-тартиботни қамраб олувчи **халқаро** ва муайян давлат ҳудудида амалга оширилувчи **миллий** кодификацияларга бўлинади. Ҳозирги кунда фақатгина битта тўлиқ миқёсли халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро кодификацион ҳужжати мавжуд бўлиб, 1928 йил 20 февралда Гаванада бўлиб ўтган Америка давлатларининг VI Халқаро конференциясида бошқа бир қатор халқаро шартномалар билан бирга, Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги конвенция қабул қилинди ва унга Бустаманте деб номланувчи кодекс илова қилинди. Ушбу Кодекс, уни тузган кубалик юрист, сиёсатчи ва дипломат Антонио Санчес де Бустаманте-и-Сирвена (1865–1951) номи билан аталади ва иштирокчилар сонининг кенглиги билан ажралиб туради. Бустаманте кодекси Боливия, Бразилия, Венесуэлла, Гватемала, Гондурас, Гаити, Доминикан Республикаси, Коста-Рика, Куба, Никарагуа, Перу, Панама, Сальвадор, Чили, Эквадор каби Лотин Америкасининг 15 та давлатида амал қилади. Конвенция Мексика, Парагвай, Уругвай каби давлатлар томонидан ҳам имзоланган, лекин ратификация қилинмаган. Кодекс кириш қисми ва 4 та китобдан иборат¹⁵⁸.

Халқаро ҳужжатларни қўллаш муаммоси уларни халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички давлат манбалари қаторига киритиш тартибини, яъни улар воситасида чет эл элементи мавжуд бўлган хусусий ҳуқуқий муносабатларни муайян давлатда тартибга солиш мумкин бўладиган шартларни белгилаш билан боғлиқ.

Расмий унификациялаштирилган ҳужжатларни алоҳида давлатларнинг ҳудудида қўллаш учун, одатда, тегишли ички давлат ҳужжатини чиқариш йўли билан уларнинг мажбуриятини тан олиш талаб этилади. Ушбу шарт

¹⁵⁸ Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. –Б. 746-748, 753.

асосан конституцияларнинг ҳамда ички қонунларнинг махсус қоидаларида назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилиниши белгиланган. Парламент томонидан ратификация қилиниши тўғрисидаги қоида Болгария (ч. 4 ст. 5), Озарбайжон (ч. 1 (22) ст. 94), Эстония (ст. 65, 121), Литва (1.63; ст. 67), Мўғулистон (ст. 10, 25 (1)), Македония (ст. 68, 98), Туркия (ст. 87, 90) Конституцияларида ҳам мавжуд бўлиб, Бельгия конституциясида (ст. 167(2))¹⁵⁹ – уларнинг мажбуриятига парламентнинг розилиги зарурати тўғрисидаги, Россия ва Украина қонунчилигида халқаро шартномага нисбатан мажбуриятига давлатнинг расмий розилиги зарурати тўғрисидаги (ст. 6), (ст. 8)¹⁶⁰ қоидалар белгиланган.

Европа унификациясининг халқаро хусусий ҳуқуқнинг моддий ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий масалаларига бағишланган муҳим ҳужжатларига *ЕИ Кенгашининг* 2000 йилги 44/2001 Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд ваколоти, қарорларни тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги *Регламентини* (“Брюссель I”), *ЕИ Кенгашининг* 2003 йилги 2201/2003 Оилавий ишлар ҳамда ота-оналик жавобгарлиги бўйича юрисдикция, суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш ҳамда ЕИ 1347/2000 Регламентини бекор қилиш тўғрисидаги *Регламентини* (“Брюссель II bis”), “Рим II” Регламентини, “Рим I” Регламентини, *ЕИ Кенгашининг* 2010 йилги 1259/2010 Никоҳни бекор қилиш ва эр-хотиннинг никоҳни бекор қилмай алоҳида яшашига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ доирасида фаол ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги *Регламентини* (“Рим III”)¹⁶¹ киритиш мумкин бўлиб, мазкур регламентларнинг ратификация ёки бошқа усулда миллий қонунчиликка трансформация қилиниши талаб этилмайди. Регламент аъзо давлатлар учун тўғридан-тўғри амалда бўладиган ҳужжат ҳисобланади.

¹⁵⁹ Режим доступа: <http://www.worldconstitutions.ru/>. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

¹⁶⁰ Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

¹⁶¹ Official Journal of the European Union [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://eur-lex.europa.eu/>. свободный. – Загл. с экрана.

Ҳуқуқий нормалар мазмунини тизимлаштириш жараёнида ўзгаришнинг турли даражасида акс этувчи **қайта тузиш элементи**га кўра, реформа кодификация (реал кодификация) ва компилятив кодификация (формал кодификация)ларга бўлинади.

Реформа кодификация – кодификация жараёнида йиғилган ҳуқуқий нормаларга аҳамиятли ўзгартишлар киритиладиган кодификациядир. Кодификация қилинаётган ҳуқуқий норма кодекс моддасига интеграция қилган ҳолда, унинг дастлабки манбасидан қатъи назар, яъни агар бунга қадар ноноратив табиатга эга бўлган бўлса-да, қонун кучига эга бўлади, (масалан, суд амалиётида туриб қолган қоида). Ундан олдинги ҳуқуқнинг мазмунини тубдан ўзгартирувчи кодификация реформа “кодификация-модификация” номини олди¹⁶².

Компилятив кодификация – амалдаги ҳуқуқий нормаларнинг оддий йиғилиши, нормаларнинг ҳуқуқий табиатига муҳим ўзгартириш киритмаган ҳолда, уларни кодекс шаклига бирлаштириш ҳисобланади. Замонавий доктрина кодификациянинг мазкур турида қайта тузиш элементи реформа кодификацияга қараганда енгилроқ бўлса-да, мавжудлигини таъкидлайди: “Компилятор кодификациячилар ҳеч қандай иккиланишсиз ёки кодификация қилинаётган ҳуқуқ нормаларига ўзгартириш киритиш ёхуд улардан айримларини бекор қилиш, ёинки ҳатто янги нормаларни киритишга мурожаат қиладилар”¹⁶³.

Компилятив кодификациянинг реформа кодификациядан афзаллиги шундаки, у кам вақт талаб қилади. Реформа кодификациянинг афзаллиги эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг борлиқнинг янги шароитларига энг юқори мослашувида, суд амалиётида ишлаб чиқилган нормаларни қонуний мустаҳкамлаш имкониятида акс этади.

Хориж доктринасининг кодификациялар таснифида “рекодификация” ибораси қўлланилади. Унинг мазмуни бир кодификацияни бошқаси билан

¹⁶² Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б. 147, 289, 398.

¹⁶³ Ўша жойда. –Б.298.

алмаштириш, яъни қайта кодификацияни англатади. Бу ерда сўз алоҳида ҳуқуқий нормаларни бир кодексга йиғиш ҳақида, яъни кодификация ҳақида бормайди. Р.Кабриякнинг сўзига кўра, XX аср рекодификация асри, “эскираётган кодексларни тубдан қайта кўриб чиқиш” асри бўлди¹⁶⁴.

Рекодификация (инг. “recodification”) ҳуқуқий ҳужжатларни компилятив кодификация ва ислоҳ қилиш орқали қайта кўриш билан бир каторда (инг. “revision”), хусусий ҳуқуқ доирасида замонавий қонунчилик жараёни воситаларидан бири сифатида кўрилади. Рекодификациянинг мақсади бўлиб, ҳозирги замон принциплари нуқтаи назаридан тўғри бўлган хусусий ҳуқуқ “реставрация”си ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни мунтазам қайта кўриб чиқиш ҳолати кенг тус олган (рекодификация) бўлиб, аввал халқаро хусусий ҳуқуқ рекодификацияси пассивроқ кечган: 1986 йилда Германия халқаро хусусий ҳуқуқи ислоҳоти амалга оширилган, XX асрнинг 80–90-йилларида Испания, Португалия, Греция, Мексика, Япония ва Эрон қонунларига, 1998 йилда Австрия қонунига айрим ўзгартишлар киритилган. Замонавий босқичда эса, рекодификация деярли узлуксиз хусусиятга эга бўлиб бормоқда. 1999–2000 йилларда Испания қонунларига, 2000 йилда Германия Фуқаролик тузукларига Кириш қонунига, 2006 йилда Япониянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунига муҳим ўзгартишлар киритилди. Болгариянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги 2005 йилги қонуни уч маротаба, яъни 2007, 2009 ва 2010 йилларда ўзгартирилган; Украинанинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги 2005 йилги қонуни ва Македониянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги 2007 йилги қонуни 2010 йилда ўзгартирилган; Литва Фуқаролик кодекси биринчи китобининг II бўлимига (2001 й.) 2009 йилда, Литва Фуқаролик процессуал кодексининг VII қисмига (2002 й.) 2008 ва 2011 йилларда, Венгриянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ

¹⁶⁴ Ўша жойда. –Б.298.

тўғрисидаги 1979 йилги фармониغا – 2000, 2001, 2002, 2004, 2009 ва 2010 йилларда ўзгартишлар киритилди¹⁶⁵.

Кодификация ҳақида икки ҳолатда гапириш мумкин: биринчи ҳолат турли норматив ҳужжатларга бўлинган халқаро хусусий ҳуқуқ ҳужжатларининг бирламчи кодификацияси билан боғлиқ. Бу Болгария, Бельгия, Голландия ҳуқуқига хос; иккинчи ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида йиғма соҳалараро ва бошқа кодификация қилинмаган ҳуқуқий нормаларнинг бирламчи автоном кодификациясида, масалан, Украина, Эстония, Озарбайжон ва Хитой кодификацион ҳужжатларида акс этади.

Замонавий миллий кодификациялар аввал амалда бўлган халқаро хусусий ҳуқуққа доир миллий қонунчиликка сезиларли ўзгартиш киритганлиги сабабли уларнинг барчаси реформа кодификация ҳисобланади.

Кодификацион ҳуқуқий **нормаларни қайд қилиш шаклига кўра**, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясининг қуйидаги асосий усуллари мавжуддир:

- коллизия нормалар ҳамда халқаро фуқаролик процесси нормаларини ўз ичига олувчи чет эл ҳуқуқини қўллашнинг умумий масалаларини тартибга солувчи махсус комплекс қонунларни қабул қилиш (халқаро хусусий ҳуқуқ комплекс кодификацияси);

- коллизия нормаларни ўз ичига олувчи чет эл ҳуқуқини қўллашнинг умумий масалаларини тартибга солувчи махсус автоном қонунларни қабул қилиш (халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификацияси):

а) халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи барча муносабатларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ масалаларини энг юқори даражада батафсил тартибга солувчи кенг миқёсли ва мукамал қонунни қабул қилиш (Польша қонуни);

¹⁶⁵ Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. K.Boele-Woelki and D.van Iterson. The Dutch Private International Law Codification: Principles, Objectives and Opportunities. – Vol. 14.3. <http://www.ejcl.org>. Symeon C.Symeonides. Codification and Flexibility in Private International Law /General Reports of the XVIIIth Congress of the International Academy of Comparative Law. Washington, 2012. Yearbook of Private International Law. Vol. XIII. 2011.

б) халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий умумий тушунчалари ва қўлланувчи ҳуқуқнинг асосий принципларидан иборат бўлган қисқа қонунни қабул қилиш (Хитой қонуни). Халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги бошқа масалалар махсус қонунлар билан тартибга солинади;

- соҳага оид норматив ҳужжатларга коллизия ҳуқуқ тўғрисида алоҳида бўлимларни киритиш (аксарият ҳолларда, фуқаролик кодексларига ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, никоҳ-оила кодекслари, меҳнат кодекслари ва савдо кемаларининг қатнови тўғрисидаги кодекслар) (ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг соҳалараро кодификацияси);

- коллизия нормалар ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа қоидаларини алоҳида қонунларга киритиш (чет эллиқлар мақоми, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестицияси режими ва ҳ.к.)¹⁶⁶.

Автоном ҳамда комплекс автоном кодификация йўлидан борган давлатлар: Озарбайжон (“Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун, 2000 й.), Жанубий Корея (“Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун, 2001 й.), Эстония (“Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун, 2002 й.), Бельгия (“Халқаро хусусий ҳуқуқ Кодекси тўғрисида”ги қонун, 2004 й.), Болгария (Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси, 2005 й.), Украина (“Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун, 2005 й.), Македония (“Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун 2007 й.), Туркия (Халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик-процессуал ҳуқуқи кодекси, 2007 й.), Хитой (“Трансчегаравий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш тўғрисида”ги қонун, 2011 й.), Польша (“Халқаро хусусий ҳуқуқ” қонуни, 2011 й.)¹⁶⁷.

¹⁶⁶ Павлык Л.З. О проекте нового закона о международном частном праве на Украине //Журнал международного частного права. – СПб, 2003. № 3 (41). –Б.26-27. Кисиль В. Нельзя откладывать принятие Закона: автономная кодификация международного частного права является требованием времени // Василь Кисиль и Партнеры: [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.vkr.kiev.ua/> свободный. – Загл. с экрана. Богуславский М. М. Международное частное право. 6-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. –Б.56-57. Ерпылева Н.Ю. Международное частное право: Учебник. – М., 2011. –Б.62-63. Международное частное право: современные проблемы. – М.: ТЕИС, 1994. –Б.314.

¹⁶⁷ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

Соҳалараро кодификация йўлидан борган давлатлар: **Ўзбекистон** (ФКнинг VI бўлими (1996 й.), ОКнинг VIII бўлими (1998 й.), ФПКнинг V бўлими (1997 й.), ХПКнинг V бўлими (1997 й.)), **Қозоғистон** (ФКнинг VII бўлими (1999), ФПКнинг V бўлими (1999))¹⁶⁸, **Қирғизистон** (ФКнинг VII бўлими (1998), ФПКнинг V бўлими (1999)), **Тожикистон** (ФКнинг VII бўлими (2005), **Литва** (ФК биринчи китобининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланувчи II бўлими (2001 й., 2009 й. таҳ.), ФПК “Халқаро фуқаролик процесси” деб номланувчи VII қисми (2003 й.)), **Россия Федерацияси** (ФК учинчи қисмининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланувчи VI бўлими (2002 й.), ФПК “Чет эл судларининг қарорлари ва чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш бўйича иш юритуви” деб номланувчи IV бўлимининг 31 боби ва “Чет эл шахслари иштирокидаги ишлар бўйича иш юритуви” деб номланувчи V бўлими (2002 й.), ФПК “Чет эл шахслари иштирокидаги ишлар бўйича иш юритуви” деб номланувчи V бўлими (2003 й.)), **Мўғулистон** (ФК “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланувчи VI бўлими (2002 й.), ФПК “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланувчи XVIII бўлими (2002 й.)), **Нидерландия** (ФПК 1-китобининг “Голланд судларининг юрисдикцияси” деб номланувчи 1-бўлими (2002 й.), ФК “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланувчи 10-к.)¹⁶⁹.

XXI аср халқаро хусусий ҳуқуқи кодификацияси жараёнининг яна бир ўзига хос хусусияти бўлиб, халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларини тартибга солинишини ишлаб чиқиш байналмилаллашаётганлиги ҳисобланади. Бир тарафдан, бу каби тартибга солишнинг рецепция усули амалга оширилса (Бельгия кодексида Швейцария қонуни тузилишини ўзлаштириш), иккинчи тарафдан, тартибга солишни тайёрлашда чет эл илмий марказлари ва мутахассислари фаол иштирок этишмоқда (масалан, Эстониянинг 2002 йилги қонуни немис ҳуқуқшунослари томонидан тайёрланган). Аммо рецепция

¹⁶⁸ Международное частное право: сборник документов: Учебное пособие /Сост. М.К.Сулейменов. – Алматы: Каспийский общественный университет, 2013.

¹⁶⁹ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

ўйламай нусха олишни англатмайди, балки энг мақбул ва синалган қарорлар ўзлаштирилади (масалан, трансчегаравий ночорликка нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш). Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси жараёни тўртинчи босқичининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда, ҳозирги кунда етарлича қонуний натижага – халқаро хусусий ҳуқуқда миллий ҳуқуқий тартибга солиш бирхиллигининг аввалгига нисбатан юқорироқ даражасига эришилди.

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, бугунги кунда аксарият ривожланган мамлакатлар автоном кодификация ва комплекс автоном кодификация йўлидан бормоқда ҳамда кодификациянинг жипслаштирувчи реформа кодификация туридан фойдаланилмоқда. Яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ва масалаларига бағишланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни дастлабки ҳуқуқий материалга муайян янгиликни киритиш йўли билан ягона мувофиқлаштирилган ҳужжат шаклига келтириб, жипслаштирган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг борлиқнинг янги шароитларига энг юқори мослашувини таъминлаш мақсадида ислоҳ қилиш йўли билан кодификациялаш амал қилмоқда.

2.3-§. Ҳуқуқ доктринасида халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси муаммоси

Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни кодификациялаштириш масаласида юридик адабиётларда турлича фикрлар мавжуд бўлиб, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясига қарши бўлган мутахассисларнинг кенг тарқалган асосларидан бири халқаро унификация ва миллий кодификация жараёнларининг карама-қаршилиги билан боғлиқдир. Яъни дунё ҳамжамиятидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг жадал ривожланиш тенденцияларидан ортда қолувчи миллий кодификация халқаро унификацияга тўсқинлик қилиши мумкин. Бошқа тарафдан эса, халқаро унификация универсал ва минтақавий конвенционал қоидаларни ўз вақтида

мослаштириш бўйича ҳуқуқий воситаларга эга бўлмаган миллий тизим яхлитлигини бузиши мумкин¹⁷⁰.

Аммо XIX–XX асрлар мобайнида бошланган унификациялаш жараёни халқаро хусусий ҳуқуқнинг деярли барча асосий масалалари бўйича қисман халқаро кодификацияга олиб келди¹⁷¹. У бугунги кунда аллақачон континентал ҳуқуқ тизимига кирувчи кўпгина миллий ҳуқуқ-тартиботлар томонидан қабул қилинди ҳамда англо-саксон ва аралаш ҳуқуқ тизимига оид давлатлар қонунчилигига аста-секин кириб бормоқда. Бу фикр асосан Европа Иттифоқи давлатлари халқаро хусусий ҳуқуқ борасидаги қонунчилик тизимига хос бўлиб, Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинаётган Регламентлар аъзо давлатларнинг ўзаро алоқаларида мазкур қоидаларни қўллашлари лозимлигини белгилайди. Мазкур Регламентлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг аксарият масалаларини қамраб олмоқда. Масалан, “Рим I” ва “Рим II” Регламентларининг қабул қилиниши Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ички қонунчилигида белгиланган халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қоидалар ўз кучини йўқотишига олиб келди.

Аммо кодификация жараёни халқаро унификация жараёнига тўсқинлик қилиши ҳақидаги фикр нотўғридир. Халқаро шартномалар тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг қоидаларини қўллаш давлатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Давлатлар мазкур шартномаларни ратификация қилиб, миллийлаштирганидагина, у ёки бу шаклда миллий қонунчиликка трансформация қилганидагина унинг қоидаларини қўллайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи муносабатларнинг унификация қажатлар асосида тартибга солиниши, кўп ҳолларда, “оқсоқ” муносабатларнинг олдини олишга, суд қарорларини тан олиш ва ижро этишда

¹⁷⁰ Шебанова Н.А. Проблема кодификации законодательства по международному частному праву в странах Латинской Америки //Проблемы современного МЧП: Сборник обзоров. – Москва, 1988. –Б.114-115. Кабатова Е.В. Кодификация МЧП в странах Западной Европы //Советское государство и право. – Москва, 1991. – № 8. –Б.121.

¹⁷¹ Факатгина халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага халқаро конференцияси доирасида ярим аср ичида (1951-2001 й.) ҳуқуқнинг халқаро фуқаролик процесси, оила ҳуқуқи, халқаро савдо ҳуқуқи, халқаро мерос ҳуқуқи ва б. соҳалари бўйича 30 дан ортиқ кўптомонлама конвенциялар ишлаб чиқилди.

барқарорликни таъминлаш ва кўпгина бошқа ижобий ҳолатларга олиб келди. Аммо бу борада ҳар бир мамлакат, аввало, мазкур муносабатларни тартибга солишда ўзининг ички позициясини белгилайди.

К.Қ.Рашидовнинг таъкидлашича, халқаро хусусий ҳуқуқдаги кодификация жараёнларининг жадаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ТМК таъсирининг ортиши, давлатларнинг иқтисодий муносабатлардаги иштирокининг кучайиши ҳамда фаол унификация жараёни каби омиллар билан изоҳланади¹⁷².

Кодификациялаштириш масаласидаги баҳсларнинг яна бири, кодификация томонидан амалга ошириладиган муайянлик масаласи билан боғлиқ бўлиб, кодификацияга қарши бўлган олимларнинг фикрича, кодификация томонидан амалга ошириладиган муайянлик ҳуқуқ тизимини танлаш эркинлигини, демакки, суд қонунлар коллизиясини ҳал қилишда таяниши лозим бўлган адолатлилик принципининг таъсирини ҳам сезиларли даражада чеклайди. Уларнинг таъкидлашича, аниқ қонуний тартибга солиш судьяни ҳар қандай алоҳида ҳолатда реал вазиятни инобатга олиш ва зарурий эгилувчанликни амалга оширишдан маҳрум этади. Ушбу фикр умумий ҳуқуқ давлатларига татбиқан тўғридир. Умумий ҳуқуқ доктринаси намояндалари коллизион боғловчиларнинг кескин белгиланиши ишнинг ҳар томонлама баҳоланишини ва шундан келиб чиққан ҳолда, одилона натижага эришишни таъминламайди, деган қарашни илгари сурадилар. Айрим олимларнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясига унинг ўта мураккаблиги ва чигаллиги тўсқинлик қилиши мумкин. Р.Кабриякнинг таъкидлашича, ҳуқуқий материянинг чигаллиги муайян ҳолатларга нисбатан кодексга қараганда суд амалиёти яхшироқ уддалайдиган қарорни тавсия қилиш заруратини келтириб чиқаради¹⁷³. Е.В.Кабатова эса, кодификация континентал ҳуқуқ тизимида оид давлатлар судьяларининг эркинлигини

¹⁷² Рашидов К.К. Некоторые вопросы кодификации норм международного частного права в Республике Узбекистан. //Фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. –Б.90.

¹⁷³ Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б.392.

чеклаши учун, улар бундай кенг “ҳуқуқ ижодкорлиги” эркинлигига эга эмасликларини таъкидлайди¹⁷⁴.

Германиялик ҳуқуқшунос К.Сир эса, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг кодификацияси қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги нормаларни барқарорлаштиради ёки қотириб қўяди. Кодификацион тизимга киритиб бўлмайдиган тубдан ўзгартирувчи ғоялар амалий натижасиз кизиқарли назариялар бўлиб қолади, дея таъкидлайди¹⁷⁵. Аммо континентал ҳуқуқ вакиллари учун мазкур фикрлар аҳамиятга эга эмас, у соҳалараро кодификация ёки автоном кодификация шаклида бўлишидан қатъи назар, мазкур муносабатлар қонун чиқарувчининг миллий ҳуқуқ тизими манфаатлари ҳамда муносабат иштирокчилари манфаатларини эътиборга олган қарори асосида у ёки бу шаклдаги қонунчилик ҳужжатлари воситасида тартибга солинади.

Континентал ҳуқуқ доктринаси учун асосий муаммо халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясининг амалга ошириш йўллари, яъни соҳалараро кодификация ёки автоном ёхуд комплекс автоном кодификация билан боғлиқ. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, кодификация тўғрисида сўз юритганда, аксарият олимларнинг фикри автоном кодификация масаласида боради, яъни улар халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси ҳақида фикр юритганда, ушбу ҳуқуқ соҳасининг алоҳида кодификацион ҳужжат воситасида тартибга солинишини назарда тутишади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бошқа классик ҳуқуқ соҳаларига нисбатан “ёш ҳуқуқ соҳаси” бўлганлиги сабабли, ҳали уни кодификациялаш, яъни автоном кодификациялаш масаласи пишиб етилмаган, деган қарашлар кенг тарқалган. Идеал қарашга кўра, ҳуқуқшунослар назарида етарлича мустақилликка эришган муайян ҳуқуқ нормалари мажмуи ўзининг мустақил амал қилиш доирасини белгилаб олгунча, ўзининг махсус юридик техникаси ва асосий

¹⁷⁴ Кабатова Е.В. Кодификация МЧП в странах Западной Европы //Советское государство и право. – Москва, 1991. – № 8. –Б.121.

¹⁷⁵ Siehr K.G. Domestic revolutions in Europe: European equivalent to American evolution //Amer.J. Comp. Law, 1982. – Vol. 30. – № 1. –Б.68.

тамойилларини яратгунга қадар кутиши лозим. Муайян ҳуқуқий институт ёки конунчилик соҳаси кодификациялаш учун “пишиб етилиши” зарур. Чунки бунда тартибга солишнинг умумий тамойилларига ва умумлаштирилган норматив қоидаларга эга бўлган кодификацион ҳуқуқий ҳужжатни яратиш учун имкониятнинг ўзи юзага чиқади¹⁷⁶.

Р.Кабриякнинг фикрича, мазмуни нуқтаи назаридан ажралиб чиққан ҳар қандай ҳуқуқ нормасининг ҳаёти инсон ҳаёти каби “болалик ва ёшлиқдан балоғатга ва охир оқибат қарилликка етгунча бўлган йўлни босиб ўтади”. У энг мукамал кодификация – ҳуқуқий норма етукликнинг тегишли даражасига етгандагина амалга оширилиши лозимлигини, шошилинич амалга оширилган кодификация барвақт кодификациялаштирилган нормаларнинг одатий ривожланишини бузиши ҳамда омадсизликка учрашига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг нуқтаи назарига кўра, кодификация албатта суд амалиёти ёки фан томонидан ишлаб чиқилган, у ёки бу даражада тайёр бўлган материалнинг йиғилган бўлишини тақозо этади ёки унинг қоидалари бегона кодекслардан тўғридан-тўғри кўчирилиши лозим¹⁷⁷.

Аммо Р.Кабриякнинг ўзи юқоридаги қарашига қарши чиқиб, юридик техника нуқтаи назаридан эндигина вужудга келаётган ҳуқуқ нормаларини кодификациялаштириш осонроқдир, деган фикрни билдиради. Унинг таъкидлашича, бунинг учун юз йиллардан буён мавжуд бўлган нормаларни қайта тартиблаштиришдан кўра, нормалар вужудга келиши билан мантикий ўйлаб чиқилган режа асосида кодексга жойлаштиришнинг ўзи етарлидир¹⁷⁸.

А.И.Муранов ҳамда А.Н.Жильцовлар эса, замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ янги сифат даражасига эришди ва унда кодификация учун етарлича “тайёрловчи материал” йиғилган, дея таъкидлашади¹⁷⁹. Фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар етарлича тарихий даврни босиб ўтган бўлиб,

¹⁷⁶ Рахманина Т.Н. Актуальные вопросы кодификации российского законодательства //Журнал российского права. – Москва, 2008. – № 4. –Б.27.

¹⁷⁷ Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б.391.

¹⁷⁸ Ўша жойда. –Б.393.

¹⁷⁹ Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000.

автоном кодификация учун етарли материалларга эгадир. Автоном кодификация тегишли ҳуқуқ соҳасининг тан олиншига, нуфузининг ошишига олиб келади. Кодификация таъсир доирасига тушган оддий ҳуқуқ институтининг “мақомида” ҳам сифат жиҳатдан ўзгариш юз беради. Ҳар бир янги кодификацион ҳужжат яратилиши билан янги бир ҳуқуқ соҳаси ўз мустақиллигини қўлга киритади. В. Кисильнинг фикрича, алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коллизия бўлимларни яратиш юқори даражадаги кодификацион ҳужжатни – халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунни яратиш йўлидаги “ўтиш босқичи” сифатида кўрилади¹⁸⁰.

Халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификациясини амалга ошириш билан боғлиқ баҳсларга сабаб бўлаётган ҳолатлардан яна бири халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни борасида яқдил фикларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Таҳлиллар натижасида, халқаро хусусий ҳуқуқ, бир тарафдан, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, оила ва меҳнат муносабатларини, иккинчи тарафдан, процессуал масалаларни ўзига хос метод воситасида тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқ соҳаси, деган фикрга келган ҳолда таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқ соҳасининг автоном кодификациясини амалга ошириш унинг алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатидаги мақомига ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификацияларининг автоном ва комплекс автоном кодификация турлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда комплекслик тамойили халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Мазкур тамойилга кўра, кодификация жараёни муайян ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш масалаларининг барчасини мувофиқлаштириши зарур. Бу талабга трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг кенг доирасини энг юқори даражада қамраб олувчи қонунлар ва юрисдикциялар коллизиясини бартараф этишга йўналтирилган

¹⁸⁰ Кисиль В. Правовая реформа в СССР и некоторые аспекты международного частного права // Советское государство и право. – Москва, 1990. – № 1. – Б.102.

комплекс автоном кодификация усули жавоб беради. Комплекслилик тамойилининг самарадорлиги халқаро хусусий ҳуқуқда тушунчавий аппарат ва ўзига хос тартибга солувчи механизмларни қўллашда халқаро ҳуқуқий ва миллий ҳуқуқий ёндашувларнинг мувофиқлаштирилганлиги билан бевосита боғлиқдир (эрк мухторияти, энг узвий алоқа, ҳимоявий изоҳлар ва қайта ҳавола).

Олимларнинг комплекс автоном кодификация борасида билдирган фикрларини умумийлаштириш натижасида кодификациянинг ушбу тури фойдасига қуйидаги асосларни келтириш мумкин¹⁸¹:

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос мустақил соҳа эканлигини асослашга хизмат қилади;

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча институтлари учун умумий бўлган умумий қоидаларни битта ихтисослашган ҳужжатда талқин этиш уларга барча турдаги чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни бўйсундириш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни янада аниқ ва батафсилроқ тизимлаштиришга кўмак беради;

- халқаро хусусий ҳуқуққа доир нормаларнинг ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамланиши барча манфаатдор шахслар учун улардан фойдаланишда қулайлик яратади ва тегишинча, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади;

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг комплекс автоном кодификацияси амалга ошиши айнан бир хил мазмундаги нормаларни қўллашдаги

¹⁸¹ Кисиль В. Нельзя откладывать принятие Закона: автономная кодификация международного частного права является требованием времени // Василь Кисиль и Партнеры: [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.vkr.kiev.ua/> свободный. – Загл. с экрана. Садиков О.Н. Гражданское право и регулирование внешнеторговых связей // Советское государство и право. – Москва, 1986. – № 11. – Б.13. Семенов Н.П. О целесообразности подготовки закона о международном частном праве // Государство и право. – Москва, 1990. – № 1. – Б.92. Звекон В.П., Марышева Н.И. Развитие законодательства о МЧП // Журнал российского права. – Москва, 1997. – № 1. – Б.131. Международное частное право: современные проблемы. – М.: ТЕИС, 1994. – Б.327. Ерпылева Н.Ю., Гетьман-Павлова И.В. Кодификация российского законодательства в сфере международного частного права: сравнительный анализ // Международное право и международные организации. – Москва, 2010. – № 2. [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://justicemaker.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. – Б.32-75. Ерпылева Н.Ю., Гетьман-Павлова И.В. Автономные кодификации международного частного права на постсоветском пространстве (Азербайджан и Эстония) // Законодательство и экономика. – Москва, 2011. – № 5. – Б.62-85. Цзин Л. Анализ модели законодательства КНР по международному частному праву // Актуальные проблемы российского права. – Москва, 2007. – № 2. 497-505.

такрорланишларнинг олдини олади, бўшлиқларни ҳамда турли коллизия нормалар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради;

- халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодификацион ҳужжатни қабул қилиш соҳага оид қонунчилик массивини камайтиради, “қонунчиликни ихчамлаштиришга”га ёрдам беради;

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазкур кодификациясида “ўзаро ҳаволалар”га ўрин қолмайди, ҳуқуқ ва қонун аналогиясига мурожаат этиш ҳолатлари камаяди;

- халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги махсус қонунларнинг аниқ шакли ҳуқуқнинг энг мураккаб соҳасининг (“юриспруденциянинг энг олий математикаси” деб номланувчи) муаммоларини тартибга солишда комплекс ёндашувни амалга оширишга ва мантиқан унинг умумий ва махсус институтларини ажратишга кўмак беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификациясига қарши асослар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча қисмлари учун умумий бўлган қоидаларнинг етарли эмаслиги, нормаларнинг турлича режалаштирилганлиги, “махсус” йўналтирилган нормаларнинг кодификацион ҳужжатдан четда жойлаштирилиши (масалан, тижорат денгиз қатнови соҳасида, ҳисоб-китоб муносабатларида) сабабли, мазкур ҳуқуқ соҳасининг барча амалдаги нормаларини битта қонунда бирлаштиришнинг деярли иложи йўқ¹⁸². Аммо Н.П.Семёновнинг фикрича, мазкур асос автоном кодификациянинг мақсадга мувофиқ эмаслигига асос бўлиши қийиндир, чунки ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш асосий ва кўпроқ аҳамиятга эга бўлган нормалар (халқаро хусусий ҳуқуқ ҳолатида – коллизия нормалар) тизимини ишлаб чиқиш ҳамда тармоқ қонунчиликнинг тартибга

¹⁸² Казаков А.А. Проблемы систематизации российского законодательства о международном частном праве //Московский журнал международного права. – Москва, 1999. – № 2. –Б.83. Маковский А.Л. Кодификация гражданского права (1922–2006). – М., 2010. [Электронный ресурс]: Режим доступа: [http:// www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) / свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. –Б.149.

солинишига айрим ўзига хос муносабатларни бериш орқали амалга оширилиши мумкин¹⁸³;

- халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг таркиби ва ҳуқуқий табиати тўғрисида яқдил доктринал нуқтаи назарнинг мавжуд эмаслиги ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча нормаларини ягона қонунда бирлаштиришга тўсқинлик қилади¹⁸⁴;

- халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодификацион ҳужжатнинг тартибга солувчи роли унчалик аҳамиятли эмас, шу сабабли, унинг қабул қилиниши “қонун ҳужжатлари миқдорининг асоссиз равишда кўпайишига” ҳамда “амалиётда қўлланилишида муайян тушунмовчиликларга” олиб келади¹⁸⁵;

- коллизия ҳамда моддий ҳуқуқий нормаларнинг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратилишига йўл қўйилмайди, чунки ушбу икки турдаги нормалар биргаликдагина чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун ягона бўлган хатти-ҳаракат қоидаларини вужудга келтиради¹⁸⁶;

- фуқаролик, оилавий, меҳнат ҳуқуқи коллизия нормаларининг мазкур соҳалар моддий нормалари билан алоқаси уларнинг ўзаро алоқасига қараганда узвийроқдир¹⁸⁷.

Н.П.Семеновнинг фикрига кўшилган ҳолда, таъкидлаш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификацияси чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг моддий ҳуқуқий ва юрисдикцион коллизияларини бартараф этиш билан боғлиқ коллизия нормалар тизимидан ҳамда ушбу ҳужжатда мужассам бўлган махсус институтларнинг ўзаро

¹⁸³ Семенов Н.П. О целесообразности подготовки закона о международном частном праве //Государство и право. – Москва, 1990. – № 1. –Б.93.

¹⁸⁴ Казаков А.А. Проблемы систематизации российского законодательства о международном частном праве //Московский журнал международного права. – Москва, 1999. – № 2. –Б.83. Маковский А.Л. Кодификация гражданского права (1922–2006). – М., 2010. [Электронный ресурс]: Режим доступа: [http:// www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) / свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. –Б.149.

¹⁸⁵ Гридин В.А. Кодификация советского законодательства в области международного частного права: Дисс. ... канд-та юрид. наук. – М., 1986. –Б.182.

¹⁸⁶ Ўша жойда.

¹⁸⁷ Маковский А.Л. Кодификация гражданского права (1922–2006). – М., 2010. [Электронный ресурс]: Режим доступа: [http:// www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) / свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. –Б.149.

алоқасини мувофиқлаштириши лозим бўлган умумий тушунчалар тизимидан иборат комплекс автоном ҳужжат ҳисобланади. Тармоқ соҳаларни тартибга солувчи моддий нормаларни эса, алоҳида ҳужжатда акс эттириш қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан хато ҳисобланмайди.

Сўнги икки ёндашувга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг вазифаси чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатнинг ҳар бир элементи тегишли бўлган мамлакатларда тан олинишини таъминлаш мақсадида, тўқнашув келиб чиққан моддий нормалар ёки юрисдикциялардан бирига ҳавола қилишдан иборатдир. Чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабатни биргаликда тартибга солувчи моддий ва коллизия нормаларнинг алоқаси бевосита эмас, билвосита ҳисобланади.

Айрим олимларнинг фикрича, мазкур ҳолатда келиштирувчи чора сифатида, қонунчиликни тизимлаштиришнинг соҳалараро ва автоном шакллари бирлаштирувчи – кумулятив кодификация шакли танланиши мумкин. Кумулятив кодификация халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида унча катта бўлмаган қонунни қабул қилиб, унда барча соҳалар учун умумий бўлган нормаларни белгилаш ва ҳар бир соҳанинг ўзига тааллуқли алоҳида нормаларини ушбу соҳани тартибга солувчи кодексларда (фуқаролик, оила, меҳнат, фуқаролик процесси ва ҳ.к.) акс эттиришни назарда тутуди¹⁸⁸. Аммо, фикримизча, мазкур усулнинг етарлилик, тўлиқлик коэффиценти паст эканлиги боис мавжуд муаммоларни бартараф этмайди, ортиқча такрорланишларга сабаб бўлади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси муаммоси масаласида юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, халқаро хусусий ҳуқуқ янги сифат даражасига эришди ва ўтиш босқичидан, яъни соҳалараро кодификация усулидан фойдаланиш босқичидан юқорироқ поғонага чиқишни тақозо этмоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тобора кенг тус олиб

¹⁸⁸ Звекон В.П., Марышева Н.И. Развитие законодательства о МЧП //Журнал российского права. – Москва, 1997. – № 1. –Б.131.

бораётгани ҳамда мукамалроқ ҳуқуқий регламентацияни талаб қилаётгани, унинг ҳуқуқ тизимида тутган алоҳида ўрни, етарлича йиғилган ҳуқуқий материал бунинг тасдиғидир. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг энг манзур усули халқаро хусусий ҳуқуқ комплекс автоном кодификациясини амалга оширишдир. Айнан комплекслилик тамойили ҳар тарафлама мукамал, тўлиқ, яхлит, халқаро ҳуқуқий ёндашувларга мувофиқ кодификацион ҳужжатни яратишга замин яратади.

Р.Кабриякнинг фикрича, “бизнинг кунларда, миллий ҳуқуқий нормаларнинг кенг қўлланилишини осонлаштирган ҳолда, кодификация аввалгидай ҳуқуқий шовинизимга қарши яхши зарарсизлантирувчи чора ҳисобланади, чунки муайян даражада давлат чегараларини бартараф этишга йўл қўяди”¹⁸⁹.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном комплекс қонунларнинг қабул қилиниши “турли миллатдаги” қонунлар коллизияларини бартараф этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти вазифаларини айтарли даражада осонлаштиради. Бундан ташқари, замонавий кодификациялар муҳим ҳуқуқ ижодкорлиги вазифасини бажаради. Чет эл ҳуқуқ-тартиботи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишига ҳуқуқий аниқлик киритган ҳолда, улар ҳуқуқ кризисини, фойдаси кўп бўлмаган янги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш оқибатида вужудга келган “қонунчилик инфляциясини” бартараф этишга кўмак беради.

Саволлар:

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаштириш турларини сананг.
2. Ўзбекистон Республикасида халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси ва сизнинг муносабатингиз.

¹⁸⁹ Кабрияк Р. Кодификации /Пер. с франц. Л. В. Головки. – М.: Статут, 2007. –Б.391.

3. Халқаро хусусий ҳуқуқни кодификациялаштириш жараёни бўйича турлари?

4. Бланкет кодификациянинг мазмуни ва сизнинг муносабатингиз.

III БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ КОДИФИКАЦИЯСИ ВА УНИФИКАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИ

3.1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси ва унификацияси жараёнларининг ўзаро алоқаси

Халқаро унификация деганда, айнан бир трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланувчи, ўзаро тўқнашаётган икки ёки ундан кўпроқ миллий ҳуқуқ-тартибот нормалари битта ягона норма билан алмаштириладиган давлатлараро ҳамкорлик жараёнини тушуниш лозим. Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясининг мақсади трансмиллий хусусий ҳуқуқий муносабатларни тизимли ҳуқуқий тартибга солишнинг давлат томонидан белгиланишидан иборат бўлса, халқаро унификациянинг мақсади бирхиллаштирилган нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлатлараро келишувларга мувофиқ қўллашни таъминлаш ҳисобланади¹⁹⁰. Мазкур мақсадга унификация қилинган нормаларни миллий ҳуқуқий тизимга икки усулдан бири – ҳавола ёки инкорпорация орқали имплементация қилиш йўли билан эришилади.

Ҳавола халқаро ҳуқуқ қоидаларига ҳавола қилувчи ва юридик куч берувчи нормаларни давлат ҳудудида миллий ҳуқуққа киритишни назарда тутди. Ҳавола умуман халқаро ҳуқуққа, унинг бир қисми ёки муайян нормасига ҳавола қилувчи, яъни умумий, қисман ва махсус бўлиши мумкин. **Инкорпорация** эса, ички давлат қонунчилигида халқаро шартномага мос қоидаларни қабул қилишдир (халқаро ҳуқуқий нормаларнинг матнли такрорланиши, аниқлаштирилиши ҳамда миллий хусусиятларга мослашуви). Миллий ҳуқуқий имплементациянинг мазкур усуллари россиялик олим Р.А.Мюллерсон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг фикрига кўра,

¹⁹⁰ Коровина О.П. Методы унификации норм в МЧП: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. –Б.11.

хавола ҳам, инкорпорация ҳам халқаро ҳуқуқий нормани миллий давлат ҳуқуқининг бир қисмига айлантирмайди¹⁹¹.

Халқаро шартномавий-ҳуқуқий нормаларни бевосита қўллашнинг “трансформация”, “рецепция”, “санкциялаштириш” назариялари мавжуд бўлиб, унификация нормага нисбатан юқорида кўрсатилган икки усулга караганда, бошқача ёндашувни назарда тутди. “Трансформация” деганда, халқаро шартномалар нормаларига миллий қонунчилик кучини беришнинг ҳуқуқий механизми тушунилади: 1) умумий нормани белгилаш (асосий трансформация) ҳамда 2) уларни қонунда сўзма-сўз ёки миллий ҳуқуққа мослаштирилган қоидалар кўринишида акс эттириш ёхуд бошқа усул воситасида уларни қўллашга розиликни қонунан ифодалаш йўли билан¹⁹².

Рецепция назариясига кўра, миллий ҳуқуқ-тартиботга рецепция қилинган халқаро ҳуқуқий норма ўзининг дуалистик мазмунини сақлаб қолади: бир тарафдан, унда халқаро ҳуқуқ нормаларининг аввалги хусусиятлари сақланиб қолади, иккинчи тарафдан, миллий норма сифатида давлат ҳокимияти томонидан ихтиёрий ўзгартиришлардан “автономлиги” билан тавсифланади¹⁹³. Л.П.Ануфриева санкциялаштириш тарафдори бўлиб, унинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқнинг муайян давлат юрисдикцияси доирасида амалда бўлган ҳар қандай нормаси, унинг миллий ёки халқаро ҳуқуқий табиатидан қатъи назар, “давлат хоҳиш-иродасидан ўтказилиши, яъни у томонидан белгиланиши, санкциялаштирилиши ёки мослаштирилиши лозим”¹⁹⁴.

Фикримизча, миллий ҳуқуқий имплементация натижасида халқаро ҳуқуқий нормалар уларнинг қўлланилиши учун давлат санкциясини олади ва у ёки бу усулда ички давлат ҳуқуқи нормаларига айланади. Халқаро хусусий

¹⁹¹ Мюллерсон Р.А. Соотношение национального и международного права. – М., 1982. –Б.59, 60, 68.

¹⁹² Международное частное право: Учебник /Отв. ред. Г. К. Дмитриева. 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2012. – Б.94-96. Усенко Е.Т. Соотношение и взаимодействие национального и международного права и Российская Конституция //Московский журнал международного права. – Москва, 1995. – № 2. –Б.39.

¹⁹³ Вельяминов Г.М. Международные договоры в «международном частном праве» и его понятие //Государство и право. – Москва, 2002. – № 8. –Б.79. Ерыплева Н.Ю. Международное частное право: Учебник. – М., 2011. –Б.67-68.

¹⁹⁴ Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права (сравнительное исследование правовых категорий): Дисс. ... д-ра юрид. наук. – М., 2004. –Б.329.

хуқуқ нормалари миллий норма хусусиятига эга бўлиш билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин (ЎзР ФКнинг 7-м.), аммо халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи муносабатларни давлат ичида тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши уларнинг миллий ҳуқуқ-тартиботга имплементациясидан кейингина мумкин бўлади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро унификацияси ва миллий кодификацияси жараёнлари ҳар доим ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Масалан, халқаро фуқаролик процессининг “халқаро *lis pendes*” номли тамойили (процессларнинг назоратга олинган миқдори принципи) дастлаб француз суд амалиёти томонидан шакллантирилган бўлиб, кейинчалик швейцар ва италян қонунлари томонидан қабул қилинган¹⁹⁵ ва шундан сўнггина “Брюссель I” Регламентининг 27-моддасида унификация қилинган. Ҳозирги кунда ўхшаш даъвои кўриб чиқишни биринчи бўлиб бошлаган чет эл суди томонидан қарор чиқарилгунига қадар судда ишни кўриб чиқишни тўхтатиб туриш Бельгия, Болгария, Македониянинг¹⁹⁶ қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Ушбу давлатларда ҳуқуқий тартибга солишнинг уйғунлаштирилиши хориж ҳамда Европа халқаро хусусий ҳуқуқининг таъсири оқибатида юзага келди ва имкони бўлди.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳозирги замон кодификациялари учун унификация қилинган ҳуқуқий нормаларнинг турли имплементация усуллари фаол қўллаш хосдир. Инкорпорация йўли билан кўп ҳолатларда давлатларнинг ички қонунчилигига унификация қилинган ҳуқуқий тушунчалар киритилади. Мисол учун, замонавий қонунлар миллий қонунчиликка “оддий турар жой” ва “фуқаролик” каби унификация қилинган коллизия мезонларни мослаштиради. Масалан, Бельгия кодексининг 4(2)-моддаси ва Македония қонунининг 12-а-моддасида берилган оддий турар жой таърифи Европа Иттифоқининг 1972 йил 18 январдаги Турар жой ва

¹⁹⁵ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. Fiorini A. The Codification of Private International Law: The Belgian Experience //The International and Comparative Law Quarterly. – Apr. 2005. – Vol. 54.

¹⁹⁶ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

яшаш жойи ҳуқуқий тушунчаларини стандартлаш тўғрисидаги 72(1)-резолүциясига асосланади¹⁹⁷.

Ҳавола халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси усули сифатида тобора оммалашмоқда ҳамда долзарб тус олмоқда. У унификация қилинган халқаро нормага муайян давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва ҳуқуқий тизимидан сезиларли мустақилликни сақлаб қолиш имконини беради.

Деярли барча кодификация қилинган қонунларда трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши билан боғлиқ халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳаволалар мавжуд (масалан, Озарбайжон қонунининг 1(2)-моддаси (қисман ҳавола)). Айрим ҳолларда, халқаро ҳужжатларнинг алоҳида қоидаларига махсус ҳавола қўлланади (масалан, Нидерландия Фуқаролик кодекси 10-китобининг 152(2), (3)-моддасида – вафот этганлар мол-мулкига ворислик масалаларига нисбатан қўлланувчи Ҳуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенциясининг (1989 й.) 5 ва 11-моддаларига).

Алоҳида халқаро, шу билан бирга, ҳудудий воситаларга ҳавола қилувчи махсус ҳавола ўзига хос қизиқиш уйғотиб, унинг ёрдамида унификация қилинган нормаларнинг таъсири миллий халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида масаласи ёки бутун институтига таъсир кўрсатади. Бир қатор давлатларда, масалан, Эстония (ст. 27), Бельгия (ст. 83), Польша (ст. 66) ва Нидерландияда (ст. 151) васиятнома шакли институти васият фармойиши шаклига нисбатан қўлланувчи Ҳуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенциясига (1961 й.) ҳавола йўли билан тартибга солинади. Польша қонунида “Рим I” ва “Рим II” Регламентларига ҳаволалар мавжуд бўлиб, унга кўра, шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ белгиланади¹⁹⁸ (ст. 28, ст. 33).

Бу ҳолат Нидерландияда кенг тус олган бўлиб, масалан, жисмоний шахснинг исми масаласини тартибга солишда голланд қонуни шахсий

¹⁹⁷ Европа иттифоқи томонидан қабул қилинган регламентларнинг матни жойлаштирилган электрон манзил: <http://eulaw.ru>.

¹⁹⁸ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

фамилия ва исмга нисбатан қўлланувчи Ҳуқуқ тўғрисидаги Мюнхен конвенциясига ҳавола қилади (1980 й. (18-м.)) (ст. 18)¹⁹⁹. Параллел равишда мазкур институт учун конвенциянинг бирхиллаштирувчи қоидаларини соддалаштирувчи ва тўлдирувчи коллизия нормалар белгиланган (19–27-м.).

Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификациясининг аввалги босқичида кодификациянинг мазкур усулига, яъни бланкет кодификацияга мурожаат этиш камдан-кам учрайдиган ҳолат эди ва асосан Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни (1987) ва “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг Италия тизими реформаси” қонунида қўлланар эди (1995). Голланд кодификацияси ҳаволани шу қадар фаол қўллайдики, ҳатто моддалардан бирини янги халқаро ҳужжатга келажакдаги ҳавола учун захирада қолдирган. Фуқаролик кодекси 10-китобининг 115-моддаси Вояга етмаганларнинг халқаро ҳимояси тўғрисидаги Гаага конвенциясига ҳавола қилувчи келажакдаги норма сифатида режалаштирилган (2000)²⁰⁰.

Шу тариқа, XX асрнинг охирида пайдо бўлган ва XXI асрнинг бошида яққол кўзга ташланган халқаро хусусий ҳуқуқнинг бланкет кодификациясига мурожаат этиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бланкет кодификация асосида унификация қилинган халқаро ҳужжатга халқаро хусусий ҳуқуқнинг бутун бошли институтларининг тартибга солинишини бўйсундириш ётади (миллий кодификация ҳужжатида халқаро нормаларга тўғридан-тўғри ҳавола қилиш воситасида). Бу каби миллий ҳаволаки нормалар қатор ҳолатларда унификация қилинган нормаларни муайян давлатнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқ-тартиботининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш мақсадида, уларни тўлдириши ёки ўзгартириши мумкин. Бланкет кодификациянинг ўзига хос усулларида бири бўлиб, келажакдаги норма учун захирага олинган қонун моддаси (бўлими)ни сақлаш ҳисобланади, ушбу

¹⁹⁹ Режим доступа: <http://pravo.hse.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

²⁰⁰ Гаага конвенцияларининг матни жойлаштирилган электрон манзил: <http://www.hcch.net>. Конвенция 01.01.2009 й. кучга кирган, аммо Нидерландия томонидан ҳали ратификация қилинмаган.

норма муайян халқаро шартнома ратификация қилингандан сўнг ушбу шартномага ҳаволадан иборат бўлади (Нидерландия).

Доктринада, одатда, кодификация жараёнида қоидаларни баён этишнинг бланкет усулини қўллаш мақсадга номувофиқ ҳисобланади. Қонуннинг мантиқий яхлитлиги бузилган ҳолдагина ундан фойдаланишга йўл қўйилади (масалан, қоидани бажармаслик жиноят ҳисобланиб, ҳуқуқ нормасининг санкцияси ўзида фақатгина жиноят кодексида ифодаланиши мумкин бўлган жиноий жавобгарлик чорасини акс эттирганда)²⁰¹. Шунга карамай, айрим олимлар, агар қонуннинг “ҳуқуқни вужудга келтирувчи манбаи”ни аниқлаш талаб этилса, ушбу қонундан юқорироқ юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга (масалан, халқаро шартномага) ҳаволани қўллашга йўл қўядилар²⁰².

Халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигида бланкет усул тўла оқланган бўлиб, у нафақат устун аҳамиятга эга ҳуқуқий материални аниқлашга йўл қўяди, балки халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг асосий вазифаларини бажаришга – ишни кўриб чиқиш жойидан қатъи назар, ўхшаш муаммоларга нисбатан бир хилдаги қарорларни қабул қилишга йўл қўювчи бир хилдаги ҳуқуқий тартибга солишни белгилашга кўмак беради.

Миллий кодификацияларнинг тўртинчи босқичида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётининг аҳамиятли тажрибаси йиғилган ва бирхиллаштирилганлиги сабабли, энг самарали усул сифатида жипслаштирувчи ва бланкет кодификацияни тан олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда ушбу усуллар энг кенг қабул қилинган усуллар ҳисобланади, чунки улар ўзларида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали натижаларини ўзлаштиришнинг энг қулай миллий шаклини намоён қиладилар.

²⁰¹ Чухвичев Д.В. Особенности законодательной техники при проведении кодификации //Право и политика. – Москва, 2005. – № 10.

²⁰² Тихомиров Ю.А. О правилах законодательной техники //Журнал российского права. – Москва, 1999. – № 11. [Электронный ресурс]: Режим доступа: [http:// www.consultant.ru /](http://www.consultant.ru/) свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси замонавий жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан бири халқаро хусусий ҳуқуқ унификациясини қўллаш ҳисобланади. Миллий ҳуқуқий имплементация босқичида қонун чиқарувчи давлат ички тарқоқ ҳуқуқий нормаларини тартиблаштиради ва бир вақтда халқаро унификация қилинган нормаларни трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишида кўпроқ бир хилликка эришиш мақсадида миллий ҳуқуқ-тартиботга мослаштиради.

3.2-§. МДХ мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси ва кодификацияси жараёнлари

Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг вужудга келган давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланишига XX асрнинг охири XXI асрнинг бошига хос асосий омиллар таъсир кўрсатмоқда: биринчидан – бу хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви, давлатлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиши; иккинчидан, бутун дунёда аҳоли миграциясининг кучайиши, халқаро туризмнинг ривожланиши; учинчидан, умумбашар алоқасининг турли хил янги имкониятларининг (масалан, Интернет) ривожланишидир. Мазкур омиллар бутун дунё учун умумий ва универсал хусусиятга эгадир.

Юқоридаги омиллар билан бир қаторда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир этувчи айнан МДХ давлатларига хос омиллар мавжуд. Режали иқтисодиёт ҳамда халқ хўжалиги бошқарувининг маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам берилиши билан боғлиқ чуқур иқтисодий ўзгаришлар ушбу давлатлардан бир қаторининг “ўтиш иқтисодиётига эга давлатлар”, сўнг эса “бозор иқтисодиётига эга давлатлар” тоифасига ўтишига олиб келди. Иттифоқнинг парчаланиши аввал бир давлат фуқаролари бўлиб ҳисобланган аҳолининг улкан гуруҳлари чегаранинг турли томонларида бўлиб қолишига, чет эл фуқаролари ёки умуман фуқаролиги бўлмаган шахсларга айланишига замин яратди. Янги мустақилликка эришган

давлатларнинг очик жамиятга ўтиши, ижтимоий ҳаётнинг демократлаштирилиши, ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиш каби омиллар халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги ўзгаришларга сабаб бўлди.

МДХ давлатлари учун ташқи иқтисодий фаолият соҳасида юз берган туб ўзгаришлар асосий аҳамиятга эга эди. Иттифоқ даврида мавжуд бўлган ташқи савдо монополиясининг йўқ қилиниши мазкур давлатлар ташкилотларининг ва яқка тадбиркорларининг ташқи бозорга чиқишига замин яратди, чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятлари очилди. Янги шароитда фуқаролик қонунчилигини, шу билан бирга, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни тубдан ўзгартириш талаб этилар эди. Шу мақсадда, 1991 йилда ягона кодификацион ҳужжат – ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги асослари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг VII бўлими “Чет эл фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқий лаёқати. Чет давлатлар ва халқаро шартномаларнинг фуқаролик қонунларини қўллаш”, деб номланади.

Иттифоқ парчаланганидан сўнг унинг барча собиқ республикаларида хусусий ҳуқуқнинг янги кодификацияси, жумладан, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси устида ишлар бошланди. Ушбу кодификациялар 1991 йилги Фуқаролик қонунчилиги асосларининг мантиқий давоми эди. Одатда, МДХ давлатларида ҳукмрон бўлган доктринага кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, оилавий ва меҳнат муносабатларини тартибга солади. Ушбу доктриналарда илгари сурилган нуқтаи назарларга кўра, коллизия ҳуқуқ – халқаро хусусий ҳуқуқнинг мураккаб ва ниҳоятда муҳим бўлган қисми ҳисобланади, аммо халқаро хусусий ҳуқуқ фақатгина коллизия масалалардан иборат бўлмай, унинг таркибига хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи моддий ҳуқуқий нормалар ҳам киради.

МДХ давлатларининг биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатидаёқ²⁰³, яъни айнан уни ташкил қилиш тўғрисидаги 1991 йил 8 декабрдаги Битимдаёқ, тарафлардан ҳар бири бошқа тарафнинг фуқаролари ҳамда унинг ҳудудида яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг миллий тегишлилигидан ва бошқа фарқлардан қатъи назар, фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликларни инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум-эътироф этилган халқаро нормаларга асосан кафолатлаши белгиланган (2-м.).

Мазкур принцип 1991 йил 21 декабрдаги Олмаота декларациясида ҳам тасдиқланган бўлиб, декларацияда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат ҳам, давлат усти тузилмаси ҳам эмаслиги қайд этилган. Ҳамдўстлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб, МДХ Устави ҳисобланади. Ушбу Уставга кўра, ҳамдўстликнинг асосий мақсадлари қаторида, аъзо давлатлар фуқароларига Ҳамдўстлик ҳудудида эркин мулоқот қилиш, алоқага киришиш ва силжишга кўмаклашиш ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик қилиш масалалари санаб ўтилган (2-м.).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги вужудга келган дастлабки йилларда иқтисодий ҳамкорликка кўмак берувчи кўптомонлама битимларнинг тузилиши муҳим ижобий роль ўйнади. 1992 йил 9 октябрда МДХга аъзо давлатларнинг хўжалик қонунчилигини яқинлаштириш принциплари тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу Битимда тарафлар хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни яқинлаштириш ишларини қуйидаги йўналишларда амалга оширишни келишиб олдилар:

- фуқаролик қонунчилиги (хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қоидалар);
- кашфиётлар, саноат намуналари ва товар белгилари тўғрисидаги қонунчилик;

²⁰³ МДХ мамлакатлари томонидан қабул қилинган битимлар, шартномаларнинг матни жойлаштирилган электрон манзил: <http://www.e-cis.info>.

- корхона ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қонунчилик, монополияга қарши қонунчилик;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик;
- пул, банк тизими ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик;
- солиқлар ва нархлар тўғрисидаги қонунчилик;
- транспорт қонунчилиги;
- ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, чет эл инвестициялари ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик;
- божхона қоидалари ва тарифларини қатъий белгиловчи қонунчилик;
- товар ва хизматларнинг давлатлараро ҳаракатини тартибга солувчи қонунчилик.

1992 йил 20 мартда МДХга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида Товар етказиб беришнинг умумий шартлари тўғрисидаги битим имзоланди. Унда товар етказиб беришни тартибга солувчи органларнинг, сотиб олувчи ва етказиб берувчиларнинг давлатлараро иқтисодий алоқаларни амалга ошириш доирасидаги етказиб бериш шартномаларини ўз вақтида тузишни таъминлаш бўйича мажбуриятларига тааллуқли қоидалар белгиланган. Битимга кўра, товар етказиб бериш шартномасида ҳисоб-китобларнинг нархи ва тартиби, етказиб берилаётган товарнинг сифати ва бутлиги, миқдори, ассортиментни, товар етказиб бериш муддати ва тартиби ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланади.

1992 йилги Киев битими МДХга аъзо давлатлар хўжалик субъектларига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тенг имкониятларни таъминлаш заруратидан келиб чиқади. Мазкур Битим аъзо давлатлар судларининг хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан, уларнинг давлат ва бошқа органлар билан муносабатларидан келиб чиқувчи ишларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари чегарасини белгилайди, шу каби ишлар бўйича ваколатли

судларнинг қонуний кучга кирган қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солиши ҳамда Ҳамдўстликка аъзо давлатлардан бошқаси бирининг ҳудудида фуқаролик қонунчилигини қўллаш қоидаларини белгилайди.

1992 йил 9 октябрда тузилган Мулкий ҳуқуқларни ўзаро тан олиш ва мулкий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги битим унда иштирок этаётган Ҳамдўстликка аъзо давлатлар, уларнинг фуқаролари ва юридик шахсларининг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўзаро даъволарнинг олдини олувчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. Мазкур Битимга мувофиқ, тарафлар, уларнинг фуқаролари ва юридик шахсларининг мулклари ушбу мулк жойлашган тараф томонидан таъминланувчи тўлиқ ва мутлақ ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади. Ушбу мулк қонунчилиқда назарда тутилган истисно ҳолатлардан ташқари, мажбурий мусодара қилиниши мумкин эмас. Мажбурий мусодара қилинган ҳолларда, давлат мулкдорга мусодара қилинган мулкнинг ҳақиқий баҳосига мувофиқ, ушбу мулк жойлашган тарафнинг қонунчилигида белгиланган муддатда товон тўлайди.

Бу даврда МДҲ давлатлари ўртасида яна бир қатор кўптомонлама шартномалар тузилган бўлиб, улар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- 1992 йил 13 мартдаги МДҲ доирасида илмий-техникавий объектлардан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим;
- 1992 йил 13 мартдаги МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги битим;
- 1993 йил 24 декабрдаги Инвестицион фаолият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
- 1993 йил 24 сентябрдаги Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
- 1994 йил 9 сентябрдаги Евроосиё патент конвенцияси;

- 1997 йил 28 мартдаги Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция;

- 1999 йил 4 июндаги Сохта товар белгилари ва жўғрофий кўрсатмалардан фойдаланишнинг олдини олиш ва тўсқинлик қилиш бўйича чоралар тўғрисидаги битим ва ҳ.к.

Шу билан бир қаторда, ягона иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш ҳамда МДХ давлатлари корхоналари ўртасида хўжалик алоқаларининг бир хилда тартибга солинишини назарда тутувчи битимлар имзоланди. Хусусан, 1994 йил 15 апрелда Ишлаб чиқариш, тижорат, молия-кредит, суғурта ва аралаш трансмиллий бирлашмаларни тузиш ва ривожлантиришда кўмаклашиш тўғрисидаги битим имзоланган бўлиб, унга кўра, трансмиллий молия-саноат гуруҳлари ҳукуматлараро келишувлар асосида тузилгани каби, бевосита турли мамлакатлар юридик шахслари ўртасида миллий қонунчилик асосида шартномалар тузиш йўли билан ташкил этилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бу борада 1996 йил 17 февралда “Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида”ги модел қонун қабул қилинди²⁰⁴.

МДХ доирасида давлатлараро ҳуқуқий ҳамкорлик ташкилий тузилмалари ташкил қилинган бўлиб, бу каби асосий тузилма 1992 йил 27 мартда Олмаотада МДХ давлатлари ўртасида етита мамлакат томонидан ташкил этилган Парламентлараро ассамблея ҳисобланади. Ушбу ташкилот Совет Иттифоқи барҳам топганидан сўнг МДХ ҳудудида вужудга келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг кенг доирасини муҳокама қилиш мақсадида вакиллик ҳукумати маслаҳат институти сифатида ташкил қилинган. Парламентлараро ассамблея фаолиятининг асосини миллий қонунчиликларни яқинлаштиришга кўмаклашиши лозим бўлган тавсиявий қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ташкил қилади. Тахминан 1995 йилнинг ўрталарида ушбу тузилманинг шаклланиш босқичи ниҳоясига етди. У дунёнинг барча парламентлараро ташкилотлари томонидан тан олинган

²⁰⁴ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.120.

бўлиб, Ҳамдўстлик давлатларида катта нуфузга эга. Парламентлараро ассамблеяга аъзо давлатлар Озарбайжон, Арманистон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Молдавия, Россия ва Тожикистондир.

1995 йил 26 майда эса, МДҲ давлат раҳбарлари Кенгаши Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди (Ушбу Конвенция Молдавия, Ўзбекистон, Украина, Туркменистон томонидан имзоланмади). Конвенциянинг 1-моддасига кўра, Парламентлараро ассамблея МДҲ давлатлараро органи ҳисобланади. Унинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- аъзо давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилади;
- модел қонунчилик ҳужжатларини қабул қилади ва уларни тегишли тавсиялар билан Конвенцияга аъзо давлатлар парламентларига жўнатади;
- аъзо давлатлар қонунчилигини ушбу давлатлар томонидан МДҲ доирасида тузилган халқаро шартномалар қоидалари билан мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилади;
- аъзо давлатлар ўртасида ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ахборот алмашилишни амалга оширишга кўмаклашади.

Парламентлараро ассамблея МДҲ органлари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур ташкилот ўз фаолиятида асосий эътиборни модел қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратади. Ушбу ҳужжатлар Ҳамдўстлик давлатлари қонунчилик базасини яқинлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий масалалар бўйича Доимий комиссия раиси Д.Зоировнинг таъкидлашича, модел асосларнинг қабул қилиниши МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари, юридик шахслари ва давлатнинг бошқа ички субъектлари ўртасидаги муносабатларни умумий ҳуқуқий тартибга солишни шакллантиришга кўмаклашиш учун мўлжалланган²⁰⁵.

²⁰⁵ Зоиров Д. Деятельность Межпарламентской ассамблеи стран СНГ //Пути к новому праву: Материалы международных конференций в Санкт-Петербурге и Бремене /Под общ. ред. М. М. Богуславского и Р. Книпера. –Берлин, 1998. –Б.353-355.

Парламентлараро ассамблея томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг моделлари Ҳамдўстлик давлатлари парламентлари томонидан уларнинг қонунчилик фаолиятида кенг қўлланади. Ушбу алоҳида қонунлар асосида маҳаллий ва ижтимоий шароитларни инобатга олган ҳолда, амалдаги миллий қонунчилик ҳужжатларига тузатишлар киритилади.

Модел қонунларни қабул қилиш йўли билан – янги шароитда ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш каби муҳим вазифа энг самарали тарзда ҳал қилиниши мумкин. Модел қонунларни қабул қилиш МДҲ давлатлари қонунчилигини унификация қилишнинг реал йўли бўлиб қолди. Аммо ҳудудий ёки халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган модел ёки намунавий ҳуқуқий ҳужжат аъзо давлатлар учун мажбурий ҳисобланмайди, чунки у ўз ҳуқуқий табиатига кўра, фақатгина тавсиявий хусусиятга эга. Ушбу ҳужжат асосида ҳар бир аъзо давлат миллий қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиши мумкин, шу сабабли, уни миллий қонунчиликка имплементация ёки трансформация қилиш талаб этилмайди.

МДҲда юздан ортиқ модел қонунлар қабул қилинган бўлиб, асосий ўринни МДҲ давлатларида қўлланиши ҳамда мазмунан аҳамияти нуқтаи назаридан Модел фуқаролик кодекси эгаллайди. Ушбу кодекснинг VII бўлими “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланиб 41 та моддадан (1194–1235-м.) иборат. Мазкур бўлим 1996 йил 17 февралда Парламентлараро ассамблеянинг еттинчи парламентар кенгашида қабул қилинган²⁰⁶. МДҲ Модел фуқаролик кодексини ишлаб чиқишда Хусусий ҳуқуқ илмий-маслаҳат марказининг фаолияти катта роль ўйнади. Расман унга саккизта давлат кирган, аммо марказ раиси А.Л.Маковскийнинг таъкидлашича, унинг фаолиятида аслида доимо МДҲнинг барча давлатлари иштирок этади²⁰⁷. Модел фуқаролик кодексининг қоидалари айрим ўзгартишлар билан

²⁰⁶ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. –Т.: Адолат, 1996. –Б.85-87.

²⁰⁷ Маковский А.Л. Некоторые оценки оказания помощи при разработке законодательства и состояния международного сотрудничества. В изд. Маковский А.Л. О кодификации гражданского права (1922-2006). – М.: Статут. 2010. –Б.356.

Арманистон (1998 й.), Беларусия (1998 й.), Қозоғистон (1999 й.), Қирғизистон (1998 й.) ва Ўзбекистон (1996 й.) Фуқаролик кодексларида акс этирилган.

МДХ давлатлари ўртасида коллизия муаммоларни ҳал этиш ҳамда халқаро фуқаролик процесси масалаларини ҳам халқаро шартномалар тузиш, ҳам модел қонунчиликни қўллаш йўли билан ҳуқуқий тартибга солишда интеграция йўлидан олдинга силжиш ягона иқтисодий ҳудудни ҳуқуқий тартибга солишга қараганда муваффақиятлироқ кечди. Бу борадаги айрим кўптомонлама шартномаларга тўхталиб ўтамиз:

- 1993 йилги Минск конвенцияси. Конвенцияга протокол 1997 йил 28 мартда имзоланган. Унда 11 давлат иштирок этган бўлиб, Молдова ушбу Конвенцияни имзолаган, аммо ратификация қилмаган. Конвенциянинг янги таҳрири Кишинёвда 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, ушбу Конвенцияга аъзо давлатлар учун Минск конвенцияси ва унга баённома ҳаракатдан тўхтади. Кишинёв конвенцияси 2004 йил 27 апрелдан кучга кирган бўлиб, уни Озарбайжон, Арманистон, Беларусия, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон ва Украина имзолади. Россия конвенцияни имзолаган, аммо ҳозирги кунга қадар ратификация қилмаган. Ўзбекистон Республикаси Кишинёв конвенциясига аъзо эмас.

- 1992 йилги Киев келишуви;
- 1998 йил 6 мартдаги Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ҳудудидаги арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судларнинг қарорларини ўзаро ижро этиш тартиби тўғрисидаги битим (Москва келишуви)²⁰⁸.

1993 йилги Минск конвенцияси ғарб олимлари томонидан бежиз “халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси” (Majoros F.) деган ном олмаган. Унда шахсининг муомала ва ҳуқуқ лаёқати (23, 24-м.), шахсни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш (2-м.), никоҳни қайд этиш, уни бекор қилиш, эр-хотинларнинг мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқлари, оталикни (оналикни) белгилаш, фарзандликка олиш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий

²⁰⁸ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.119.

муносабатлар, васийлик ва ҳомийлик (26–37-м.), мулк ҳуқуқи (38-м.), битим шакли (39-м.), ишончнома (40-м.), битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (41-м.), зарарни қоплаш бўйича мажбуриятлар (42-м.), даъво муддати (43-м.) ва ворислик ҳуқуқига (44–50-м.) нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ масалалари бўйича коллизия нормалар мавжуд. Конвенцияда юридик шахсларга тааллуқли қоидалар ҳам мавжуд. Шу тариқа, 1993 йилги Минск конвенциясининг тузилиши натижасида МДХда коллизия нормаларнинг кўптомонлама унификацияси амалга оширилди.

МДХ давлатларининг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги ички қонунчилигининг ривожланиши ушбу давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги кўптомонлама халқаро ҳамкорлигининг амалга оширилиши билан боғлиқ. Бир қатор соҳалардаги бундай ҳамкорликни амалга ошириш МДХ давлатларининг турли кўптомонлама келишувларида назарда тутилган [2.110; 120-б.]. Бу каби муҳим ҳужжатлар қаторига 1995 йил 10 февралдаги МДХга аъзо давлатлар божхона қонунчилигининг асосларини киритиш мумкин.

МДХ давлатларининг халқаро хусусий ҳуқуққа тааллуқли ҳуқуқий ахборот соҳасидаги ҳамкорлиги борасида 1994 йил 21 октябрда Ҳуқуқий ахборот алмашилиш тўғрисида кўптомонлама битим тузилди. Давлатлараро алмашилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавзули рўйхатига “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва процесс. Ташқи иқтисодий муносабатлар” киритилган.

Парламентлараро кўмитанинг тавсиявий ҳужжатлари тарафларнинг парламентларида уларнинг миллий қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши тавсия этилади. Ушбу тузилманинг ўзига хос хусусияти шуки, Давлатлараро кенгаш – интеграцияни бошқаришнинг юқори органи – тарафларнинг қарорларини бевосита ижро этилишини таъминловчи ташкилот ва муассасалари учун мажбурий хусусиятга эга бўлган қарорларни ёки тарафларнинг миллий қонунчилигига трансформация қилиниши лозим бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

2000 йил 14 январда эса, Трансмиллий корпорациялар тўғрисидаги конвенция²⁰⁹ кучга кирган бўлиб, Арманистон, Белорусия, Россия, Украина ва Тожикистон ушбу Конвенцияга 1998 йил 6 мартдан бошлаб аъзо бўлди. Конвенцияда ТМКларга қуйидагича таъриф берилган: “икки ёки ундан ортиқ Тараф ҳудудида эгаллиги, хўжалик юритуви ёки оператив бошқарувидаги алоҳида мулкка эга бўлган; икки ёки ундан ортиқ Тараф юридик шахслари томонидан тузилган; мазкур Конвенцияга мувофиқ корпорация сифатида рўйхатдан ўтган юридик шахс (юридик шахслар мажмуи)”²¹⁰.

2000 йил 10 октябрда Остона шаҳрида ушбу беш давлат (Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон) томонидан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисида 2001 йил 3 майда кучга кирган Шартнома қабул қилинди (2006 йилда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлди). Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигини уйғунлаштиришга йўналтирилган Парламентлараро ассамблея ҳамда ЕИХ органлари қарорлари ва тузилган шартномаларни амалга ошириш масалалари бўйича иқтисодий низоларни кўриб чиқишга мўлжалланган Ҳамжамият Судини тузиш бўйича иш бошланди. Бунга асос бўлиб, 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқини тузиш тўғрисидаги битим ҳамда Иқтисодий ва гуманитар соҳада интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома хизмат қилди²¹¹.

МДҲга аъзо давлатлар ўртасида тузилган яна бир ҳужжат 2003 йил 19 сентябрда Ялтада Белорусия, Қозоғистон, Россия ва Украина томонидан умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда БСТ қоидалари ва принциплари асосида келгусидаги кўптомонлама иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, савдо ва инвестицияни ривожлантириш

²⁰⁹ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.119.

²¹⁰ Международное частное право: Учеб. пособие /Под общ. ред. В. Ф. Попондопуло. – М., 2004. –Б.51.

²¹¹ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.119.

мақсадларида имзоланган Ягона иқтисодий ҳудудни шакллантириш тўғрисидаги битим бўлди.

2004 йилда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти қонунчилиги асослари статуси тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2008 йилда эса, Евроосий иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг ЕИХ доирасида божхона иттифоқини шакллантириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. 2009 йилда Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумати раҳбарлари Божхона иттифоқини шакллантириш масалалари бўйича Меморандумни имзоладилар. Ушбу Меморандум божхона иттифоқини шакллантириш МДҲ давлатларининг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига киришига қараганда устунроқ аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Аксарият МДҲ давлатларининг халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилиги соҳалараро кодификация йўлидан борди. Фуқаролик кодекслари МДҲ давлатлари Модел фуқаролик кодексига асосланган деярли барча давлатлар (Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Беларусия, Қозоғистон ва ҳ.к.) халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бўлимларни фуқаролик қонунчилиги кодификацион ҳужжати таркибига киритдилар. Иттифоқ парчаланганидан сўнг вужудга келган давлатлардан фақатгина Озарбайжон, Грузия ва Украинагина халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификацияси йўлидан бордилар. Бундан ташқари, МДҲ давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ моддий ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари, масалан, чет эл фуқаролари ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги, чет эл инвестициялари тўғрисидаги, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

МДҲ давлатлари учун фуқаролик ҳуқуқининг байналмилаллашуви тенденцияси хосдир. Масалан, 1980 йилги Вена конвенцияси аксарият МДҲ давлатлари ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Конвенция нафақат аксарият МДҲ давлатлари томонидан халқаро олди-сотди шартномаларига нисбатан ратификация қилинган, балки унинг қоидалари

олди-сотди муносабатларини тартибга солувчи замонавий миллий қонунларга таъсир кўрсатди. МДХ давлатлари модел кодексини ишлаб чиқишда ушбу шартномадан фойдаланиш нуқтаи назаридан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Модел кодекснинг шартнома тузиш тўғрисидаги бутун бир боби ушбу универсал шартнома қоидаларига асосланади. Кодексни ишлаб чиқишда шартноманинг муҳим шартлари тўғрисидаги, шартномани бекор қилишда зарарларни ҳисоблаш тўғрисидаги ва Конвенциянинг бир қатор бошқа қоидалари қўлланилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқининг МДХ давлатлари билан савдо масалаларида ҳамкорлик қилиш хоҳиши Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан савдо алоқаларидаги ҳолатдан кескин фарқ қилади. МДХ давлатлари билан савдо муносабатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топган илк йилларда 1989 йилги ЕС ва СССР ўртасидаги савдо ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилди. Ҳозирги кунда эса, унинг ўрнини шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар эгалламоқда. Бу каби битимлар Ўзбекистон, Россия, Украина, Беларусия, Молдова, Қозоғистон, Арманистон, Озарбайжон ва Грузия билан тузилган [3.8; 400-б.]. Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим 1999 йил 1 июлда ратификация қилинган бўлиб, бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожини учун имконият туғдирди. Жумладан, томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегишли товарларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимлар тузилмаган МДХ давлатларига нисбатан 1989 йилги Битим амал қилишда давом этади.

МДХ давлатлари қонунчилигидаги халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида кодекслар, қонунлар ёки автоном қонунларда акс эттирилишидан қатъи назар, ушбу давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий халқаро тенденцияларни ва асосан Европа минтақасида мавжуд бўлган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Шу сабабли, МДХ давлатлари

Модел кодексининг тегишли бўлимини ишлаб чиқишда ГФР ва Нидерландиянинг ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти ҳамда бир қатор халқаро конвенцияларда белгиланган принциплар қўлланган.

В.П.Звеков МДХ давлатлари томонидан халқаро шартноманинг чет эл элементига эга хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқни унификация қилиш воситаси сифатида фойдаланилиши шубҳасиз етарли эмаслигини таъкидлаган²¹². И.И.Лукашук ва Г.Г.Шинкарецакаяларнинг фикрича, иштирокчи давлатлар ҳуқуқ-тартиботи унификациясини назарда тутувчи интеграция аъзо давлатларнинг ички ривожланиши ўз йўлидан бораётганлиги сабабли секинлашмоқда ҳамда иқтисодий ва сиёсий бирхиллик ҳақида гапириш ҳозирча қийиндир²¹³.

И.И.Лукашук ва Г.Г.Шинкарецакаяларнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни унификацион шартномалар воситасида тартибга солиш, аввало, давлатларнинг бу борада ўзининг қатъий позициясини эгаллаши, замон талабларига жавоб берадиган кодификацион ҳужжатни шакллантириши, қонунчилигидаги бўшлиқларни замон талабларига мос равишда тўлдиришини тақозо этади.

Иттифоқ парчаланганидан сўнг вужудга келган давлатлар орасида фақатгина Грузия ва Украинада халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалалари тўла миқёсда комплекс тартибга солинган бўлиб, Озарбайжоннинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунида халқаро фуқаролик процесси ва иқтисодий процесс масалалари назарда тутилмаган.

Грузиянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонуни янги вужудга келган МДХ давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процессининг биринчи комплекс автоном кодификацияси ҳисобланади. Грузия қонунининг асосий манбалари 1980 йилги шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги Европа

²¹² Звеков В.П. Международное частное право: Учебник. – М., 2004. –Б.99.

²¹³ Лукашук И.И., Шинкарецакая Г.Г. Международное право: Элементарный курс. – М., 2000. –Б.110.

Ҳамкорлигининг Рим конвенцияси, Швейцариянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги” Федерал қонуни, Германия Фуқаролик тузукларига кириш қонуни ҳисобланади.

Грузия МДХ таркибидан чиқиб кетган бўлса-да, ушбу ташкилот доирасида тузилган кўпгина битимлардаги, масалан, 1993 йилги Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Минск конвенциясидаги иштирокини саклаб қолди. Грузин адабиётида таъкидланишича, ҳозирги кунда Грузияда танилган чет мамлакат суд қарорларининг асосий ҳажми – МДХга аъзо давлатлар билан боғлиқ суд қарорларидир.

Бу борада мисол келтирсак, фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади. Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж судига (ХТАС) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Акционерлик жамиятидан (даъвогар), Грузия ҳудудида жойлашган Компанияга (жавобгар) нисбатан ташқи савдо юқларининг транспорт-экспедитор хизмати бўйича 1996 йил 8 июлдаги Шартноманинг лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатидаги зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси келиб тушди. Даъвогар ишни Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасидаги Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартноманинг 39 ва 40-моддаларига мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида кўриб чиқишни сўради. Жавобгар эса, ҳудудида Шартномани бажариш бўйича ҳаракатлар амалга оширилган мамлакат – Грузия Республикаси қонунчилигини қўллашни сўради. Жавобгар, тарафлар Шартномани имзолаётганда қўлланувчи ҳуқуқни белгилаб олмаганликлари сабабли, шартнома энг узвий алоқада бўлган мамлакат, яъни шартнома мажбуриятни бажараётган тараф, шартнома тузаётган пайтда ҳудудида оддий жойлашган жойга эга бўлган мамлакат қонунчилигига ҳавола қилишни белгиловчи Грузия “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунининг 36-моддасини ваз қилиб кўрсатди. Шартнома мажбурият бўлиб, жавобгар

томонидан Грузия ҳудудида жойлашган Ўзбекистоннинг жўновчи чегаравий темир йўл станцияларидан Грузиянинг портигача бўлган йўналиш бўйича юкнинг транспорт-экспедитор хизматини амалга ошириш ҳисобланган.

Тарафларнинг муносабатига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришган Халқаро тижорат арбитраж суди 1996 йил 8 июлда тузилган шартномада тарафлар қўлланувчи ҳуқуқни назарда тутмаганликларини, ишнинг оғзаки кўриб чиқилиши пайтида ҳам келишиб олмаганликларини аниқлади. Ҳакамлик суди бирор-бир кўрсатма ёки тарафлар келишуви бўлмаган тақдирда, ХТАС Регламентининг 13-параграфига асосан, у қўлланиши лозим деб топган коллизия нормага мувофиқ белгиланган ҳуқуқни қўллайди. Иш кўриб чиқилаётган вақтда бундай нормалар бўлиб, Ўзбекистон ва Грузия аъзо бўлган Минск конвенцияси 41-моддасининг қоидалари ҳисобланарди. Минск конвенциясининг 41-моддаси тарафларнинг битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар тарафларнинг келишувида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, унинг амалга оширилиш жойи қонунчилиги билан белгиланишини назарда тутди. 1996 йил 8 июлдаги Ташқи савдо юкларининг транспорт-экспедитор хизмати бўйича шартноманинг биринчи бетида кўрсатилганидек, Шартноманинг амалга оширилиш жойи бўлиб Ўзбекистон ҳисобланади.

Шу тариқа, ХТАС низони кўриб чиқишда қўлланувчи ҳуқуқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳисобланишини белгилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси I қисми). Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қўлланилишига қарамай, жавобгар низода ютиб чикди. Регламентнинг 38–41-параграфларига асосланган ҳолда, ХТАС зарарни ундириш ҳамда арбитраж ва рўйхатга олиш йиғимлари бўйича харажатларни қоплаш тўғрисида даъвони даъво муддати ўтиб кетганлиги боис рад этди²¹⁴.

²¹⁴ Иш тўғрисидаги маълумот (по материалам Решения МКАС при ТПП РФ от 13.05.2005 №79/2004)/http://www.zonazakona.ru/law/jude_practice/1440/

Грузиянинг 1998 йилги “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонуни пандект тизимида тузилган бўлиб, 74 та моддадан иборат 10 та бобни ташкил қилади. Унинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, Грузия қонунда моддий ва коллизия нормалар билан бир қаторда, халқаро фуқаролик процесси масалалари ҳам тартибга солинган. Қонуннинг 1-моддасида (“Қўлланиш доираси”), ушбу Қонун чет мамлакат ҳуқуқи билан боғлиқ ишнинг фактик ҳолатлари мавжуд бўлганда, қайси ҳуқуқ-тартибот қўлланилишини ҳамда бундай иш бўйича жараёнда қўлланувчи процессуал ҳуқуқ нормаларини белгилаши назарда тутилган. Қонуннинг I боби “Умумий қоидалар”, II боби “Грузия судларининг халқаро ваколатчилиги” масалаларига бағишланган бўлиб, кейинги олти боб: шахслар, битимлар, ашё, мажбурият, оила ва мерос ҳуқуқига бағишланган. Охириги боб “Процессуал нормалар” деб номланиб, Грузия судларида процессни амалга ошириш, чет мамлакат суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

Грузин коллизия нормалари ва ГФТ Кириш қонунининг қоидаларини солиштирадиган бўлсак, кўпгина қоидаларнинг ҳам мазмунан, ҳам терминологик ўхшашлигини қайд қилиш мумкин. Германия тартибга солиниш таъсирини нафақат Қонуннинг тушунчаларида, балки жумлаларнинг тузилишида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ натижада Қонуннинг юридик техникаси ва терминологияси етарли даражада ишланмаганлиги тўғрисида таассурот уйғонади²¹⁵. Бу ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги грузин адабиётида ҳам таъкидланган бўлиб, Т.Н.Плаhadзенинг фикрича, “у ёки бу норматив ҳужжат она тилига таржима қилинганда, унга чет мамлакат қонун чиқарувчиси берган мазмун ўзгариши ёки умуман йўқолиши мумкин”²¹⁶. В.П.Звековнинг таъкидлашича, Грузия халқаро

²¹⁵ Закон Азербайджана о международном частном праве 2000 года [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://base.spinform.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус. Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. –Б.91.

²¹⁶ Плаhadзе Т.Н. Некоторые аспекты коллизийного регулирования договорных обязательств в международном частном праве Грузии // Московский журнал международного права. – Москва, 2007. – №3 (67). [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигидаги фақатгина европача бирлашувни мақсад қилган янгиликлар ушбу мамлакатнинг жўғрофий жойлашуви ва тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда объектив мавжуд бўлган “евроосиё” векторини ҳисобга олмаган²¹⁷. Аммо мазкур таҳлиллар Грузиянинг қонунни қўллаш амалиёти тўғрисида реал тасаввурни бера олмайди. Шу туфайли, улар ҳақиқатга қай даражада мос келиши ҳақида уларга асосланган ҳолда бир фикрга келиш қийин.

Грузиянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонуни билан бир қаторда, предметига кўра, халқаро хусусий ҳуқуққа тааллуқли айрим моддий ҳуқуқий нормалари Фуқаролик кодексида тартибга солинган:

- чет эл фуқаролари билан никоҳ тузиш тартиби тўғрисида (1118-м.);
- чет мамлакатда яшаган шахслар мерос ишининг очилиш жойи тўғрисида (1325–1326-м.);

- мерос ишининг чет мамлакатда очилиши тўғрисида (1327-м.);

“Интеллектуал мулк ҳуқуқи” деб номланган 4-бўлимга (4-қит.) қуйидаги қоидалар киритилган:

- чет элда яратилган санъат асарларини, шу жумладан, Грузия иштирок этган асарларни халқаро битимлар асосида муҳофаза қилиш тўғрисида (1018-м.);

- муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш тўғрисида (1031–1079-м.);

- контрафакт маҳсулот тўғрисида (1097-м.)

- Грузиянинг 1886 йилги Берн конвенциясига кўшилиши муносабати билан аввал вужудга келган муносабатларга муаллифлик ҳуқуқи нормаларини тарғиб қилиш тўғрисида (1508-м., 2-п.).

Аммо, фикримизча, мазкур масалаларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киритилмай Фуқаролик кодексида акс эттирилганлиги Грузия қонун чиқарувчисининг халқаро хусусий ҳуқуқ табиати борасидаги ёндашуви масаласида айрим чигал фикрларни келтириб чиқаради.

²¹⁷ Звеков В.П. Коллизии законов в международном частном праве. – М., 2007. –Б.20.

Грузиянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонундан фарқли равишда, Озарбайжоннинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунда оила ҳуқуқи ва процессуал нормалар мавжуд эмас. Умуман олганда, мазкур Қонуннинг бир қатор қоидаларида МДҲ давлатлари Модел фуқаролик кодексининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ” бўлимидаги ифодаланишлар қўлланган.

МДҲ Модел фуқаролик кодексининг қоидалари “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Озарбайжон қонунининг қуйидаги моддаларини шакллантиришда қўлланган:

- қайта ҳавола ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш тўғрисидаги (3-м.);
- реторсия тўғрисидаги (7-м.);
- шахслар борасидаги коллизион нормалар тўғрисидаги (9-м.);
- жисмоний шахслар ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тўғрисидаги (10-м.);
- шахсни бедарак йўқолган ёки ўлган деб топиш тўғрисидаги (11-м.);
- ҳуқуқни ишончномаларга нисбатан қўллаш тўғрисидаги (18-м.);
- ҳуқуқни ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўллаш – айрим истиснолардан ташқари (20–22-м.);
- шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятлар тўғрисидаги (24–28-м.);
- ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги (29–30-м.).

Қонуннинг 1-моддасида унинг қўлланиш доираси белгиланган бўлиб, унга кўра, Қонун чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ нормаларини белгилайди. Шу тариқа, Озарбайжон қонун чиқарувчиси халқаро хусусий ҳуқуқ предметини тор маънода тушунишдан келиб чиқади, яъни ушбу қоидага кўра, халқаро хусусий ҳуқуқ предметини фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади. Эҳтимол, бу ҳолат ушбу мамлакат қонунчилигида мустаҳкамланган “умумий хусусий ва махсус хусусий ҳуқуқ” концепцияси

билан боғлиқдир. Озарбайжон фуқаролик қонунчилиги оилавий, меҳнат, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар, агар оила ва меҳнат қонунчилиги, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа махсус қонунчиликда бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинишини назарда тутди. Барча хорижий халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияларидан фақатгина Озарбайжон қонунидагина интеллектуал фаолият соҳасидаги муносабатларнинг коллизия тартибга солиниши назарда тутилмаган²¹⁸.

Қонуннинг 1.2.-моддасида Озарбайжон халқаро хусусий ҳуқуқи манбалари санаб ўтилган бўлиб, улар – мазкур Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Озарбайжон Республикаси томонидан қўллаб-қувватланган халқаро шартномалар, умумэътироф этилган халқаро одатлар ва тарафларнинг келишувларидир. Шу тариқа, хусусий шахсларнинг эрк мухторияти халқаро хусусий ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида қаралиши Озарбайжон кодификациясини бошқа кодификациялардан ажратиб туради. Озарбайжон қонун чиқарувчисининг таъкидлашича: тарафларнинг қўлланувчи ҳуқуқни белгилашга нисбатан розилиги аниқ баён этилиши ёки шартноманинг шартлари ва ишнинг ҳолатларидан бевосита келиб чиқиши лозим, яъни ҳуқуқнинг нафақат аниқ ифодаланган, балки сўзсиз, “англанган” танловига ҳам йўл қўйилади.

Украинанинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 2005 йил 1 сентябрда кучга кирган бўлиб, Қонун 82 та модда ва 14 та бўлимда бирлаштирилган бир нечта якуний қоидалардан иборат. Кейинга тўққизта бўлим хусусий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари бўйича коллизия қоидаларни ташкил қилади: шахслар; битимлар, ишончнома, даъво муддати;

²¹⁸ Кольцов А.А. Представительство иностранных лиц в арбитражном процессе. «Право и экономика». – Москва, №11, 2006 г. [Электронный ресурс]: Режим доступа: [http:// www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) / свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

интеллектуал мулк ҳуқуқи; ашёвий ҳуқуқ; мажбурият (шартномавий) ҳуқуқи; шартномадан ташқари мажбуриятлар; меҳнат ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; ворислик ҳуқуқи. Халқаро фуқаролик процесси масалалари қуйидаги уч бўлимда акс этган: чет эл шахслари иштирокидаги ишлар бўйича иш кўриш; судга тааллуқлилиқ ва чет эл суд топшириқларини бажариш; чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш²¹⁹. Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг тузилиши Украина Фуқаролик кодексининг моддий ҳуқуқий қоидаларининг ташкил этилишига риоя этади ва сезиларли даражада дунёнинг кўпгина кодификациялари амалиётини ўзида акс эттиради.

МДХ мамлакатлари халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном ва комплекс автоном кодификацион ҳужжатни қабул қилиш тенденцияси ушбу мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. Бугунги кунда МДХ мамлакатларидан фақатгина Озарбайжон ва Украинада халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном кодификацион ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, бу йўлдан бориш масаласи деярли барча МДХ мамлакатларида музокараларга сабаб бўлмоқда. Фикримизча, халқаро муносабатларнинг жадаллашиши шароитида халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни автоном кодификациялаштириш, уларни тизимли, батафсил, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг барчасини бири-бирига мувофиқ ҳолда тартибга солиш масаласи бундан кейин ҳам янада муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

²¹⁹ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.207-215.

3.3-§. Европа Иттифоқи давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси ва кодификацияси жараёни

Ҳуқуқни интеграцион гуруҳлар доирасида яқинлаштириш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, фикримизча, бу борада батафсилроқ ва мураккаброғи сифатида Европа Ҳамжамияти, кейинроқ эса Европа Иттифоқи доирасида юзага келган ҳуқуқий тизимни тан олиш лозимдир. Европа Иттифоқи доирасида ягона ҳуқуқий маконнинг тузилиш жараёнини кўриб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш ўринлики, қонунчиликни яқинлаштириш аввал бошдан ЕИ аъзоларининг асосий мақсади бўлмаган, балки бу масала фақатгина функционал аҳамиятга эга бўлган: қонунчиликни яқинлаштириш фақатгина ягона бозорни шакллантириш учун зарур бўлган соҳалардагина амалга оширилган. Аммо натижада шу нарса аён бўлдики, интеграцион гуруҳлар доирасида умумий ҳуқуқий ҳудудни яратиш объектив қонуниятларга эга ва ҳар доим ҳам иштирокчи давлатларнинг ягона ҳуқуқий база яратишга бўлган хоҳиши ва бунга тайёрлиги билангина олдиндан белгиланган бўлмайди. Бу каби қонуниятларнинг энг муҳим бўлган учтаси қуйидагилардир:

Биринчидан, қонунчиликнинг яқинлаштирилиши алоҳида ажратиб олинган ҳуқуқ соҳаларидагина амалга оширила олмайди. Ягона хўжалик механизмининг тузилиши ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуққа тааллуқли кенг доирадаги ҳуқуқий комплексларни бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш заруратини назарда тутди.

Иккинчидан, интеграцион жараёнларнинг жадаллашиши қонунчиликни яқинлаштириш бўйича ишларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг муқаррарлигига олиб келади.

Учинчидан, интеграцияга интилган ҳолда, давлатлар ҳар доим ҳам одатга айланган, миллий қонунчилик ички алоқалари тизимига асосланган қоидалардан воз кечишга тайёр бўлмайдилар. Шу билан бирга, баъзан ўзига хосликни сақлаб қолишга, шаклланган хўжалик муносабатлари тизимини ҳимоя қилишга интилиш давлатларнинг керагидан ортиқ кескин

Ўзгаришлардан воз кечиш ёки ҳатто уларга тўсиқ қўйишига туртки беради. Шу сабабли, умумий ҳуқуқий асосни шакллантиришда мажбурий равишда ҳам умуман интеграцион бирлашманинг, ҳам унга кирувчи давлатларнинг манфаатлари эътиборга олинishi лозим.

Ушбу уч қонуният Европа Иттифоқи ягона ҳуқуқини яратиш тарихида аниқ кузатилади. Умумий кўринишда ЕИ ҳуқуқий тизимини қуйидаги умумий схема кўринишида ифодалаш мумкин: унинг асосини бирламчи ҳуқуқ – Европа уюшмалари ва Европа Иттифоқини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномалари ташкил қилади. Иккиламчи ҳуқуқ ёки Европа уюшмалари “қонунчилиги”ни – регламентлар, директивалар ва қарорлар ташкил қилади. ЕИ ҳуқуқий тизимида ўзига хос ўринни ҳуқуқ тамойиллари (авваламбор, ҳуқуқнинг умумий тамойиллари) ва ЕИ прецедент ҳуқуқи ташкил қилади (ЕИ прецедент ҳуқуқи манбалари бўлиб, Европа Ҳамжамиятлари суди ва Биринчи инстанция Трибунали қарорлари ҳисобланади)²²⁰.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқ узок давр мобайнида ЕИ доирасида бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш предмети бўлмаган. Умумий бозор тузишни эълон қилган 1957 йилги Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги тўғрисидаги шартнома муаллифлари ушбу шартнома кўмак бериши лозим бўлган операциялар ва битимларнинг тартибга солиниш ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмадилар. Унда шартномавий ҳуқуқни унификациялаш ва уйғунлаштириш масалаларига ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ муаммоларига нисбатан ҳеч қандай чоралар белгиланмаган. Фақатгина мазкур шартноманинг 220-моддаси истисно тарзда, давлатлар ўзларининг фуқароларига иқтисодий интеграция билан боғлиқ айрим ҳуқуқларни таъминлашлари мақсадида (1997 йилги Амстердам шартномаси таҳририда – 293-м.) аъзо давлатлар “миллий судлар, трибуналлар ва арбитражларнинг қарорларини ўзаро тан олиш ва бажаришни чекловчи расмиятчиликларни осонлаштириш бўйича...

²²⁰ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.120.

заруратига қараб барча аъзо давлатлар манфаатларини таъминлаш мақсадларида музокарага киришишлари”га чорлаган²²¹. Ушбу модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, коллизия ҳуқуқни унификациялаш ва уйғунлаштириш муаммоси аъзо давлатлар ҳукуматлараро музокараларининг предмети бўлиб ҳисобланади ҳамда Уюшма ваколатига кирмайди.

1967 йил сентябрида Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги Комиссиясидаги Бельгиянинг доимий вакили Комиссияга ўз ҳукумати ҳамда Люксембург ва Нидерландия ҳукуматлари номидан иштирокчи давлатлар экспертлари иштирокида Бенилюкс давлатлари лойиҳаси асосида коллизия нормаларни кодификация қилиш таклифи билан мурожаат қилди²²². Комиссиянинг ички бозор ва қонунчиликларни яқинлаштириш масалалари бўйича бош директорининг 1969 йил февраль ойида ҳукуматлар экспертларига қилган мурожаатида ҳуқуқ тизимларининг фарқланиши ва бирхиллаштирилган коллизия нормаларнинг мавжуд эмаслиги Ҳамдўстлик иштирокчи давлатлари ўртасида шахслар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракатланишига, яъни унинг тузилишининг асосий мақсадига тўсқинлик қилишини таъкидлаган²²³.

1969 йилнинг октябрь ойида Ҳамдўстлик давлатларининг ҳукумат экспертлари, Германиядан ташқари, ҳуқуқни уйғунлаштириш бўйича кучларини бирлаштиришга рози бўлдилар ва биринчи галда эътиборни куйидаги соҳаларга қаратдилар:

- кўчар ва кўчмас мулкка нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ;
- шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ;

²²¹ Ўша жойда. –Б.96.

²²² Бенилюкс давлатларининг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Бирхиллаштирилган қонунининг лойиҳаси (Бельгия, Нидерландия, Люксембург). Унинг 24та моддаси халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли масалаларини, хусусан, жисмоний шахснинг шахсий қонуни, оилавий ва ворислик муносабатлари, шартномага нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи коллизия нормалардан иборат. Ушбу лойиҳа шу билан қабул қилинган бўлсада, халқаро хусусий ҳуқуқ унификациясида ижобий роль ўйнади, ҳеч бўлмаса, бошқа унификация актларни ишлаб чиқишда асос бўлгани учун ҳам [3.30; 150-б.].

²²³ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.150.

- юридик ҳужжатларнинг шакли ва уларни исботлашга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ;

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий масалалари – қайта ҳавола, ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқини қўллаш, оммавий тартиб, ҳуқуқий лаёқат, вакиллик.

Ушбу учрашув натижалари ички бозор ва қонунчиликни яқинлаштириш бўйича бош дирекция томонидан умумлаштирилди ҳамда Комиссияга давлатларга халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларида бирхиллаштирилган қонун тўғрисида конвенция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишни бошлаш ташаббуси билан мурожаат этиш таклифи билан тақдим этилди. Комиссия ушбу таклифга рози бўлди ҳамда 1970 йилнинг январь ойида юқорида кўрсатилган масалалар бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида лойиҳа ёки лойиҳалар тайёрлаш бўйича экспертлар гуруҳи тузилди ва давлатлар ўртасида қуйидаги тартибда бўлиб берилди:

- кўчар ва кўчмас мулкка нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ – Германия;
- шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ – Италия;

- юридик ҳужжатларнинг шакли ва уларни исботлашга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ – Франция;

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий масалалари – қайта ҳавола, ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқини қўллаш, оммавий тартиб, ҳуқуқий лаёқат, вакиллик – Бениклюкс давлатлари.

1972 йил июнида экспертлар гуруҳи томонидан шартномадан келиб чиқадиган ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги конвенция лойиҳаси, уни иштирокчи давлатлар ҳукуматларига топшириш учун тақдим этилди. Шу билан бир қаторда, ушбу лойиҳада юридик ҳужжатларнинг шакли ва уларни исботлашга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги масалалар ва бирхиллаштирилган нормаларни

шарҳлаш ва уларнинг бошқа унификациялаштирилган коллизия нормалар билан ўзаро муносабати тўғрисидаги масалалар ҳам акс эттирилган²²⁴.

1973 йилда Европа Иқтисодий Ҳамдўстлигига Буюк Британия, Ирландия ва Даниянинг қўшилиши доимий вакиллар қўмитасига ва экспертлар гуруҳига янги аъзоларни киритишни талаб этди. Бу эса, конвенция лойиҳасини муайян тарзда қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

1978 йил мартда экспертлар гуруҳи ишлаб чиқиладиган конвенцияни шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар билан чеклашга қарор қилди. Уларнинг фикрича, биринчи галда ишлаб чиқилиши лозим бўлган шартнома мазкур масалани тартибга солиши зарур эди. Шундай қилиб, шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги конвенцияни кейинроқ ишлаб чиқишга қарор қилинди.

1980 йил 19 июнда Рим шаҳридаги Кенгаш йиғилишида яқунловчи музокаралар бўлиб ўтди ҳамда конвенциянинг кучга кириши учун зарур бўлган ратификациялар сони еттига деб белгиланди ва конвенция шу куни Бельгия, Германия, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург ва Нидерландия томонидан имзоланди (Конвенция 1991 йил кучга кирди).

2008 йил 17 июнда Европа парламенти ва Кенгаш томонидан Рим конвенциясининг ўрнини босиши лозим бўлган ҳамда Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги регламент деб номланган 593/2008-Регламент (“Рим I”) қабул қилинди. Регламентнинг 29-моддасига мувофиқ, у 2009 йил 17 декабрдан бошлаб қўлланилмоқда, аммо регламентнинг 26-моддаси 2009 йил 17 июндан бошлаб қўллана бошланди. 26-моддада 2009 йил 17 июнга қадар ЕИга аъзо давлатлар Комиссияга шартнома мажбуриятларининг коллизия ҳуқуқий тартибга солиниши тўғрисидаги конвенциялар рўйхатини келгусида уларни денонсация қилиш мақсадида тақдим қилишлари лозимлиги белгилаб қўйилган. Регламент 2-

²²⁴ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.150.

моддасининг 2-пунктида Рим конвенциясига ҳар қандай ҳавола Регламентга ҳавола сифатида тушунилиши белгиланган.

1980 йилги Рим конвенциясининг мазмунига эътибор қаратсак, унинг ўзига хослиги биринчи галда қўлланилиш доираси билан боғлиқ бўлиб, Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, ушбу Конвенция шартнома мажбуриятларига нисбатан турли мамлакатлар ҳуқуқи ўртасида танловни камраб олувчи ҳар қандай вазиятда қўлланган, яъни иштирокчи давлатлардан бўлган субъектлар доираси билан чегараланмаган. М.П.Бардинанинг фикрича, “ЕИ давлатлари судлари ва арбитражлари томонидан қўлланган Конвенция ўз тартибга солиш доирасини ушбу давлатларга тегишли субъектлар шартномалари билан чегараламайди. У шартномадан келиб чиқадиган барча муносабатларга, шу қаторда, бир тараф ёки иккала тараф ҳам учинчи мамлакатларга тегишли бўлган муносабатларга нисбатан ҳам амал қилади”²²⁵.

Конвенцияда шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ билан бир қаторда, жисмоний шахснинг муомала лаёқати, цессия ва суброгацияга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгиловчи коллизиялар боғловчилар ҳам белгиланган. Бундан ташқари, конвенцияда халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий қисмига тегишли бўлган бир қатор умумий қоидалар ҳам акс эттирилган (масалан, қайта ҳавола (15-м.), оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ (16-м.)).

1980 йилги Рим конвенциясининг “Рим I” ЕИ Регламентига алмаштирилиши ЕИ доирасида ишлаб чиқилган халқаро конвенцияларнинг ЕИнинг иккиламчи ҳуқуқи бўлган Регламент каби ҳуқуқий ҳужжатга конвертацияси йўлида мантикий қадам бўлди; Рим конвенцияси халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги бу каби ҳужжатларнинг охиригиси бўлди. Ушбу жараён сабабларининг асосийлари: регламентларнинг Европа Иттифоқи судида бир хилда шарҳланиш имконияти, Европа Иттифоқининг янги

²²⁵ Бардина М. П. О праве, применимом к договорным обязательствам в странах ЕС //Хозяйство и право. – Москва, 1997. – № 4. –Б.115.

аъзолари томонидан бирхиллаштирилган коллизия нормалар қўлланилишининг мажбурийлиги. Конвенциянинг Европа Иттифоқи Директивасига эмас, балки айнан Регламентга конвертациясининг сабаби шуки, айнан Регламент ЕИ давлатларида тўғридан-тўғри ва мажбурий ҳаракатдаги ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Директива эса, миллий босқичда ўзгариши мумкин. Регламент ёрдамида ЕИ доирасида ҳуқуқ унификациясининг зарурий даражасига самарали эришилади.

Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг 249(3)-моддасига кўра, директивалар индивидга нисбатан унинг миллий ҳуқуқ-тартиботга трансформациясидан кейингина амал қилади ва оқибатда улар халқаро хусусий ҳуқуққа кўра, ЕИ ҳуқуқи нормалари ҳисобланмайди. Ушбу шартноманинг 288-моддасига кўра, регламентлар тўғридан-тўғри таъсирга эгадир ва ҳеч қандай трансформация хужжатларсиз аъзо давлатлар фуқароларига татбиқ қилиниши мумкин. Уларнинг таъсир доираси миллий коллизия нормалар билан эмас, уларнинг ўзи томонидан белгиланади. ЕИнинг деярли барча регламентлари ўз таъсир доирасини халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий тамойиллари билан муайян зиддиятларга учраши мумкин бўлган тегишли коллизия нормалар воситасида кенгайтиради.

Рим конвенциясининг ЕИ “Рим I” Регламентига конвертацияси оқибатида унинг мазмунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масала кўндаланг турди. Бугунги кунда унификация коллизия хужжатларни ишлаб чиқишда деярли ҳар доим муҳокама қилинадиган асосий масалалардан бири қатъий коллизия нормалар ва судьянинг қўлланувчи ҳуқуқни танлаш борасидаги ихтиёри ўртасидаги мувозанатни топиш тўғрисидаги масаладир.

“Рим I” Регламентига киритилган ўзгартиришлар ушбу мувозанатни излашнинг тугалланмаётган жараёнини акс эттиради. Ушбу изланишлар яққолроқ даражада тарафлар томонидан ҳуқуқ танлаб олинмаган тақдирда, қўлланувчи ҳуқуқни танлаш тўғрисидаги қоидаларни шакллантириш жараёнида юзага чиқди. Рим конвенциясининг “Тарафлар томонидан қўлланувчи ҳуқуқ танлаб олинмаганда қўлланувчи ҳуқуқ” деб номланувчи 4-

моддасида биринчи ўринда энг узвий алоқа тамойили турган бўлса, “Рим I” Регламентининг 4-моддасида аввало муайян шартномалар – олди-сотди, хизмат кўрсатиш, кўчмас мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар, кўчмас мулк ижараси ва бошқаларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгиловчи қоидалар мустаҳкамланган (1-п.). Агар бу зарур бўлган натижага олиб келмаса, қўлланувчи ҳуқуқнинг белгиланишини шартнома учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тарафнинг жойлашган жойи билан боғловчи “ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижро” концепциясига мурожаат қилиш лозим бўлади (2-п.). Агар ҳолатлар, шартнома аниқ бошқа мамлакат қонунчилиги билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақида гувоҳлик берса, ушбу мамлакат ҳуқуқи қўлланиши зарур (3-п.). Модданинг 4-пункти қўлланувчи ҳуқуқни муайян шартномаларга нисбатан қўлланувчи боғловчилар (1-п.) ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижро тамойили (2-п.) ёрдамида аниқлаб бўлмаган тақдирда, узвий алоқа тамойилига мурожаат этиш имкониятини белгилайди²²⁶.

Қўлланувчи ҳуқуқни белгилашнинг ушбу схемаси адабиётларда, айниқса, умумий ҳуқуқ намояндалари томонидан танқид қилинди: уларнинг фикрича, тақдим этилган ифодаланишлар қўлланувчи ҳуқуқни белгилашда эгилувчанликнинг жиддий камайишига олиб келади. Аммо континентал ҳуқуқ мамлакатлари намояндалари эса, эгилувчанликнинг зарурий даражаси “Рим I” Регламентининг 4-моддасига 3-пунктнинг киритилиши билан сақланиб қолганлигини таъкидлашади. Бироқ, фикримизча, қўлланувчи ҳуқуқ тарафлар томонидан белгилаб олинмаган тақдирда, энг аввало, масалани энг узвий алоқа тамойили асосида ҳал қилишни белгилаш мазкур муносабатларни тартибга солишда зарурий эгилувчанликни таъминлайди. Регламентда белгиланган тартиб эса, яъни, аввало, шартномаларнинг алоҳида турларига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш масаласи, назаримизда,

²²⁶ Европа иттифоқи томонидан қабул қилинган регламентларнинг матни жойлаштирилган электрон манзил: <http://eulaw.ru>. Official Journal of the European Union [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://eur-lex.europa.eu/>. свободный. – Загл. с экрана.

хатто мазкур шартнома турларига нисбатан белгиланган коллизиян боғловчиларнинг ўзи энг узвий алоқа тамойили асосида белгиланган бўлса-да, эгилучанликнинг камайишига олиб келади. Мазкур шартнома турларига нисбатан, аввало, энг узвий алоқа тамойилини қўллаб, сўнг эса, кўрсатилган шартномалар тури билан энг узвий алоқадалиги тахмин қилинувчи коллизиян боғловчиларни белгилаш, фикримизча, етарли эгилувчанликни таъминлайди.

Мазкур Регламент қабул қилингандан сўнг, 1988 йилдаги шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи коллизиян нормаларни унификация қилиш бўйича ҳужжат устида қайтадан иш бошланди, ушбу ҳужжат “Рим II” номини олди. Аммо ишлаб чиқилган ҳужжат халқаро конвенция эмас, балки Европа Иттифоқининг “Шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисида”ги Регламенти мақомини олди (Регламентнинг 32-моддасига мувофиқ, у 2009 йил 11 январдан бошлаб қўлланилишни бошлади)²²⁷.

ЕИ томонидан бошқа коллизиян ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам режалаштирилган бўлиб, улар: никоҳ муносабатларини ҳал қилиш – Рим III, эр-хотинларнинг мулкӣ муносабатларини ва мерос муносабатларини ҳал қилиш – Рим IV Регламентларидир.

Халқаро фуқаролик процесси унификациян қоидаларининг ривожланиши бир неча йиллар давомида ЕИ фаолиятининг муҳим сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларидан бири ҳисобланди. Ушбу масаладаги 1968 йилги Брюссель конвенциясининг ўрнини 2002 йил 1 мартдан бошлаб “Брюссель I” Регламенти эгаллади. Ушбу ҳужжат билан бир қаторда, ЕИ халқаро фуқаролик процессининг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди.

“Брюссель I” Регламенти халқаро судловлилик (ваколатлилик), шу билан бир қаторда, фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солади. Данияга нисбатан

²²⁷ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.151.

“Брюссель I” Регламентининг қоидалари Ҳамкорлик ва Дания ўртасида 2005 йил 19 сентябрда тузилган ва 2007 йил 1 июлда кучга кирган махсус келишув асосида қўлланади. “Брюссель I” Регламенти унинг қоидаларини айрим ўзига хосликлари билан ЭСЕА (Эркин савдо Европа Ассоциацияси)га (Исландия, Норвегия ва Швейцария) аъзо давлатларга тарғиб қилувчи 2007 йилги Лугано конвенцияси билан тўлдирилади. Келишув Европа Иттифоқи ва Норвегия ўртасида 2009 йил 1 январда кучга кирди²²⁸.

“Брюссель I” Регламенти 1968 йилги Брюссель конвенцияси каби икки қисмдан иборат: биринчидан, судловлилик рўйхати – ЕИ ичидаги қайси суд органлари халқаро, шу қаторда, алоҳида ҳолатларда ҳудудий судловлиликка эгаллигини белгиловчи юрисдикцияни белгилаш қоидалари; иккинчидан, аъзо давлатлардан чиқадиган қарорларни тан олиш ва ижро этиш масалалари тартибга солинади.

“Брюссель I” Регламенти 1-моддаси 1-пунктига кўра, ЕИ ҳуқуқ-тартиботини уйғунлаштирувчи мазкур ҳужжат фуқаролик ва савдо ишларига нисбатан қўлланади. Бу қоидадан келиб чиқувчи жуда кенг амал қилиш доираси мазкур модданинг 2-пунктидаги истиснолар рўйхати: алимент муносабатлари, оилавий-ҳуқуқий низолар, ворислик ҳуқуқининг барча масалалари, шу қаторда, банкротлик масалалари билан чегараланади. Ҳозирги кунда Европа фуқаролик суд процессидаги мазкур бўшлиқлар, қисман “Брюссель II” ва 1346/2000-Европа Регламенти билан тўлдирилган.

Х.Андреаснинг фикрича, “шу тариқа, яқин келажакда янги позитивистик қиёфадаги умумевропа ҳуқуқи тўғрисидаги асрий орзу рўёбга чиқади. Коллизион ҳуқуқ миллий ҳуқуқ ҳисобланиши ҳақидаги қотиб қолган догматик тасаввурлар ўз аҳамиятини йўқотади. Халқаро хусусий ҳуқуқ бундан буён тўлиқ асосда шундай дея номланади, “халқаро” эса, номланишнинг қисми сифатида янги мазмун билан тўлади”²²⁹. Фикримизча,

²²⁸ Европа иттифоқи томонидан қабул қилинган регламентларнинг матни жойлаштирилган электрон манзил: <http://eulaw.ru>. Official Journal of the European Union [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://eur-lex.europa.eu/>. свободный. – Загл. с экрана.

²²⁹ Современное международное частное право в России и Евросоюзе: Монография. Книга 1. /Под ред. М. М. Богуславского, А. Г. Лисицына-Светланова, А. Трунка. – М.: НОРМА, 2013. –Б.154.

бу жараён халқаро хусусий ҳуқуқнинг Европа мамлакатлари доирасида миллий ҳуқуқ тизимидан халқаро ҳуқуқ тизимига ўтишига замин яратмоқда.

Шу тариқа, Европа Иттифоқи регламентларини тайёрлаш оқибатида Европада халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг деярли тўлиқ тартибга солиниши ишлаб чиқилмоқда. Эҳтимол, ҳозирги пайтда шаклланиш жараёнида бўлган Европа коллизия ҳуқуқи келажакда ЕИга аъзо давлатлар чегарасидан четга чиқиши ва универсал оммаланиши мумкин бўлган ҳуқуқни қўллаш кўрсатмаларини шакллантира олиши мумкин.

Аксарият Европа давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ миллий кодификациялари натижаларига Европа Иттифоқи халқаро хусусий ҳуқуқи унификацияси жараёни катта таъсир кўрсатади ва бу жараён Европа Иттифоқининг янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан биргаликда кетмоқда. Қуйида айрим Европа Иттифоқига аъзо давлатлар кодификацион ҳужжатларига тўхталиб ўтамиз.

Австриянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 1978 йил 15 июнда қабул қилинган²³⁰ (1979 йил 1 январда кучга кирган) бўлиб, у турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган коллизия нормаларни тизимлаштирди. Қонун чет эл элементи билан мураккаблашган оила-никоҳ, ворислик, ашёвий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги коллизия масалалар батафсил тартибга солинган саккиз қисмдан иборат. Хусусан, Қонунга шахснинг шахсий қонунини белгилаш, зарар етказишдан ва асоссиз бойлик орттиришдан, меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳамда турли номоддий неъматларга бўлган ҳуқуқ борасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган қоидалар киритилган. Қўлланувчи ҳуқуқни белгилашда Қонун тегишли муносабатларни мазкур муносабатлар билан энг узвий ва кучли алоқасини кўрсатадиган ҳуқуқ асосида тартибга солиш заруратидан келиб чиқади (Қонуннинг 1-§).

²³⁰ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.120-121.

Австриянинг 1980 йилги Шартномавий муносабатларга қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги Рим конвенциясига қўшилиши муносабати билан Қонунга муҳим ўзгаришлар киритилди (мазкур Конвенция Австрия учун 1998 йил 1 декабрдан кучга кирган). Миллий кенгаш дастлаб Конвенциянинг қоидаларини ички давлат халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига трансформация қилувчи махсус қонунларни қабул қилиш заруратини маълум қилган бўлса-да, амалда Конвенциянинг қоидалари тўғридан-тўғри қабул қилинди ва бу қоидалар Қонуннинг тегишли моддалари ўрнини эгаллади. 2009 йил 17 декабрда Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги 593/2008-ЕИ Регламенти (“Рим I”)нинг амалга киритилиши билан мазкур ҳужжатнинг қоидалари қўлланишни бошлади. Шу қаторда, 2007 йил 11 июлда Шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги 864/2007-ЕИ Регламентининг (“Рим II”) қабул қилиниши билан Австрия халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигининг тегишли қоидалари ҳам ўз аҳамиятини йўқотди. Ушбу қоидалар муайян шартномадан ташқари мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатлар мазкур Регламент таъсири доирасига кирмаган ҳолда қўлланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг Италия тизимини ислоҳ этиш тўғрисидаги қонун 1995 йил 31 майда қабул қилинган²³¹ бўлиб, континентал Европанинг иқтисодий ривожланган давлатларидаги йирик халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацион ҳужжатларидан бири ҳисобланади. П.С.Манчини томонидан ишлаб чиқилган коллизия нормалар тизими 1865 йилда пайдо бўлган бўлса-да, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлишига қарамай, ушбу Қонуннинг қабул қилинишига қадар амалда бўлди.

Қонуннинг тузилиши қуйидагичадир: I титул “Умумий қоидалар” (1–2-м.); II титул “Италян юрисдикцияси” (3–12-м.); III титул “Қўлланувчи ҳуқуқ”: I боб “Умумий қоидалар” (13–19-м.), II боб “Ҳуқуқий субъектлик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари” (20–24-м.), III боб “Юридик шахслар” (25-

²³¹ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.123-124.

м.), IV боб “Оилавий муносабатлар” (26–37-м.), V боб “Фарзандликка олиш” (38–41-м.), VI боб “Муомалага лаёқатсизларнинг ҳимояси ва алимент мажбуриятлари” (42–45-м.), VII боб “Ворислик” (46–50-м.), VIII боб “Ашёвий ҳуқуқлар” (51–55-м.), IX боб “Ҳадя” (56-м.), X боб “Шартномадан ташқари мажбуриятлар” (58–63-м.); IV титул “Чет эл суд қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги” (64–71-м.); V титул “Яқуний қоидалар” (72–74-м.).

Польша ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном кодификацион ҳужжат тузиш йўлидан борган²³² мамлакатлардан бири ҳисобланиб, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг асосий манбаини 1965 йил 12 ноябрда қабул қилинган қонун ташкил қилади. 1996 йил 3. Радваньский бошчилигида Фуқаролик ҳуқуқи кодификацион комиссияси ташкил қилинган бўлиб, 2003 йилда унинг доирасида Халқаро хусусий ҳуқуқ гуруҳи ташкил қилинган. Гуруҳ фаолияти ҳамда махсус ташкил қилинган семинарлардаги музокаралар натижасида, ташқи экспертлар иштирокида 2004 йилда Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун лойиҳасининг биринчи таҳрири ишлаб чиқилди. 2005 йил 8 ва 22 декабрдаги музокаралардан сўнг лойиҳанинг яқуний матни пайдо бўлди. Европа Иттифоқи “Рим I” Регламенти ва ЕИнинг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги бошқа регламентларининг қабул қилиниши натижасидаги келгусидаги музокаралар асосида 2011 йил 4 февралда янги қонун қабул қилиниб, 2011 йил 16 майда кучга кирди.

Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқи дастлаб прецедент хусусиятга эга эди²³³. Унинг тамойиллари Федерал трибунал томонидан Фуқаролик кодекси қабул қилингунга қадар амалда бўлган ва кантонлар ўртасидаги ҳуқуқий коллизияларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган қонунлар билан ўхшашликда шакллантирилган. 1987 йил 18 декабрда Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кенг кўламдаги қонуннинг қабул қилиниши билан ҳолат

²³² Ўша жойда. 124-125.

²³³ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.126-127.

ўзгарди. Мазкур Қонун ҳозирги кунга қадар энг мукаммал ишлаб чиқилган ҳужжат ҳисобланиб, коллизия нормалар билан бир қаторда, халқаро фуқаролик процесси масалаларини ҳам қамраб олади. Қонуннинг тузилиши унинг аксарият мамлакатлар қонунларидан фарқланишидан далолат беради: қонуннинг ҳар бир кичик бўлими учта қалит пунктни тартибга солувчи параграфлардан иборат – юрисдикция, қўлланувчи ҳуқуқ ва чет эл қарорларини ижро этиш. Қонун ишнинг ҳолатлари энг узвий алоқада бўлган ҳуқуқни қўллаш тамойилидан келиб чиқади. Махсус боблар жисмоний шахслар мақоми (шахсий мақом, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, бедарак йўқолиш), юридик шахслар (тушунча, ваколат, статут ва унинг таъсир доираси), оила ҳуқуқи, болалар ҳуқуқи, васийлик, ворислик, ашёвий ҳуқуқ, номоддий неъматларга нисбатан ҳуқуқ (интеллектуал ҳуқуқ), мажбурият ҳуқуқи, конкурса оид ишлаб чиқариш, халқаро арбитраж судига тааллуқлилиқ, чет эл суд ва бошқа органлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалаларига бағишланган. Шу тариқа, қонун ниҳоятда кенг доирадаги нормаларни қамраб олади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича қонунчилиқ ҳужжатларини қонун эмас, кодекс деб номлашнинг кўзга кўринган тенденциясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дунёдаги биринчи Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси 1998 йил Тунисда қабул қилинган²³⁴. Ушбу қонунчилиқ ҳужжати дарҳол ўзига эътибор қаратди ҳамда ҳуқуқ доктринасида ниҳоятда юқори баҳоланди: “Тунис қонун чиқарувчиси Европадаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналарига асосланди... бу каби ҳужжатнинг қабул қилиниши саноати ривожланган давлатларга ҳам шуҳрат олиб келарди. Кодекс нафақат қизиқарли норматив ҳужжат, балки XX асрнинг охириги ўн йиллигидаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади”²³⁵.

²³⁴ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.125.

²³⁵ Международное частное право: иностранное законодательство /Предисл. А. Л. Маковского; сост. и научн. ред. А. Н. Жильцов, А. И. Муранов. – М.: Статут, 2000. –Б.560-571.

Мазкур Кодекс муайян ҳуқуқий муаммолар тартибга солинишининг юқори даражада ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади: унда нафақат қонунлар коллизияси ва халқаро фуқаролик процесси масалаларига алоқадор нормалар, балки давлат ва унинг мулкӣй иммунитети масалаларини тартибга солувчи нормалар ҳам мавжуд. Қонун 76 та моддадан иборат бўлиб: I титул умумӣй қоидалардан иборат (1–2-м.); II титул Тунис юрисдикцион органларининг ваколатини белгилайди (3–10-м.); III титул қарорлар ва чет эл юрисдикцион органлари ҳужжатларига экзекватурани тартибга солишга бағишланган (11–18-м.); IV титул иммунитет масалаларини ҳал қилади (19–25-м.); V титул қўлланувчи қонунни белгилайди: 1-бобда қонунлар коллизияси тўғрисидаги қоидалар (26–37-м.), 2-боб шахслар ҳуқуқи (39–44-м.), 3-боб оила ҳуқуқи масалалари (45–53-м.), 4-боб мулкнинг текин ўтиши (54–56-м.), 6-боб битимдан (1-б., 62–69-м.) ва қонундан келиб чиқадиган мажбуриятлар (2-б., 70–76-м.).

XXI асрда Тунис қонун чиқарувчиси изидан Бельгия, Болгария ҳамда Туркия ҳам эргашди. Бельгиянинг²³⁶ Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодекси (қонун) 2004 йил қабул қилинган бўлиб, Бельгияда халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича биринчи кодификацион ҳужжат ҳисобланади. Уни ташкил қилиш бўйича ишлар бир неча йиллар давомида олиб борилган бўлиб, натижада 136 та моддадан иборат ҳужжат қабул қилинган. Кодекс умумӣй қоидалар, жисмоний шахслар, никоҳ ва никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган даъволар, биргаликда яшаш, қон-қариндошликни белгилаш ва эътироз билдириш, таъминот тўлаш бўйича мажбурият (алимент), ворислик, ашёлар ва бошқа бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлимга мазкур бўлимда тартибга солинадиган муносабат предмети бўйича халқаро судловлиликни белгилашга тааллуқли процессуал қоидалар, қўлланувчи ҳуқуқни танлаш тўғрисидаги қоидалар ҳамда зарур бўлган ҳолларда мазкур бўлимда кўриб

²³⁶ Международное частное право: Учебник. В 2 т. Т. 1: Общая часть /Отв. ред. С.Н.Лебедев, Е.В.Кабатова. – М.: Статут, 2011. –Б.121.

чиқилаётган масалалар бўйича суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги махсус қоидалар киритилган.

Болгариянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодекси 2005 йил 21 майда кучга кирган²³⁷. Кодекс Болгария тарихида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалаларида батафсил ишлаб чиқилган ва тизимлаштирилган биринчи ҳужжатдир. Кодекс 124 та моддадан иборат бўлган тўрт қисмни ташкил қилади: умумий қоидалар; Болгариянинг судлари ва бошқа суд органларида судловга тегишлиликни белгилаш ва чет эл элементи билан мураккаблашган муайян ишлар бўйича иш юритиш тартиби қоидалари; қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш қоидалари; чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этишга тааллуқли қоидалар. Кодекснинг кўпчилик нормалари, хусусан, юридик шахсларнинг шахсий қонуни ва юридик мақомини белгилаш, ворислик ҳуқуқи доирасидаги қоидалар, мулк ҳуқуқи ва шартномадан ташқари мажбуриятларни тартибга солувчи ҳуқуқ Болгария қонунчилиги учун новелла ҳисобланади.

Бельгия, Болгария ва Туркия қонун чиқарувчилари ўзларининг автоном кодификацияларини қайси мезонлар асосида кодекс деб номлаганларини аниқ айтиш қийин. Аммо россиялик олимлардан Ю.А.Тихомиров ва Э.В.Талапиналарнинг фикрига кўра, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кодексни қонундан фарқлайдиган хусусиятларга эгадир: ҳар қандай доирадаги муносабатларнинг тўлиқ тартибга солиниши; тартибга солишнинг бирхиллиги; асосий юридик тамойиллар, тушунчалар ва конструкцияларнинг мустаҳкамланиши; йирик юридик назария ва концепцияларнинг акс этганлиги; бошқа қонунлар ўртасидаги юқори даражаси; барча ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқни қўллаш жараёнига бўлган ўзига хос таъсири²³⁸.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилашда унинг халқаро ҳуқуқий табиатини

²³⁷ Ўша жойда. –Б.121-122.

²³⁸ Тихомиров Ю.А., Талапина Э.В. О кодификации и кодексах //Журнал российского права. – Москва, 2003. – № 3. [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

